

37.377.

Б-12.



Л.Г.БОБАХОДЖАЕВА

**АРАЛАШ ТАЪЛИМНИ
ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ
ДИДАКТИК ЖИҲАТЛАРИ**

Ушбу монографияда аралаш таълимни ташкил этишнинг дидактик жиҳатлари ёритиб берилган. Монографияда педагогика назарияси ва амалиётида аралаш таълим муаммоси ҳолати таҳлили, аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий-дидактик асослари, аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методи каби масалалар моҳияти баён қилинган. Олий таълим муассасалари бакалавриат йўналишлари талабалари ва магистрларда аралаш таълим шароитида педагогик компетентлигини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Монографиядан таянч докторантлар ва мустақил изланувчилар, умумтаълим ва профессионал таълим муассасалари раҳбарлари ва педагоглари, олий таълим муассасаларининг бакалавриат йўналиши талабалари, магистрантлари ўқув ҳамда амалий иш фаолияти жараёнида фойдаланишлари мумкин.

Тақризчилар:

Ҳакимова М.Ф. – педагогика фанлари доктори, профессор,

Ҳимматалиев Д.О – педагогика фанлари доктори, профессор
в.б.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Илмий Кенгашининг 2021 йил 21 сентябрдаги № 2-сонли қарорига асосан чоп этишга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-7478-0-7

КИРИШ	4
I БОБ. ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИДА АРАЛАШ ТАЪЛИМ МУАММОСИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ	7
1.1. Ўқитиш тизимида аралаш таълимнинг жорий этилиши ва ривожланиш истиқболлари.....	7
1.2. Аралаш таълим – ўқув жараёнининг сифат ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида.....	21
1.3. Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг назарий асослари.....	38
II БОБ. АРАЛАШ ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ДИДАКТИК АСОСЛАРИ	58
2.1. Олий таълим муассасаларида электрон таълим ресурсларининг ташкилий-методик ўзига хослиги.....	58
2.2. Аралаш таълим шароитида электрон таълим ресурсларидан фойдаланишда «ахборот муҳити» моделини лойиҳалаш.....	74
2.3. Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг ахборот-таълим муҳитини яратиш ва ундан фойдаланиш.....	89
2.4. Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари.....	104
III БОБ. АРАЛАШ ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИ	122
3.1. Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш модели.....	122
3.2. Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг ўқув-методик таъминоти.....	144
3.3. Аралаш таълим шароитида махсус ўқув курсларини ва ўқув-методик мажмуаларни жорий этиш орқали талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси.....	154
3.4. Аралаш таълим шароитида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва баҳолаш.....	168
Список использованной литературы:.....	175

КИРИШ

Жаҳонда юз бераётган глобаллашув ва ахборотлаштириш жараёнлари барча соҳаларга, жумладан, таълим тизимига ҳам катта таъсир кўрсатиб, электрон ўқитиш(e-learning)нинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Электрон ўқитиш амалиётида аралаш таълим(blended learning) нинг Face-to-facedriver, Rotation, Flex, Onlinelab, Self-blend, Onlinedriver каби моделлари, рақамли таълим ресурслари ва онлайн-сервислардан АҚШ, Канада, Австралия, Еропа мамлакатларидакенг фойдаланилмоқда. Глобал таълим муҳитини шакллантиришга илмий ёндашувлар контекстидаги “мегатенденциялар” компетентлик ривожлантиришга қаратилган рақамли таълим ресурслари, аралаш таълим технологияси ва интерфаол ўқув муҳитини яратиш механизмларини такомиллаштириш муаммосининг долзарблигини кўрсатади.

Жаҳонда ҳам анъанавий (маъруза, лаборатория, имтиҳон), ҳам масофавий таълим технологиялари (вебинарлар, гуруҳий чатлар, масофавий тест, маслаҳатлар, мустақил ишлар), мустақитил таълим уйғунлиги асосидаўқув машғулотлариникибермуҳитда фаоллаштириш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Олий таълим муассасаларида талалабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг амалий технологик тизими ва илмий-методик таъминотини электрон ўқув ресурслар, замонавий кўп каналли графикавий интерфейс, визуал ва объектга мўлжалланган дастурлаштириш, маълумотлар баъзасини яратиш орқали такомиллаштириш, ўқитишнинг анъанавий ва замонавий усулларида комплекс фойдаланиш, ностандарт педагогик ечимлар, компетентлик бўйича танловлар ҳамда кўп даражали таълим тизимларида қўлланиладиган педагогик технологияларни ишлаб чиқиш борасида салмоқли изланишлар олиб борилмоқда.

Республикамизда ўқитиш тизимини замонавийлаштириш, ахборотлаштирилган таълим муҳити ва унинг илмий-методик таъминотини, янги форматларини фаол ривожлантиришга йўналтирилган педагогик дастурий воситалар, виртуал лабораториялар, ўқув жарёнини фаоллаштириш учун мослашувчи Web тизимла-

рини яратиш¹, электрон ва аралаш таълим моделларини такомиллаштириш орқали талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш имкониятлари кенгаймоқда. Аралаш таълим технологиялари, супертьюторлар(машқ қилдирувчи дастурлар), касбий тьюторлар(касбий фаолияга оид дастурлар асосида яратилган ўқув материаллари), сунъий интеллект шаклидаги ўргатувчи компьютер дастурларини яратиш ва қўллаш борасида мақсадли ишлар амалга оширмоқда. Мамлакатимизда “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” устувор вазифа сифатида белгиланган. Ана вазифадан келиб чиққан ҳолда, аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини глобаллашув жараёни талаблари асосида ривожлантириш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сонли «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли«Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги 213-сонли “Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2017. –Б.39.

монография муайян даражада хизмат қилади.

Аралаш таълим технологияси - бу талабаларнинг мустақил фаолият режимда, курсдошлари билан, ўқитувчи билан мулоқот асосда билиш фаолияти комбинациясини ўз ичига олган бир бутун, яхлит ўқув жараёни бўлиб, унда ўқитувчи-талаба ҳамкорлигидаги анъанавий-масофавий ва мустақил таълим жараёнининг уйғунлигини таъминлаш назарда тутилади.

Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш учун “Аралаш таълим технологияси” курсни ишлаб чиқишда энг асосий элементларни алоҳида ажратиб кўрсатиш керак. Бундай элементлардан бири “фаол талаба” - Active Student ҳисобланади. Ғарб мамлакатлари тадқиқотчилари “аралаш технологияси модели” бўйича таълим оладиган талаба ёки талабаларни ана шундай атама билан аташади. Бунда ўқув жараёнининг камида эллик фоизи талабаларининг мустақил таълимидан иборат (янги ўқув материални ўрганиш, электрон почта орқали мулоқот қилиш, чатлар, форумлар, масалаҳатлар, кўрсатмалар, топшириқлар ва бошқалар орқали билим олиш назарда тутилади). Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, анъанавий кундузги таълимда талабалар ўқитилади, аралаш таълим технологияси жорий этилганида эса талабанинг мустақил ўрганишида уларга ёрдам бериш, таълим олишга йўналиш бериш орқали таъминланади.

Аралаш таълим шароитида талабаларда педагогик компетентликни ривожлантириш тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, олий таълим муассасаларида махсус аралаш таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашда педагогик кластер тизимини самарали натижалар беради.

I БОБ. ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИДА АРАЛАШ ТАЪЛИМ МУАММОСИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

1.1. Ўқитиш тизимида аралаш таълимнинг жорий этилиши ва ривожланиш истиқболлари

Тадқиқот ишининг ушбу праграфида анъанавий, масофавий ва интернет таълими варианти сифати талқин этиладиган аралаш таълим концепциясининг умумий қоидалари шунингдек, ҳозирги замон шароитида олий таълим тизимида аралаш таълимни татбиқ этилиши муаммолари ва истиқболлари хусусида сўз юритилади.

Жаҳонда юз бераётган глобаллашув ва ахборотлаштириш жараёни ҳаётнинг барча соҳаларига, шу жумладан, таълим ва ишлаб чиқариш тизимига ҳам катта таъсир кўрсатмоқда. Олий таълим муассасаларида таълим олишнинг анъанавий ва масофавий шакллари жорий этилиши натижасида нафақат таълим мазмуни, балки ўқитишга ёндашувлар, фанларни ўқитиш методикаси, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражаси ҳам ўзгариб бормоқда. Мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш, ахборот-коммуникация технологияларни жорий этиш ва таълим самардорлигини ошириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилиб, комплекс дастурлар асосида масофадан ўқитиш ва компьютерлаштирилган анжуманлар ўтказиш, масофали таълим тизимларини яратиш ва уларни ўқув-тарбия жараёнига жорий этиш йўлга қўйилмоқда. Шу билан бирга, ўқув жараёнида аралаш таълим технологияларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш зарурияти юзага келди. Олий таълим муассасаларида ахборот технологияларини таълим жараёнида қўллашни янги усул ва воситалар ёрдамида ташкил этиш, ўқув жараёнига аралаш таълим технологияларини жорий этиш ва методик асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон миқёсида олиб борилаётган тадқиқотлар ўқитишнинг замонавий моделларини, интеграциялашган ахборот-таълим муҳитини шакллантиришга йўналтирилган аралаш таълим технологияларининг педагогик лойиҳаларини ишлаб чиқиш аҳамиятга молик

масалалардан бири ҳисобланади. Бу эса ўқув жараёнига мослашувчан замонавий ўқитиш тизимни яратиш методологиясини ҳамда талабаларнинг билим даражасини ҳисобга олган ҳолда дифференциаллашган аралаш амалга оширувчи ўқитиш тизими таркиби ва мазмунини ишлаб чиқиш заруратини асослайди.

XX асрнинг ўрталаридан, яъни инсоният жамияти янги даврга, янги юқори технологиялар, сунъий интеллект ва компьютерлар даврига кирганидан бошлаб, жамият, фан ва таълимни умумий «ахборотлаштириш» бошланди. Айни тушунча бутун жамият ва ҳар бир инсон фаолиятининг барча соҳаларида кенг қўлланиладиган атамалардан бирига айланмоқда. Жамият ривожланишининг ҳозирги босқичи қатор ўзига хос хусусиятлари билан характерланади. Бундай хусусиятлар қаторига ақлий меҳнат аҳамиятининг ортиши, глобал миқёсдаги ахборот ресурсларидан фойдаланишга йўналганлик, ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишларини бажариш ҳамда ягона лойиҳа устида ишлаш учун мутахассислар ва ижодий жамоалар ўртасида тез-тез мулоқот ўрнатиш, ахборот алмашиш эҳтиёжи, фан, техника, таълимни қамраб олувчи жараёнларнинг интегратив характери ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ҳозирги замон социумининг бундай ўзига хос хусусиятлари жамиятни ахборотлаштириш жараёни билан узвий боғлиқ. Ахборот технологиялари инсон фаолиятининг барча жабҳаларида, шу жумладан олий таълим тизимида ҳам кенг қўлланилмоқда. Замонавий таълимни ахборот технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки улар таълим жараёнида ахборотларни узатиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда зарурий маълумотларга тезкор эга бўлиш имкониятини кенгайтиради. Бунда турли ранглар, графиклар, аудиотехника, видеотехника воситалари, мультимедиа технологияларидан фойдаланилади. Ахборот технологияларини қўллаш турли ўқув масалаларини қўйиш, шунингдек уларни ечиш имконини кенгайтиради. У ёки бу масалани ечиш босқичларини яққол тасаввур этишга, талабаларнинг ўқув фаолияти сифатини назорат қилишга имкон беради.

Республика олий таълим муассасаларига янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, жумладан, масофавий таълимни жорий этиш, электронлаштирилган форум, видеоконференциялар ўтказиш, электрон дарслик ҳамда ўқув қўл-

ланмалар яратиш ва уларни таълим жараёнида қўллашга қаратилган тадбирлардир. Умуман, ахборот-коммуникация, компьютер технологияларининг пайдо бўлиши ва такомиллашиши жамиятнинг ахборотни тезкор ва хатосиз узатиш, қайта ишлаш, сақлашга бўлган эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлиб, шу билан биргаликда мутахассисга янада асосли ва тўғри қарорлар қабул қилиб, атроф-муҳитдаги реал воқелик шарт-шароитларига ўз вақтида мослаша олишларига қилишга имкон беради. Жамиятдаги ўзгаришлар таълим жараёнида ҳам жиддий ўзгаришларни талаб қилади ва бугунги кунда дунёд миқёсида таълимни ахборотлаштириш орқали сифатли таълим олиш мажбурий мезони ва шартига айланиб бормоқда. Жаҳон компьютер тармоқлари, Интернет, ахборот қидириш, электрон почта, чат, видеоконференциялар, электрон дарсликлар, электрон кутубхоналар ва бошқалар барча турдаги коммуникация ва муҳим маълумотларни олишнинг тезкор методи сифатида фаол фойдаланилмоқда. Ҳозирги вақтда жаҳон миқёсида «очик» таълим, узлуксиз ўқиш таълим тушунчаси пайдо бўлди. Бунинг асосий сабаби ўқув жараёнини тубдан ўзгартиришга шартит туғдирган янги ахборот технологияларидан фойдаланиш, хусусан, жамиятдаги ўзгаришларга тез мослашадиган ва муносабат билдирадиган тизимни яратиш ва ривожлантириш имкониятининг юзага келишидир. Шунингдек, энг биринчи даражали вазифа замонавий ва сифатли таълимга эришиш ҳисобланиб, унинг зарурий шартларидан бири – бу таълимнинг янги шакллари амалда жорий этиш, масофавий ва аралаш таълимни педагогик таълим инновацион кластери шароитида узлуксиз йўлга қўйилиш лозим.

Эндиликда бошқаришнинг фақат авторитар усулига таянилган ўқитиш, иллюстратив-тушунтириш методлари ва далилларга асосланган билимларни механик равишда ўзлаштириш натижаси замон талабларига жавоб бера олмайди. Шунинг учун таълим мазмунини танлашда талабанинг ақлий ривожланишини жадаллаштириш ва ўз-ўзини камол топтиришига, унда мустақил билим олиш ва олган билимларини амалда қўллаш, қонуниятларни ўрганиш жараёнида «кичик кашфиёт»лар қилиш, ҳозирги замон ахборот технологияларидан билиш воситаси сифатида кенг фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ҳар қандай ривожланаётган мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистоннинг ҳам кенг миқёсдаги тараққиёти масофадан ўқитишга бўлган талабнинг йил сайин ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Ушбу таълим шаклининг глобаллашган дунёдаги таълимий, сиёсий ва ҳеч шубҳасиз иқтисодий аҳамиятини исботлашга асло зарурат йўқ. ЮНЕСКОнинг ахборот технологиялари бўйича институти мутахассислари билан ўтказилган тадқиқотларида кўрсатилишича, аҳолининг аксарият қисми таълимнинг турли шакллари кўллаш тарафдори ва шу асосида билим олишга қизиқиш билдиришган. Олий таълим муассасалари талабалари билан ўтказилган сўровнома натижалари уларнинг атиги 15% анъанавий таълим тизимидан мамнун эканини кўрсатди. Сўровномада иштирок этган бошқа талабалар ўқитиш шарт-шароитларига «масофавий, очиклик, эгилувчанлик, индивидуаллаштириш» каби талабларни илгари суришди. Буни эса фақат ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишга асосланган мос ўқитиш шакллари, моделлари, усуллари ва технологияларини қўллаш орқали амалга ошириш мумкин.

Масофавий таълим нафақат хорижий мамлакатларда, балки бизнинг мамлакатимиз таълим тизимида ҳам долзарб масалага айланмоқда ва бугунги кунда деярли барча таълим муассасалари тобора кенгрок қўлланила бошланди.

Таълим тизимига масофавий таълимни татбиқ этиш муаммолари бўйича бир қанча тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, республикамизда масофавий таълим асосида ўқитиш муаммолари борасида А.А.Абдуқодиров, У.Ш.Бегимкулов, Р.Р.Боқиев, С.С.Жуманазаров, Н.А.Муслимов, Қ.Т.Олимов, Д.М.Сайфулов, Н.И.Тайлақов, Р.Ҳ.Ҳамдамов ва бошқа кўпгина олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Шунингдек, масофавий таълимнинг ўқитиш субъектлари ҳамда ўқув воситалари ўртасида юзага келувчи ўзаро, мақсадга мувофиқ интерфаол алоқаларнинг инновацион технологияси эканлиги асослаб берилган. Тадқиқот ишида масофавий таълимни амалий жиҳатдан ташкил этишда корреспондентлик таълими, радиотелевизион таълим, тармоқли таълим, мобил технологияси ва кейс технологияси асосида ташкил этилувчи таълим турларидан унумли фойдаланиш мумкинлиги исботланган.

Масофавий таълим бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг назарий-илмий асосларини ўрганиш жараёнида шуни кузатиш мумкинки, мазкур соҳа бўйича турлича манбааларда масофавий таълим тушунчасига турлича таърифлар берилган.

“Масофавий таълим” ва “масофавий ўқитиш” атамалари ўтган асрнинг 90-йилларидан, яъни масофавий таълим тизими шаклланиган вақтдан бошлаб, мунтазам қўлланиладиган бўлди. Айни вақтда масофавий таълим тизими такомиллашган бўлишига қарамай, “масофавий таълим” ва “масофавий ўқитиш” каби атамаларнинг моҳияти борасида турлича илмий қарашлар мавжуд. Биз малака ошириш жараёнига масофавий таълимни татбиқ этишда қуйидаги таъриф ва терминларга дуч келамиз.

Р.Х.Джураев, Ў.Қ.Толипов, Р.Ғ.Сафарова ва бошқалар ҳаммуаллифлигида яратилган “Педагогик атамалар луғати”да масофавий ўқитишга қуйидагича таъриф берилган: “Масофавий ўқитиш - ўқув машғулотларининг барчаси ёки кўп қисми телекоммуникацион ва замонавий ахборотлаштириш технологиялари асосида олиб бориладиган масофадан туриб ўқитиш”.

Педагогика фанидан изоҳли луғатда “Масофавий таълим - масофавий таълим услубларига асосланган ҳолда аҳолининг кенг қатламларига тақдим этилувчи замонавий таълим хизматлари мажмуаси. Масофавий ўқитиш - ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги тўғридан-тўғри, шахсий алоқасиз “масофадан ўқитиш” имконини яратиб берувчи замонавий ахборот ва телекоммуникацион технологиялардан фойдаланишга асосланган ўқитиш жараёнини амалга оширишнинг янги услуби” деб таъриф берилган.

Масофавий ўқитиш - маълум бир масофада Интернет технологияси ёки бошқа қайтар алоқа усуллари, шунингдек барча таълим жараёнлари компонентлари - мақсад, мазмун, метод, таълимнинг ташкилий шакллари ҳамда ўқитиш усуллари асосланган таълим олувчи ва таълим берувчи ўртасидаги ўзаро муносабат.

Талабаларнинг билишга бўлган эҳтиёжлари, қизиқишлари ва қобилиятларига қараб, ўқитиш мазмуни, ташкилий шакллари, методларининг хилма-хил ва ранг-баранг бўлиши таълимнинг барча босқичларида муҳим аҳамият касб этади, аммо, айниқса бўлажак мутахассислар, шу жумладан, бўлажак ўқитувчиларни касбий-педагогик тайёрлаш босқичида жуда долзарб ҳисобланади. Айнан

шунинг учун ҳам, таълимнинг янги, замонавий сифатига эришишнинг зарурий шарт - бу олий таълим муассасаларида ўқитишнинг янгидан-янги шакллари жорий этиш, ўқитишнинг мослашувчан тизимини шакллантириш, узлуксиз таълим олишни таъминлашдир. Юқорида айтиб ўтганимиздек, масофавий таълим бир неча йиллардан буён анъанавий таълимнинг муқобили бўлиб келган.

Бундай таълимнинг энг асосий афзаллиги шундаки, чекка ҳудудларда ҳам таълимни тақдим этиш ва ўқитиш вақтини сезиларли даражада тезлаштириш имкониятини беради. Шу билан бирга, масофавий таълим ўзига хос қатор камчиликларга ҳам эга, хусусан, ўқитувчи ва таълим олувчилар ўртасида ўзаро жонли мулоқотнинг бўлмаслиги, ҳолбуки айни ҳудди шу жараёнда ўрганилаётган ўқув материалларини чуқурроқ тушунишга мақбул шароитлар яратилади. Масофавий таълимнинг камчиликларидан халос бўлишнинг энг тўғри ва самарали йўли, бизнинг фикримизча, аралаш таълим (blended learning) учун имконият яратишдир. Унинг энг асосий афзаллиги ва қулайлиги шундан иборатки, таълимий маълумотларини тақдим этадиган, энг жозибадор таълим муҳити ва мулоқот тизимини яратишдан иборат. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, аралаш таълим замон руҳини акс эттиради ва таълим соҳасидаги замонавий ислоҳатлар рақамли технологиялардан фойдаланиш воситасида янада ривожланиб бораётганлигини кўрсатади. Бундан ташқари, таълим беришнинг ушбу шакли олий таълим муассасаларининг рақобатбардошлигини ва устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мустақил онлайн курснинг анъанавий ўқитиш методикаси билан қўшилиши (комбинацияси)дан ташкил топган аралаш таълим (blended learning) бутун дунёда, жумладан, республикамизда ҳам тобора оммаланиб бормоқда. Тадқиқот натижаларига кўра, аралаш таълим дастурлари асосида ўқитилган талабалар алоҳида ўқув фанлари бўйича ҳам, яқуний битирув малакавий ишлари бўйича ҳам юқори натижаларни кўрсатмоқдалар. Аралаш таълим концепцияси масофавий ўқитиш варианты сифатида мамлакатимизда 2000 чи йилдан кейин таълим тизимида қўлланила бошлаган эди.

Ушбу методика ўқитишнинг бир нечта: анъанавий, ўқитувчи-талабанинг онлайн таълим дастурлари, аралаш таълим ўқитувчисининг назорати остида амалга ошириладиган қисман анъанавий

ва қисман онлайн ўқитиш воситасида ташкил этиладиган ҳамда йўналиши, ўқитиш динамикаси ўқитувчи томонидан назорат қилинадиган таълим сифатида белгиланади.

2005-2006 йиллардан бошлаб Интернет-технологиялари, хусусан, Web 2.0 технологияларининг кенг тарқалиши туфайли онлайн блоглар, подкастлар, викилар шаклидаги масофавий ўқитиш ва мультмедиянинг ҳар хил турлари кенг тарқалди. Дастлабки вақтларда анъанавий ва онлайн таълим борасида қарама-қарши зиддиятли фикрлар ҳам мавжуд эди. Анъанавий ва онлайн таълим - бу бир-бирини тақозо этмайдиган ва ўзаро қарама-қарши иккита метод сифатида эътироф этилди. Онлайн таълимнинг кўпгина тарафдорлари анъанавий ўқитиш методлари кейинчалик бора-бора қўлланилмай қолади, истъмождан чиқарилади, деган мулоҳазага ҳам борардилар. Бошқа томондан эса, университет вакиллари масофавий таълимни сифатсиз ва тўлиқ ўқитиш эмас, деб ҳисоблашарди. Ушбу зиддиятли ва қарама-қарши фикрларнинг ечими - бу аралаш таълим технологияси бўлиб, у дастурда масофавий онлайн ўқитишни ўқитувчи ва талабанинг анъанавий ёндашуви билан бирлаштиришни назарда тутди. Аралаш таълим мослашувчанлиги, фойдаланишнинг осонлиги ва талабаларнинг эҳтиёж ва имкониятларига мослашувчанлиги билан характерланади, бу эса ҳозирги замон шароитида жуда муҳим ҳисобланади. Жамиятнинг таълимга бўлган эҳтиёжининг юқорилиги туфайли турли даражадаги таълим муассасалари, жумладан, олий ўқув юртлари аралаш таълим дастурларини жорий этмоқдалар. Аралаш таълим методлари ва шакллари янги технологияларнинг ривожланиши ва пайдо бўлишига мос равишда кенгайиб бормоқда. Шу билан бирга, аралаш таълимнинг бир нечта муҳим хусусиятларни ажратиш кўрсатиш мумкин.

Биринчидан, таълим вақти ва технологияларини бирлаштиришнинг турли хил усулларининг мавжудлиги ва имкониятлари. Иккинчидан, ўрганилаётган мавзуларга, талабаларнинг эҳтиёж ва имкониятларига ҳамда мультимедиа технологияларининг бор-йўқлигига қараб, ўқитиш ва ўқишга ёндашувлар бир-бирларидан фарқ қилиши мумкин. Ва ниҳоят, аниқ вазифаларга қараб, муайян бир ўқув дастури нафақат маълум бир аудитория ёки гуруҳ учун, балки алоҳида талаба учун ҳам танланиши мумкин. Аралаш таълим

дастурлари анъанавий таълим дастурларига таққосланганда сезиларли устунликларга эга. Ўқув дастурининг эгилувчанлиги кундузги таълим машғулотларни, одатда, ҳафтада бир марта, онлайн дарслар билан биргаликда уйғун ташкил этишни назарда тутди, бу эса талабалар учун доимий ўқиш жойига бўлган эҳтиёжни бартараф этади ва бу эса аудиториядан бошқалар учун янада самарали фойдаланишга имконини беради. Бундан ташқари, аралаш таълимдан талабаларни ҳам, ўқитувчиларни ҳам онлайн таълимга мослаштиришда фойдаланиш мумкин. Ушбу методнинг кўплаб тарафдорларининг таъкидлашларича, аралаш таълим жараёни турли хил ёндашувлар ва стратегияларни қўллаш имконини беради [4]. Шу билан бирга, талабалар дарс мазмунини ўзлаштириш ва академик билимларини кенгайтиришларидан ташқари яна ўзларининг ахборот саводхонлигини ва ўрганилаётган ўқув материалларига нисбатан танқидий муносабатда бўлиш кўникмаларини ривожлантиради.

Аралаш таълим жараёни талабалар учун ҳам, ўқитувчилар учун ҳам ўқитишнинг анъанавий методлари билан таққосланганида бир қанча афзалликларга эга. Улар орасидани қуйидагилар алоҳида ажратиб кўрсатиб ўтиш мумкин:

- дастурлар талабаларга муайян суръат(темп)да таълим олиш, ўқиш имконини беради;
- талабалар учун қийин бўлган масалаларда тез ёрдам олиш имконияти туғилади;
- ўқитувчилар талабаларни мақбул тарза гуруҳларга ажратиш имкониятига эга бўлади;
- таълим ҳақиқий далиллар ва вазиятларга асосланади;
- маълумотларни куруқ ёдлашдан кўра, уларнинг маъно ва мазмунини тушунишга кўпроқ эътибор қаратилади;
- турли фанларни, алоҳида, шунингдек ўзаро боғлиқлик ва алоқадорликда ўқитиш ва ўрганиш имкониятлари кенгайди;
- муаммоларни ҳал қилишда мустақиллик ривожлантирилади;
- видеоалоқа воситасида мулоқотқилиш имконияти ортади.

Ижтимоий таъсир ўтказиш, шериклик алоқаларини ривожлантириш, фанлараро ҳамкорлик ва ахборот технологияларини янада ривожлантириш имкониятлари ва истиқболларини ҳисобга олган ҳолда, аралаш таълим технологияси афзалликлари рўйхати янада

кенгайтирилиши мумкин. Компютер техникаси ва Интернет технологияларининг кенг тарқалиши натижасида ўқитувчилар ва талабаларни ўқув жараёнига интерфаол жалб қилиш имкониятлари тобора ортиб, глобаллашиб бормоқда. Аммо барча технологиялар ўқитувчи ва талабанинг бевосита ва билвосита ўзаро яқин таъсирини истисно этмайди. Аралаш таълим ўқитувчиларга анъанавий таълимга блоглар, саволларга жавоб бериш ва топшириқларни электрон шаклда бажариш каби онлайн компонентларни қўшиш орқали дастурларни босқичма-босқич такомиллаштиришга имкон беради. Келажакда тренингни онлайн мунозаралар ва сўровнома-лар ўтказиш йўли билан янада кенгайтириш мумкин.

Fast ForWord and Reading Assistant сингари адаптив таълимий дастурлар ҳар бир талабага табақалаштирилган йўриқномалар, кўрсатмалар, топшириқлар олиш ва ўзи учун мақбул бўлган суръатда машғул бўлишига имконият туғдиради. Таълимнинг катта қисми мустақил тарзда амалга оширилиши мумкин бўлса-да, ўқув дастурида келтирилган тушунчаларни мустаҳкамлаш ва талабалар томонидан саволлар юзага келганида жавоб беришда ҳамда улар қийинчиликларга дуч келганларида ёрдам беришда ўқитувчининг ўрни жуда муҳимдир. Аралаш таълим курсида фойдаланиладиган адаптив ўқув дастури туфайли талабаларнинг ўқув материалларини ўзлаштириши, яхши тушуниш ва ўрганиши самарадорлиги сезиларли даражада ошади.

Талабаларнинг билиш қобилиятлари сезиларли даражада яхшиланганлиги туфайли ўқув жараёни янада самаралироқ бўлади. Дастурлар талабаларнинг имкониятлари ва қобилиятларига қараб, индивидуал машқ қилиш ва топшириқларга тузатишлар киритиш имкониятини беради.

Аралаш таълим учун мослашувчан ўқув дастурининг яна бир муҳим афзаллиги шундаки, муаммо ёки хатога дуч келганида талабанинг дарҳол ёрдам олиш имкониятидир. Дастур йўл қўйилган хато ҳақида дарҳол хабар беради ва айни масала бўйича қўшимча ўқув материалларини таклиф қилади. Ўқитувчи энг кўп учрайдиган хатолар ва муаммоларни таҳлил қилишга имкон берадиган маълумотлар тўпламига эга бўлади ва шу орқали ўқитиш тизимига тузатишлар киритади. Билимлар даражаси кўрсаткичлари ўқув материални қўшимча тушунтириш ёки амалий топшириқлар бе-

риш учун талабаларни уларнинг билим даражаларига мос ҳолда гуруҳларга ажратишга ёрдам беради.

Мослашувчан дастурлардан фойдаланган ҳолда ташкил этиладиган аралаш таълим технологияси ўқув материалларини амалий тушунишга ва ўзлаштиришга катта ёрдам беради. Ўрганилаётган ўқув материални танкидий таҳлил қилиш орқали талабалар кўпроқ маълумот оладилар ва узоқ вақт ёдда сақлаб қоладилар ва бинобарин, таълим самаралироқ бўлади. Масофавий ўқитишнинг ҳам, аралаш таълимнинг ҳам алоҳида муҳим афзалликларидан бири - бу уларнинг талабаларнинг ижтимоий ва шахсий омилларига боғлиқ бўлмаслигидир. Дастурлар одамларнинг ёши, жисмоний ва ақлий имкониятларидан қатъи назар ҳамма учун таълим олиш имконини яратади. Дастурлар талабанинг фаоллиги, самарадорлиги ва ривожланиш даражасини таҳлил қилиш орқали ўқув жараёнини мослаштиради. Интернет- технологиялар теварак-атроф оламни ўрганиш ва билиш учун янги ёндашувни ва катта имкониятларни тақдим этади. Ахборот технологиялари ҳаёт тарзининг ажралмас қисмига айланган талабаларнинг замонавий авлоди учун айнан аралаш таълим дастурлари энг самарали бўлиб туюлади.

Технологиялар ҳеч қачон ўқитувчининг ўрнини боса олмайди, аммо, шак-шубҳасиз ўқитувчининг имкониятлари ва фаолияти самарадорлигини оширади. Анъанавий таълимнинг барча афзалликларини, аралаш таълим технологиясининг фойдали жиҳатларини тушунган ҳолда, педагогик олимлар улар ҳақида ҳали ҳам зиддиятли мулоҳазалар билдирадилар.

Кўп педагоглар аралаш таълим камчиликлардан бири сифатида, биринчидан, бу жараёнда ўқитувчи билан доимий алоқанинг йўқлигини сабаб қилиб кўрсатсалар, иккинчидан, кўп ҳолларда, аралаш таълим ўқув дастури анъанавий таълим дастурга қараганда анча осон эканлигини келтиришади. Бундан ташқари, талабалар компютерда узоқ вақт ўтириб ишлайдилар, бу эса жамиятдан ажралиб қолишга, мулоқот қилиш имкониятларининг қисқаришига, “ўзининг қобилиятига ўралиб қолиши”га, бошқалар билан ўзаро ҳамкорлик қила олмаслик ва жамоада одамлар билан биргалик ишлашининг оғирлашишига сабаб бўлиши мумкин. Бироқ, ҳозирги вақтда масофадан ўқитишнинг юқори сифатли дастурлари

ва, энг асосийси, аралаш таълим ушбу муаммоларни ҳал қилишга имкон беради.

Аралаш таълим технологияси ўқитувчиларнинг касбий маҳорат даражасига юқори талабларни қўяди. Ўқитишнинг бундай модели ўқитувчининг ишини ўзгартиради, яъни уни анъанавий ўқитиш жараёни ва маъмурий вазифалардан маълумотлар базалари билан ишлашга ва талабаларга индивидуал ёрдам кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлашга олиб келади. Ўқитувчининг вазифалари дарсни режалаштириш ва ўрганилаётган мавзу бўйича маълумотларни тақдим этишдан мотивация уйғотиш, ўқув жараёнини рағбатлантириш ва осонлаштириш муаммосини ҳал қилиш даражасигача кенгайди. Бу ўқитувчидан доимий равишда мустақил билим олиш ва ўзининг билимларни мунтазам равишда кенгайтириб боришни талаб қилади. Унинг вазифалари қаторига баҳолаш, таҳлил қилиш ва маълумотларни тўплаш; режалаштириш жараёнининг ажралмас қисми сифатида ҳар бир талаба учун индивидуал, гуруҳлар ва бутун аудитория учун маълумотлар базаларидан фойдаланиш; тайёргарлиги ва ўзлаштириш даражаси ҳар хил бўлган талабаларнинг ишига раҳбарлик қилиш учун стандартлаштирилган тестлар ва бошқа баҳолаш вариантларидан фойдаланиш киради.

Аралаш таълим тизимида ўқитувчининг етакчилик қобилияти ниҳоятда муҳим. Талабаларнинг янги муҳитга кўникишлари учун уларга ёрдам бериш мақсадида ўқитувчи ўқув жараёнини моделлаштириши ва талабаларга намойиш қилиши, керакли маълумотларни ёки берилган саволларга жавобларни қандай топиш кераклигини, шунингдек, талабаларга тўғри саволлар беришни ўргатиши керак. Ўқитувчи муайян топшириқ ёки лойиҳани бажариш учун зарур бўлган ўқув фаолиятининг ҳар хил турларини бошқаришни билиши керак. Аралаш таълим моделида ўқитувчи талабаларга ўргатиладиган маълумотларни оддийгина қилиб етказиб бериши эмас, балки мавжуд маълумотларни янги шароит ва вазиятларга татбиқ этиш ва мослаштириш кўникмаларини шакллантиришга ўтишга ёрдам беради. Ўқитувчининг вазифаси - маълумотларни тўғри талқин қилиш ва таҳлил этиш, талабаларнинг вазифаси - сабаб-оқибат муносабатларини аниқлаш, тўпланган маълумотларни бирлаштириш ва уларни аниқ вазиятларда қўллаш орқали олинган билимларни намойиш этишдан иборат.

риш учун талабаларни уларнинг билим даражаларига мос ҳолда гуруҳларга ажратишга ёрдам беради.

Мослашувчан дастурлардан фойдаланган ҳолда ташкил этиладиган аралаш таълим технологияси ўқув материалларини амалий тушунишга ва ўзлаштиришга катта ёрдам беради. Ўрганилаётган ўқув материални танқидий таҳлил қилиш орқали талабалар кўпроқ маълумот оладилар ва узоқ вақт ёдда сақлаб қоладилар ва бинобарин, таълим самаралироқ бўлади. Масофавий ўқитишнинг ҳам, аралаш таълимнинг ҳам алоҳида муҳим афзалликларидан бири - бу уларнинг талабаларнинг ижтимоий ва шахсий омилларига боғлиқ бўлмаслигидир. Дастурлар одамларнинг ёши, жисмоний ва ақлий имкониятларидан қатъи назар ҳамма учун таълим олиш имконини яратади. Дастурлар талабанинг фаоллиги, самарадорлиги ва ривожланиш даражасини таҳлил қилиш орқали ўқув жараёнини мослаштиради. Интернет-технологиялар теваарак-атроф оламни ўрганиш ва билиш учун янги ёндашувни ва катта имкониятларни тақдим этади. Ахборот технологиялари ҳаёт тарзининг ажралмас қисмига айланган талабаларнинг замонавий авлоди учун айнан аралаш таълим дастурлари энг самарали бўлиб туюлади.

Технологиялар ҳеч қачон ўқитувчининг ўрнини боса олмайди, аммо, шак-шубҳасиз ўқитувчининг имкониятлари ва фаолияти самарадорлигини оширади. Анъанавий таълимнинг барча афзалликларини, аралаш таълим технологиясининг фойдали жиҳатларини тушунган ҳолда, педагогик олимлар улар ҳақида ҳали ҳам зиддиятли мулоҳазалар билдирадилар.

Кўп педагоглар аралаш таълим камчиликлардан бири сифатида, биринчидан, бу жараёнда ўқитувчи билан доимий алоқанинг йўқлигини сабаб қилиб кўрсатсалар, иккинчидан, кўп ҳолларда, аралаш таълим ўқув дастури анъанавий таълим дастурга қараганда анча осон эканлигини келтиришади. Бундан ташқари, талабалар компютерда узоқ вақт ўтириб ишлайдилар, бу эса жамиятдан ажралиб қолишга, мулоқот қилиш имкониятларининг қисқаришига, “ўзининг қобиғига ўралиб қолиши”га, бошқалар билан ўзаро ҳамкорлик қила олмаслик ва жамоада одамлар билан биргалик ишлашининг оғирлашишига сабаб бўлиши мумкин. Бирок, ҳозирги вақтда масофадан ўқитишнинг юқори сифатли дастурлари

ва, энг асосийси, аралаш таълим ушбу муаммоларни ҳал қилишга имкон беради.

Аралаш таълим технологияси ўқитувчиларнинг касбий маҳорат даражасига юқори талабларни қўяди. Ўқитишнинг бундай модели ўқитувчининг ишини ўзгартиради, яъни уни анъанавий ўқитиш жараёни ва маъмурий вазифалардан маълумотлар базалари билан ишлашга ва талабаларга индивидуал ёрдам кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлашга олиб келади. Ўқитувчининг вазифалари дарс-ни режалаштириш ва ўрганилаётган мавзу бўйича маълумотларни тақдим этишдан мотивация уйғотиш, ўқув жараёнини рағбатлантириш ва осонлаштириш муаммосини ҳал қилиш даражасигача кенгайди. Бу ўқитувчидан доимий равишда мустақил билим олиш ва ўзининг билимларни мунтазам равишда кенгайтириб боришни талаб қилади. Унинг вазифалари қаторига баҳолаш, таҳлил қилиш ва маълумотларни тўплаш; режалаштириш жараёнининг ажралмас қисми сифатида ҳар бир талаба учун индивидуал, гуруҳлар ва бутун аудитория учун маълумотлар базаларидан фойдаланиш; тайёргарлиги ва ўзлаштириш даражаси ҳар хил бўлган талабаларнинг ишига раҳбарлик қилиш учун стандартлаштирилган тестлар ва бошқа баҳолаш вариантларидан фойдаланиш киради.

Аралаш таълим тизимида ўқитувчининг етакчилик қобилияти ниҳоятда муҳим. Талабаларнинг янги муҳитга кўникишлари учун уларга ёрдам бериш мақсадида ўқитувчи ўқув жараёнини моделлаштириши ва талабаларга намойиш қилиши, керакли маълумотларни ёки берилган саволларга жавобларни қандай топиш кераклигини, шунингдек, талабаларга тўғри саволлар беришни ўргатиши керак. Ўқитувчи муайян топшириқ ёки лойиҳани бажариш учун зарур бўлган ўқув фаолиятининг ҳар хил турларини бошқаришни билиши керак. Аралаш таълим моделида ўқитувчи талабаларга ўргатиладиган маълумотларни оддийгина қилиб етказиб бериши эмас, балки мавжуд маълумотларни янги шароит ва вазиятларга татбиқ этиш ва мослаштириш кўникмаларини шакллантиришга ўтишга ёрдам беради. Ўқитувчининг вазифаси - маълумотларни тўғри талқин қилиш ва таҳлил этиш, талабаларнинг вазифаси - сабаб-оқибат муносабатларини аниқлаш, тўпланган маълумотларни бирлаштириш ва уларни аниқ вазиятларда қўллаш орқали олинган билимларни намойиш этишдан иборат.

Демак, аралаш таълим модели ўқитувчидан доимий равишда касбий ривожланишни ва такомиллашишни талаб қилади. Бу унинг талабаларни мустақил ўқиш ва эркин таълим олиш, билим ва кўникмаларни эгаллашга ўргатиши учун мавжуд стратегияларни самарали ўзгартириш билан боғлиқ. Замоनावий технологиялар ўқитувчига талабаларнинг индивидуал эҳтиёжларини тушуниш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этиши мумкин. Ушбу маълумотларнинг таҳлили ўқитувчига талабалар томонидан олинган билимларни қўллаб-қувватлаш ва чуқурлаштириш учун зарур дастурни ишлаб чиқишига имкон беради.

Технологик имкониятлардан тўғри, мохирона ва самарали фойдаланиш ўқитувчини янада юқори даражадаги профессионалга айлантиради. Френсис Бекон кўп йиллар олдин шундай деган эди: «Билим - бу куч». Шундай экан, замоनावий технологияларни тажрибада қўллаш воситасида ўз билимларини ошириш ва мустақамлаш ҳар бир мутахассис, жумладан, бўлажак ўқитувчилар учун ҳам эҳтиёжга айланиши зарур. Аралаш таълимга ўтиш таълимга одатий ёндашувларни қайта кўриб чиқишни, ресурсларни қайта тақсимлашни ва мавжуд маданияти доирасида янги парадигма яратишни талаб қилади.

Ҳозирги вақида аралаш таълим тушунчасининг кўплаб таърифлари мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти дескриптив характерга эга. Дарлен Пейнтер “аралаш таълим»(blended learning) деганда ўқитишнинг расмий ва норасмий воситалари, масалан, таълим муассасаси аудиториясидаги ишлар, электрон почта, чат ёки веб-семинар, Интернет воситасида мунозара қилиш орқали назарий ўқув материалларини ўрганиш»нинг яхлит бир бутунликка билашиши –комбинацияси”ни тушунади.

“Аралаш таълим” тушунчасини изоҳлаб, Пурнима Валиатан уни ўқув материалларини етказиб беришнинг усулларини, ҳамкорликда ишлаш, замоनावий веб-технологияларга асосланиб қурилган курсларни бирлаштирувчи педагогик ечим сифатида таърифлайди[192]. Ушбу атама «кундузги анъанавий таълим, онлайн электрон таълим ва мустақил ўрганишни ўзида мужассам этган ўқув жараёни тавсифлаш» учун татбиқ этилади. Тадқиқотчилар Аллисон Розетт ва Ребекка Вон Фразийларнинг фикрига кўра, ўқиш жараёнида юқори мақсадларга эришиш учун, шак-шубҳасиз аралаш

таълим зарур, чунки у «расмий ва норасмий таълим», «юзма-юз мулоқот», ҳар хил турдаги «он-лайн «мулоқот», “бошқариладиган ҳаракатлар ва йўлни мустақил танлаш», автоматлаштирилган маълумотномалардан фойдаланиш ва ҳамкасблар билан ўзаро алоқалар» каби ёндашувларни бирлаштиради.

Политехника университети профессори К. Кун (Гейдельберг шаҳри, Германия) «Аралаш таълим» (аралаш таълим) тушунчасини «тармоқ дастурий таъминоти ва кундузги таълимнинг анъанавий шакли воситасида ўрганишни ўзида бирлаштирган мураккаб ўқув курслари» сифатида таърифлайди.

Аралаш таълим замоनावий Европа таълим анъаналарига мос билимларни ўзлаштириш бўйича талабаларнинг мустақил индивидуал иши улушининг ўсиши тенденцияси туфайли долзарб масала ва талабга айланиб бормоқда. Бу талабаларнинг мустақил ишлаш стратегиясини шакллантиришга ёрдам беради, аудиториядан ташқари таълим траекториясини ташкил этиш учун масъулият ҳиссини оширади, ўзини ўзи бошқариш қобилиятини ривожлантиради, чунки ўқув жараёнининг бир қисми аудиториядан ташқарида олиб борилади.

Шубҳасиз, аралаш таълим ўқув жараёнини ташкил этишнинг классик ёндашувларини бирлаштиришга асосланган энг янги педагогик методлар орқали илғор таълим тизимини модернизациялаш воситаси бўлиб хизмат қилади ва бунинг натижасида бевосита билимлар тақдими ва электрон таълим технологиялари амалга оширилади.

Аралаш таълим - бу аудиторияда ўқитиш ва масофадан ўқитишнинг энг яхши жиҳатлари ва афзалликларини ўзида уйғунлаштирилган таълим (ўқитиш) тизимидир, у талабалар учун энг қулай ва асосли курсларни яратиш имконини беради.

Ҳозирги замон нуқтаи назаридан қаралганда, аралаш таълим «анъанавий ва масофавий таълим технологиялари, ўқитишнинг инновацион педагогик методларининг самарали “аралашмасдан» фойдаланишга асосланади.

Юқорида келтирилган мулоҳаза ва фикрларга таяниб, биз “аралаш таълим” тушунчасини қуйидагича таърифладик: аралаш таълим анъанавий кундузги, масофавий ва мустақил таълимни бирлаштирувчи ўқитиш тизими бўлиб, у ўқитувчилар, таълим

олувчилар ва ахборотнинг интерфаол манбаларининг ўзаро таъсирлашишини қамраб олади, доимо ўзаро алоқада бўлган ва бир бутунликни ташкил этган ўқув жараёнига хос барча компонентлар (ўқитишнинг мақсади, мазмуни, методлари, ташкилий шакллари, воситалари)ни акс эттиради.

Бугунги кунда талабаларни аралаш таълим технологияси асосида тайёрлаётган олий таълим муассасалари куйидаги таълим моделларини қўллашмоқда

«FacetoFace Driver»	«Rotation»	«Flex»	«Online Lab»	«Selfblend»	«Online Driver»
Бир ихтисосли			Икки ихтисосли		
Аралаш таълимни ривожлантиришнинг минтакавий дастурлари					
Консорциумлар ва бирлашмалар			Дастурлар ва лойиҳалар		

Шундай қилиб, аралаш таълимнинг Ўзбекистондаги мақоми хусусида куйидаги фикрларни билдириш мумкин:

биринчидан, Ўзбекистонда аралаш таълимнинг қонуний асослари ишлаб чиқилмаган. Қонунда таълим шакли сифатида кўрсатиб ўтилмаган, аралаш таълим тушунчаси акс этмаган;

аралаш таълимни ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси шакллантирилмаган. Аралаш таълимнинг тушунчавий аппарати ишланмаган, таълимнинг янги шаклли сифатида таърифланмаган.

Хулоса қилиб айтганда, жадал ва динамик равишда ривожланган аралаш таълим кундузги стандарт анъанавий таълим шаклига нисбатан шубҳасиз қатор афзалликларга эга. Келажакда аралаш таълим, бир қолипдаги, одатий ўқитиш методлари орасида етакчи ўринни эгаллайди ва олий ўқув юрларининг асосий рақобатдош устунликларидан бири бўлади, деб ўйлаш мумкин. Масофавий ўқитишнинг замонавий технологиялари умуман талабаларнинг мустақил иши самарадорлигини оширади, ноанъанавий ахборот манбаларини очиб беради ва ижодкорлик учун янги истиқболларни ҳаёда этади. Бизнинг жадал ривожланиб бораётган давримизда таълимни ахборотлаштириш ва педагогик жараёнда ахборот-коммуникация технологияларидан фаол фойдаланиш ҳар бир инсоннинг энг янги технологияларни тушунишга ва ўзлаштиришга тайёр бўлишини талаб этади, бу айниқса, олий ўқув юрларининг

билимга ташна талабалари, яъни бўлажак ўқитувчилар учун жуда муҳим ҳисобланади.

1.2. Аралаш таълим – ўқув жараёнининг сифат ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида

Таълим жараёнининг қурилиши ҳақида сўз юритилганда, энг аввало, ўқув жараёнининг моҳиятини ўзгартиришга ва айни жараёнининг мазмунини самарали кенгайтириш ҳамда такомиллаштиришга имкон берадиган педагогик технологиялардан фойдаланиш назарда тутилади. Ўқитувчининг таълим жараёнидаги роли нафақат аудиторияда машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш билан, балки талабалар билимларини жорий ва оралиқ назоратни қилиш, Интернет тармоғи хизматлари ва бошқа замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда машғулотлар ўтказиш, талабаларга маслаҳатлар бериш орқали уларнинг ўқув-билиш жараёнини фаоллаштиришда мунтазам ёрдам бериши зарурияти билан ҳам белгиланади. Шу билан бирга, таълим дастурларини амалга оширишда, ўқув жараёнини ва уни қўллаб-қувватлашни кафолатлайдиган таълимий маълумотларини узатиш технологиялари эътиборга сазовордир.

Таълим жараёнининг моҳияти ўқитувчи томонидан ўқув маълумотларини талабага етказиб беришдан иборат. Шундай қилиб, одатда, педагогикада ёки таълим жараёнида қўлланиладиган ҳар қандай технология ахборот характериға эга. Кўп ҳолларда «ахборот технологиялари» тушунчаси компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларида фойдаланиш учун яратилган барча технологиялар учун ишлатилади. Нотўғри талқин қилинмаслик учун масофавий таълимда муҳим аҳамиятга эга учта тушунчанинг мазмунини очиб бериш зарур бўлади. Булар «таълим ахбороти», «таълим технологиялари» ва «ахборот технологиялари». Энди худди ана шу учта тушунчанинг ҳар бири тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

Таълим маълумоти - бу таълим олувчининг у ёки бу фаолиятни малакали амалга ошириш учун зарур бўладиган билимдир. Уни - талабага у ёки бу фаолиятни малакали бажариши учун керак бўладиган таълим мазмуни ёки талабанинг у ёки бу фаолиятни профес-

сионал даражада бажариши учун зарур таълим мазмуни сифатида ҳам таърифлаш мумкин.

Кундузги анъанавий таълим шаклида ўқитувчи билимлар изоҳловчиси, масофавий таълим тизимида эса билимларни талқин этувчи ролини талабаларнинг ўзлари бажарадилар, шунинг учун ҳам ўқув курслари ва материалларининг сифати, шунингдек уларни талабаларга тақдим этиш усулларига қўйиладиган талаблар анча юқори бўлади.

Энг аввало, бу талаб янги яратилган электрон дарсликларга, маълумот базаларига, маълумотномаларга, шунингдек талабаларга таълим бериш мақсадида фойдаланиладиган билимлар банки ҳамда эксперт тизимларига тааллуқлидир. Уларда мавжуд бўлган маълумотлар, босма нашрлардагидан фарқли ўлароқ, бутунлай бошқача тузилишда тақдим этилади. Ушбу хусусият нафақат таълим олувчиларнинг компьютер мониторидаги маълумотни қабул қилишга хос психофизиологик хусусиятлари, балки унга кириш технологияси билан ҳам белгиланади.

Талабалар исталган узоқ жойлардан ва телекоммуникация каналларига юкланишни кучайтирмасдан маълумотлардан максимал фойдаланишлари ва унга осон киришини таъминлаш мақсадида ўқув материаллари ва маълумотлар айна бир жойга тўпланиб сақланмаслиги керак, уларни жойлаштириш марказий характерига эга бўлиши керак. Мамлакатимизда йирик етакчи университетлар томонидан асос солинган ёки ташкил этилган кутубхоналар ва илмий-ўқув марказлари ўқув материалларини сақлаш учун ана шундай марказлар ролини бажаришлари мумкин.

В.П. Демкина ва Г.В. Можаяеванинг фикрича, «таълим технологиялари - бу ўқув маълумотларини унинг манбаидан истеъмолчига етказиш учун қўлланиладиган ва уни тақдим этиш шаклига боғлиқ бўлган дидактик методлар ва усуллар мажмуидир»[65].

Таълим технологияларининг фарқ қилувчи муҳим хусусиятларидан бири уларнинг техник воситаларга нисбатан шаклланишининг устувор шакли ҳисобланади. Таълимдаги интерактивлик таълим жараёнининг барча ташкил этувчиларини қайта кўриб чиқишга сабаб бўлади. Шу нарса аёнки, ўқув материалларини такрорлашиш этиш ўқитувчининг ҳамма фикр-мулоҳазаларини такрорлаши ва тимсоллар шаклида акс эттириши керак. Талабаларни аралаш

таълим шароитда ишлашга тайёргарлигини шакллантиришда, педагогик компетентлигини ривожлантиришда фойдаланиладиган таълим технологияларининг энг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, бунда фикрлар, билимлар ва ахборотлар визуаллаштирилади.

Шунингдек, бунда «технология» ва «педагогик технологияси» атамаларининг бир-биридан фарқини ҳам изоҳлаб ўтиш мантиқан тўғри ҳисобланади. Талабаларни аралаш таълим шароитида ишлашга тайёрлаш ва уларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси ва технологиясини изоҳлашда асосан «технология» тушунчасига таянилади. Чунки «технология» тушунчаси маълум жараёнда иштирок этувчи барча элементларнинг ўзаро таъсирлашувини, уларнинг тизимли алоқасини, қўйилган мақсадга эришишнинг кафолатланганлигини белгилаб беради.

Узоқ вақт давомида педагогикада «технология» атамасини қўллаш ўринли эмас, деб ҳисобланди. Чунки у пайтларда технология асосан саноат ишлаб чиқаришидаги жараёнларни характерлаган. Аммо инсоннинг такрорланувчи ҳар қандай фаолиятини, шу жумладан педагогик фаолиятни ҳам «технологиялаштириш» мумкин. Педагогик технология психологик-педагогик қоидалар йиғиндиси бўлиб, таълим-тарбия воситалари (схемалар, чизмалар, диаграммалар, хариталар, мультимедиалар, ўргатувчи дастурлар, электрон дарсликлар), методлари, услублари, шакллариининг махсус тизими ва кетма-кетлигини белгилаб беради. Бошқача айтганда, педагогик технология шахсни шакллантириш ва ривожлантириш жараёни лойиҳаси ва унинг тавсифидир. Педагогик технологиянинг мақсади - таълим жараёни самарадорлигини ошириш, ўқитишда олдиндан режалаштирилган натижаларга эришишни кафолатлашдан иборат.

Педагогик технология — бу педагогик жараёни самарали амалга оширишнинг илмий асосланган қоидаларидир. Юқорида айтилганлардан, талабаларни аралаш таълим шароитида ишлашга тайёрлаш ва уларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси ва технологияси ишлаб чиқилиб, амалда жорий этилсагина самарали натижаларга эришиш мумкин.

Аралаш таълим технологияси ҳақида гапирганда, юқорида келтирилган таърифлар ушбу таълим шаклининг ўзига хос хусусиятларини тўлиқ акс эттира олмайди ва бизнинг фикримизча, П.В.

Закотнова ўзининг татқиқотларида ўқитишнинг масофавий технологияси (таълим жараёни) ҳақида сўз юритиб, уни қуйидагича таърифлайди: “аралаш таълим технологияси - замонавий ахборот-телекоммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўқув жараёнини таъминлайдиган ўқитиш методлари ва воситалари ҳамда ўқув тадбирлари тўпламидир»[82].

Таълим жараёни эса, технология нуқтаи назаридан қараганда, бизнинг ишимизда – бу бўлажак ўқитувчиларни «аралаш» шаклда ташкил этилган ўқув жараёнига тайёрлигини шакллантириш, педагогик компетентлигини ривожлантиришдир, яъники, биз бунда таълимнинг турли шакллари назарда тутмоқдамиз. Шу нуқтаи назардан, машғулот шакли деганда ўқитиш вақти ва жойи; талабалар сони; талабалар, ўқитувчилар, университет раҳбарияти ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тартиби; дидактик воситалар (методик таъминот, инструментал муҳит ва бошқалар) билан боғлиқ ўқув жараёнини ташкил этиш тузилмаси тушунилади.

Ахборот оқимининг муттасил ўсиши ва янги ахборот-коммуникация технологияларининг ривожлантириш шароитида юқори маълумоти мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш таълим тизимида янги ёндашувларни тақозо этмоқда. Ўзбекистон таълимни модернизациялаш шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг компетентлигини ривожлантириш ва таълимдан янги натижаларига эришишга йўналтирилган компетентли ёндашув устувор аҳамият касб этмоқда. Олий таълим муассасалари битирувчиларининг рақобатбардошликдаги устунликлари нафақат ўзига хос билимларда, балки шахснинг янги умумий қобилиятлари ва хулқ-атвор моделларида ҳам ёққол намоеён бўлади [3,-430-6]. Шу муносабат билан, ривожланишининг ҳозирги босқичда олий таълим муассасасининг асосий вазифаси таълим самарадорлиги ва сифатини оширишдан иборат бўлиб, у тегишли концепцияни яратишни тақозо этади, у эса, ўз навбатида, таълим технологиялари, усуллари ва шакллари ривожлантириш учун асос бўлади, бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик компетентлигини юқори даражасида уларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантиришни таъминлашга хизмат қилади.

Бугунги кунда ўқув фанларни, жумладан, “Педагогика” фанини ўрганиш бўлажак ўқитувчининг касбий тайёрлигининг муҳим

таркибий қисми ҳисобланади. Ўқув фанларини яхши ўзлаштирмасдан профессионал фаолиятда юқори натижаларга, муваффақиятга эришиш, компетентли мутахассис бўлиш қийин ва баъзан имконсиздир.

Таълим сифати бевосита ўқитувчининг салоҳиятига боғлиқ бўлиб, унинг асосий вазифаси талабалар билимларининг ҳажмини ошириш эмас, балки фанга бўлган қизиқишини ошириш, педагогик фаолият сирларини ўрганишга тўртки бериш, уларнинг мустақил фаолиятида ижодий ва интеллектуал қобилиятларни очиб бериш ва ижодий, танқидий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришдир.

Ахборот-коммуникация технологиялари талабаларнинг билиш фаоллигини таъминлашга ва дарсларнинг интерактив шакллари жорий этишга мўлжалланган бўлиб, улардан энг самаралиси ҳозирги вақтда аралаш таълим ҳисобланади. Олий таълим тизимида аралаш таълим деганда масофавий таълим технологияси (онлайн), кундузги таълим (ўқитувчи билан ишлаш) ва Интернет таълим интеграцияси тушунилади. Бундай модел ўқув материални ўрганиш вақтини, жойини, тезлиги ва усулини бошқаришга имкон беради. Аралаш таълим ўқув фанларини ўқитишда анъанавий усуллар ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини бирлаштиришга имкон беради.

Демак, аралаш таълим технологияси учта асосий ташкил этувчидан иборат: масофавий ўқитиш (Distance Learning), аудиторияда ўқитиш (Face-To-Face Learning) ва Интернет орқали ўқиш ((Online Learning). Ушбу тизимнинг компонентлари доимий ўзаро боғлиқликда ишлайди ва методик жиҳатдан тўғри ташкил этилиши керак. Ўқув фанларини ўқитишда энг мақбул натижаларга эришиш ташкилий ва таркибий жиҳатларга боғлиқ, чунки таълим жараёнининг барча элементлари ўзаро таъсирлашиши ва бир бутунни ташкил қилиши керак.

Ушбу технологиянинг афзалликлари орасида қуйидагилар алоҳида кўрсатиб ўтилиш мумкин:

- аралаш таълим виртуал ва бевосита мулоқотни ўзида мужасам этган бўлиб, улар доирасида мунозаралар, муҳокамалар ташкил этилади, тажриба ва амалий кўникмалар алмашинуви амалга оширилади ҳамда ўқув материалларининг бир қисмини онлайн

технологиялар орқали мустақил ўзлаштириб, аудиторияда маълум кўникмалар ва малакаларни амалда синаб кўриш учун вақтни тежаш имконини беради;

- аралаш таълим танқидий фикрлаш ва мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантиради;

- аралаш таълимда ўқув материаллари тақдими нафақат босма нашрларда, балки талабаларга ўқув фанни ўқитишда индивидуал иш режимини танлашга имкон берадиган электрон шаклларда ҳам амалга оширилади;

- аралаш таълим талабаларнинг электрон манбалардан мустақил фойдаланишини ўз ичига олади, бу эса ўқитувчининг дарс вақтини анча тежашга имкон беради;

- аралаш таълим - бу интерактив усул бўлиб, у «ўқитувчи - талаба» ва «талаба - талаба» нинг ўз нуқтаи назарини ифода этиш, фикр алмашиш, шунингдек тақдим этилган материалларнинг мазмунига таъсир ўтказиш имконини назарда тутди;

- аралаш таълимда талабаларнинг индивидуал психологик хусусиятлари ҳисобга олинади, чунки ҳар хил иш шакллари комбинацияси талабаларда ҳар хил темпераментни ва материални турлича тезликда ўзлаштириш ва ўзларини намоён этиш имкониятини беради.

Бинобарин, аралаш таълимнинг аҳамияти шундаки, у қатъий дастурлаш, вақт, мазмун ва технологиялардан фойдаланишда чекловлар бўлмаган ҳолда ночизикли таълим моделини яратишга имкон беради. Бунда ўқитувчининг авторитар раҳбарлиги йўқ, унинг асосий вазифаси талабалар фаолиятини кузатиб бориш ва ўқитишда шахсга йўналтирилган ёндашув амалга ошириладиган ўқув фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароит яратишдан иборат. Ўқитувчи талаба шахсини қўллаб-қувватлайди ва ривожлантиради, улар ўртасидаги муносабатлар ҳамкорлик ва ташаббускорлик тамойилларига асосланади [1, 97-6]. Бу эса ўқув жараёнининг моҳиятини тушунишга ва уни мустақил бошқаришга, шунингдек, янги билимларни олиш механизмларини очиб беришга ёрдам беради.

Шундай қилиб, аралаш таълим технологияси концепциясини, шунингдек, унинг мақсадлари ва таъкидланган афзалликларини ҳисобга олган ҳолда, айтиш мумкинки, ушбу ўқитиш технология-

си фанларни ўқитишни сифат жиҳатидан янги самарали даражага кўтаришга имкон берувчи ўқув ва технологик ресурсларни жалб қилган ҳолда ўқитишни мослашувчанлик асосда ташкил этишга имкон берадиган технология, деб ҳисоблаш мумкин. Ана шу муносабат билан ҳозирги вақтда қуйидаги таълим шакллари алоҳида ажратиб кўрсатилади:

- талаба ва ўқитувчи ўртасида бевосита мулоқот, аудиториядаги машғулотлар, маърузалар ҳимояси, назорат ишлари, тестлар, рефератлар ёзиш, доска олдида жавоб жавоб бериш ва бошқаларни назарда тутувчи анъанавий ўқитиш;

-ўқитувчининг тизимли маслаҳатларни ташкил қилишда матнлар, аудиовизуал ва мультимедиали ўқув материаллари тўпламлари (кейслар)дан фойдаланишга асосланган ҳолда талабаларнинг мустақил ишлашига йўналтирилган кейс-таълим;

- талабаларни ўқув-услубий материаллар билан ва ўқитувчи, талабалар ҳамда таълим муассасалари маъмурияти ўртасида интерактив ўзаро алоқани таъминлаш учун инструментал муҳит, телекоммуникация тармоқлари ёрдамида ташкил этилган тармоқлар орқали ўқиш(e-learning).

Ўқув курсини яратиш орқали ўқитишни аралаш таълим шаклида жорий этиш талабаларни рағбатлантириш ва ўқув жараёнининг юқори сифатини таъминлаш учун албатта аниқ тузилмага эга бўлиш керак. Ўқув курсининг самарадорлиги бевосита танланган нисбатнинг тўғрилигига ва масофадан туриб ва мустақил ўрганиш учун тавсия этилган ўқув материалнинг хусусиятига боғлиқ. Аралаш таълим шаклининг тўлиқлиги ўқитиш шакллари ва методларининг энг яхши комбинациясидан иборат.

Ҳақиқий мустақил тадқиқотлар учун мос бўлган методик материалларни (курснинг дидактик базаси)ни тайёрлаш ҳозирги кунда технологияни амалга оширишнинг муҳим ажралмас шarti бўлиб, у мавжуд бўлмаган ҳолда, таълим натижаларининг такрорланувчанлиги ҳақида гапиришдан маъно йўқ. Тайёргарлигининг ҳар хиллигини ва материални идрок этиш(ўзлаштириш)нинг характери ни ҳисобга олган ҳолда, дидактик таъминот нафақат зарурий терини ҳисобга олган ҳолда, балки талабаларга катта ҳажмдаги билимларни эгаллашларига имкон яратиши керак. Ўқитиш жараёнини диагностика қилиш тизими (ушбу жараёни автоматлашти-

технологиялар орқали мустақил ўзлаштириб, аудиторияда маълум кўникмалар ва малакаларни амалда синаб кўриш учун вақтни тежаш имконини беради;

- аралаш таълим танқидий фикрлаш ва мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантиради;

- аралаш таълимда ўқув материаллари такдимоти нафақат босма нашрларда, балки талабаларга ўқув фанни ўқитишда индивидуал иш режимини танлашга имкон берадиган электрон шаклларда ҳам амалга оширилади;

- аралаш таълим талабаларнинг электрон манбалардан мустақил фойдаланишини ўз ичига олади, бу эса ўқитувчининг дарс вақтини анча тежашга имкон беради;

- аралаш таълим - бу интерактив усул бўлиб, у «ўқитувчи - талаба» ва «талаба - талаба» нинг ўз нуқтаи назарини ифода этиш, фикр алмашиш, шунингдек такдим этилган материалларнинг мазмунига таъсир ўтказиш имконини назарда тутди;

- аралаш таълимда талабаларнинг индивидуал психологик хусусиятлари ҳисобга олинадиган, чунки ҳар хил иш шакллари комбинацияси талабаларда ҳар хил темпераментни ва материални турлича тезликда ўзлаштириш ва ўзларини намоён этиш имкониятини беради.

Бинобарин, аралаш таълимнинг аҳамияти шундаки, у қатъий дастурлаш, вақт, мазмун ва технологиялардан фойдаланишда чекловлар бўлмаган ҳолда нозикли таълим моделини яратишга имкон беради. Бунда ўқитувчининг авторитар раҳбарлиги йўқ, унинг асосий вазифаси талабалар фаолиятини кузатиб бориш ва ўқитишда шахсга йўналтирилган ёндашув амалга ошириладиган ўқув фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароит яратишдан иборат. Ўқитувчи талаба шахсини қўллаб-қувватлайди ва ривожлантиради, улар ўртасидаги муносабатлар ҳамкорлик ва ташаббускорлик тамойилларига асосланади [1, 97-б]. Бу эса ўқув жараёнининг моҳиятини тушунишга ва уни мустақил бошқаришга, шунингдек, янги билимларни олиш механизмларини очиб беришга ёрдам беради.

Шундай қилиб, аралаш таълим технологияси концепциясини, шунингдек, унинг мақсадлари ва таъкидланган афзалликларини ҳисобга олган ҳолда, айтиш мумкинки, ушбу ўқитиш технология-

си фанларни ўқитишни сифат жиҳатидан янги самарали даражага кўтаришга имкон берувчи ўқув ва технологик ресурсларни жалб қилган ҳолда ўқитишни мослашувчанлик асосда ташкил этишга имкон берадиган технология, деб ҳисоблаш мумкин. Ана шу муносабат билан ҳозирги вақтда қуйидаги таълим шакллари алоҳида ажратиб кўрсатилади:

- талаба ва ўқитувчи ўртасида бевосита мулоқот, аудиториядаги машғулотлар, маърузалар ҳимояси, назорат ишлари, тестлар, рефератлар ёзиш, доска олдида жавоб бериш ва бошқаларни назарда тутувчи анъанавий ўқитиш;

- ўқитувчининг тизимли маслаҳатларни ташкил қилишда матнлар, аудиовизуал ва мультимедиали ўқув материаллари тўпламлари (кейслар)дан фойдаланишга асосланган ҳолда талабаларнинг мустақил ишлашига йўналтирилган кейс-таълим;

- талабаларни ўқув-услубий материаллар билан ва ўқитувчи, талабалар ҳамда таълим муассасалари маъмурияти ўртасида интерактив ўзаро алоқани таъминлаш учун инструментал муҳит, телекоммуникация тармоқлари ёрдамида ташкил этилган тармоқлар орқали ўқиш(e-learning).

Ўқув курсини яратиш орқали ўқитишни аралаш таълим шаклида жорий этиш талабаларни рағбатлантириш ва ўқув жараёнининг юқори сифатини таъминлаш учун албатта аниқ тузилмага эга бўлиш керак. Ўқув курсининг самарадорлиги бевосита танланган таълимнинг тўғрилигига ва масофадан туриб ва мустақил ўрганишнинг тўғрилигига ва масофадан туриб ва мустақил ўрганиш учун тавсия этилган ўқув материалларнинг хусусиятига боғлиқ. Аралаш таълим шаклининг тўғрилиги ўқитиш шакллари ва методларининг энг яхши комбинациясидан иборат.

Ҳақиқий мустақил тадқиқотлар учун мос бўлган методик материалларни (курснинг дидактик базаси)ни тайёрлаш ҳозирги кунда технологияни амалга оширишнинг муҳим ажралмас шarti бўлиб, у мавжуд бўлмаган ҳолда, таълим натижаларининг такрорланувчанлиги ҳақида гапиришдан маъно йўқ. Тайёргарлигининг ҳар хиллигини ва материални идрок этиш(ўзлаштириш)нинг ҳар хиллигини ҳисобга олган ҳолда, дидактик таъминот нафақат зарурий терини ҳисобга олган ҳолда, дидактик таъминот нафақат зарурий таъминот таъминлаши, балки талабаларга катта ҳажмдаги билимларни эгаллашларига имкон яратиши керак. Ўқитиш жараёнини диагностика қилиш тизими (ушбу жараёни автоматлашти-

риш) асосий тузатувчи момент ҳисобланади. Ўқитиш жараёнининг асинхронлиги ўқув материалларини муваффақиятли ўзлаштириган талабаларга ўз вақтларини самарали сарфлашларига имкон беради.

Электрон таълим ресурсларидан фойдаланишдан аралаш таълим технологиясининг фарқи шундаки, бу ўқитувчининг фаолиятига кўшимча эмас, балки унинг ишининг бир қисмини электрон ресурс билан алмаштиришдир. Энг асосийси ҳам худди шунда. Агар ўқитувчи дарслик ўрнига шунчаки электрон таълим ресурсларидан фойдаланаётган бўлса ёки интерфаол доска экранда видеони синфда намойиш қилишнинг ўзи етарли эмас. Аралаш таълим - бу ўқув жараёни субъектларининг позициясини ва ахборот-коммуникация технологиялари ролини ўзгартириш нуктаи назаридан мутлақо янгича ёндашувдир.

Аралаш таълим технологияси - бу талабаларнинг мустақил фаолият режимида, курсдошлари билан, ўқитувчи билан мулоқот асосда билиш фаолияти комбинациясини ўз ичига олган бир бугун, яхлит ўқув жараёни бўлиб, унда ўқитувчи-талаба ҳамкорлигидаги анъанавий-масофавий ва мустақил таълим жараёнининг уйғунлигини таъминлаш назарда тутилади.

Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш учун “Аралаш таълим технологияси” курсни ишлаб чиқишда энг асосий элементларни алоҳида ажратиб кўрсатиш керак. Бундай элементлардан бири “фаол талаба” - Active Student ҳисобланади. Ғарб мамлакатлари тадқиқотчилари “аралаш технологияси модели” бўйича таълим оладиган талаба ёки талабаларни ана шундай атама билан аташади. Бунда ўқув жараёнининг камида эллик фоизи талабаларининг мустақил таълимидан иборат (янги ўқув материални ўрганиш, электрон пошта орқали мулоқот қилиш, чатлар, форумлар, масалаҳатлар, кўрсатмалар, топшириқлар ва бошқалар орқали билим олиш назарда тутилади). Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, анъанавий кундузги таълимда талабалар ўқитилади, аралаш таълим технологияси жорий этилганида эса талабанинг мустақил ўрганишида уларга ёрдам бериш, таълим олишга йўналиш бериш орқали таъминланади.

Талабаларни бундай усулларда ўқитишга ёндашувлардаги фарқлар жуда муҳимдир: педагогик олимлар ўқитишга анъанавий ёндашувда таълим марказида «ўқитувчи»нинг ўзи туради («teacher-centered»), яъни ўқув жараёнида асосий ишни ўқитувчининг ўзи

бажаради, талабаларни ўқитади ва уларга ўргатади, деярли ҳамма нарса унга боғлиқ ва у таълим жараёнини бошқаради. Аралаш таълим технологияси моделида эса, ёндашув тубдан ўзгаради, яъни ўқув жараёнининг марказида «талаба» туради («student-centered»), асосан ўзи мустақил ишлайди ва унинг муваффақияти талабанинг ўз фаолиятига боғлиқ бўлади. Шунингдек, талаба ўзининг бутун ўқув жараёнига тузатишлар киритиши ва ўқиш вақтини мустақил равишда режалаштириши мумкин.

Ўқув жараёнини амалга оширишда энг муҳим вазифа талабалар ва ўқитувчилар ўртасида ўзаро муносабатларни ташкил этишдир. Бугунги кунда, мулоқот қилишнинг хилма хил воситалари, жумладан, синхрон (реал вақтда гаплашишга имкон берувчи алоқа воситалари) ва асинхрон (вақтни кечиктириб маълумот алмашиш имконини берувчи алоқа воситалари) мавжуд бўлиб, айна вазифани ҳал этиш учун барча имкониятлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Синхрон мулоқот воситалари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: чат, аудио конференциялар, видеоконференциялар, электрон доскалар ва бошқалар.

Асинхрон мулоқот воситалари қуйидагилардан иборат: электрон почта, файллар билан алмашиш тизими, тематик жўнатмалар ва бошқалар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган барча алоқа воситалари ҳар қандай вақтда ва жуда қисқа вақт оралиғида ўқитувчи ва талабалар, шунингдек талабалар ўртасида ўзаро муносабатларни амалга оширишга имкон беради ва шу билан бир ўқув жараёнини мазмунли ва самарали қилади, чунки ўқув фанлари, дидактик материаллар ёки талабаларнинг гуруҳ ишларида ўзаро алоқаси учун дастурий таъминот ёки шунчаки мулоқот қилиш жараёнида ҳар қандай мутааммо ёки саволлар юзага келган тақдирда ҳам, у уларни ҳал этишга ва талабаларнинг умумий ривожланиши учун хизмат қилади (талабаларнинг қизиқишларига кўра форумлар ташкил қилиш, яқиндагина ўтказилган тадбирлар муҳокамасини уюштириш). Ўқитувчи бир зумда тушунарсиз маълумотларни аниқлаштириш, мавзу бўйича юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай саволга жавоб бериши ёки улар бўйича керакли маълумотларни топиши ва талабаларга кўрсатиш, тақдим этиш имконига эга бўлади. Бинобарин, талаба вазифани тушунишда ва бажаришда қийинчи-

ликлар юзага келганлиги учун кейинги машғулотгача кутишига ҳожати йўқ.

Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришда фойдаланиладиган турли таълим тадбирлари ва ўқув фаолияти куйида келтирилган турли методлар ёрдамида жорий этилади: офф-лине семинар (конференция); тақдимот; ваколатларни ўтказиш; ротация, амалий машғулот; лойиҳалар устида ишлаш; кейслар билан ишлаш; тренинг; мустақил иш; семинар; стажировка ёки ишлаб чиқариш амалиёти; тьюторлик; лойиҳаларда иштирок этиш; лойиҳавий-таҳлилий сессия; лойиҳаларни индивидуал ҳимоя қилиш; лойиҳаларни гуруҳда ҳимоя қилиш; имтиҳон; вебинар; видеоконференция; мураббийлик; видео маъруза; виртуал маслаҳат; назорат ишларини бажариш; виртуал тьюториал; коучинг; ишбилармонлик ўйини; консультация; лекция; қайтар алоқалар; лаборатория ишлари; мастер-класс; таълим экспедицияси; таълим мусобақаси ва бошқалар. Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришда: жамоавий; гуруҳ; индивидуал кабитурли хил таълим шаклларида фойдаланиш ўқув жараёни сифатини оширади ва самарали натижалар беради.

Бугунги педагогик таълим инновацион кластери шароитида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг рақобатбардошлигини оширишда ислохотлар, ўзгаришларни амалга ошириш Мамлакатимиз таълим тизимини модернизациялаш доирасида янги таълим натижаларига эришишига йўналтирилган, бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришга имкон берувчи замонавий ёндашув устувор аҳамият касб этмокда. Олий таълим муассасалари битирувчиларининг рақобатбардошликдаги устунликлари нафақат танлаган соҳасига, касбий фаолиятига хос билимларда, балки янги универсал шахсий қобилиятлари ва хулқ-атвори моделларида намоён бўлишини инобатга олган ҳолда, ривожланишининг ҳозирги босқичда олий таълимнинг энг асосий галдаги вазифаси таълим самарадорлиги ва сифатини ошириш, бу таълим сифати ва олий таълим муассасаларида педагогик кадрларни тайёрлаш самарадорлигини оширишга қаратилган концепцияларни яратишни тақозо қилади. Ушбу концепциялар педагогик кадрларни тайёрлаш сифатини ва таълим

жараёнида уларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш ҳамда назарий билимларни амалиётда қўллаш олиш, академик мобилликни таъминлайдиган ўқитиш технологиялари, таълим методлари ва шакллари ишлаб чиқиш асос бўлиб хизмат қилади.

Таълим сифати бевосита ўқитувчи ва унинг аралаш таълимни ташкил этишга боғлиқ бўлиб, у нафақат талабалар билимлари тўлдиришга, балки уларнинг мустақил фаолияти жараёнида ижодий ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришга, уларда танқидий ва креатив фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Ахборот-коммуникация технологиялари талабаларнинг билиши фаоллигини таъминлашга ва машғулотларнинг интерфаол шакллари жорий этишни таъминлайди, улардан энг самаралиси бугунги кунда аралаш таълим технологияси ҳисобланади. Аралаш таълим ўз ичига онлайн ўқитишни ва анъанавий кундузги таълимни, яъни ўқитувчи раҳбарлигидаги аудиториядаги ўқишни, талабаларнинг интернет тармоқлар орқали мустақил таълим олишини ўз ичига олади. Бошқача қилиб айтганда, аралаш таълим электрон таълимнинг инновацион техник ютуқлари талабалар ва ўқитувчиларнинг синфдаги анъанавий ўзаро мулоқотини ўзаро бирлаштиради.

Аралаш таълим моделининг олий таълим муассасалари ўқув жараёнига киритилиши таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатадиган амалий ўзгаришлардан биридир. Бу жараён табиий ва бутун дунё ҳамжамияти учун одатий ҳолдир. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида аралаш таълим технологиясини педагогик амалиётга тақтиб этиш ва синовдан ўтказиш борасида ҳамон изланишлар олиб борилмокда. Республикаимиз педагогик олимлари ва амалиётчи педагогик кадрларнинг фикрига кўра, аралаш таълим технологияси таълим тизимини модернизациялашда янада катта имкониятлар яратади. Етакчи педагог олимлар методистларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, ўқув жараёнининг сифати ва самарадорлигини ошириш учун талабаларнинг фаоллиги ва мустақиллиги тамойилдан таълим жараёнида кенгрок фойдаланиш зарур.

Бизнинг назаримизда ушбу мақсад фақат аралаш таълим технологиясини жорий этиш орқали эриши мумкин, бунда ўқув электрон муҳитида жойлашган курснинг электрон компоненти туфайли талабаларнинг мустақил ишлаши учун катта имкониятлар мавжуд ва

бунинг учун барча шарт-шариотлар яратилади. Талабалар ўзлари учун қулай бўлган ва хоҳлаган вақтларида таълим ресурслари ва бошқа манбаларидан чексиз фойдаланиш имкониятига эга бўладилар. Аралаш таълим курснинг электрон компоненти билан ишлаш жараёнида талабаларнинг изланишлари, тадқиқотлари, ижодий фаолияти учун катта имкониятлар туғилади ва бу эса уларда ижодий қобилиятларини янада ривожлантиришлари учун рағбат уйғотади, олинган билимларни янада чуқурлаштиради ва мустахкамлайди, ўрганилаётган ўқув фанига қизиқишларини оширади.

Анъанавий ва электрон таълимнинг комбинацияси пухта ташкил этилиши ва муайян тузилишга эга бўлиши керак. Таълимда энг мақбул натижаларига эришиш ташкилий-тузилмавий жиҳатларга боғлиқ, чунки таълим жараёнининг барча элементлари бир-бирлари билан ўзаро таъсирда, ўзаро боғлиқликда бўлиб, бир-бирини тўлдириши, яхлит бир бутунликни ташкил қилиши керак. Электрон муҳитда ишлаш аудитория машғулотида бажаришнинг имкони бўлмаган топшириқ турлари (форумлар, чатлар, викилар, сўровномалар ва бошқалар)ни таклиф қилиш орқали талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишга ёрдам беради. Аралаш таълим технологиясининг жорий этилиши натижасида электрон муҳитда сифатли ўқув материалларини бир зумда тақдим этиш имконияти туфайли талабаларнинг индивидуал фаолияти соҳаси ҳам кенгаймоқда. Онлайн топшириқлар ва тестларнинг хилма-хиллиги ва уларни тез-тез ўзгартириш имконият ҳар бир талаба учун индивидуал таълим йўлини яратиш имкониятини очади, шубҳасиз, бу якуний натижага таъсир кўрсатади. Талабалар учун танлаш имконияти яратилади, ҳолбуки бу моҳиятан ҳар қандай иждоқорликнинг асосини ташкил этади.

Таълимнинг индивидуал траекториясининг мавжудлиги ўқув жараёнини ташкил этишда талаба шахсини шакллантиришга йўналтирилган ёндашувни жорий этиш имконини беради, бу мотивациянинг ошиши ва таълимда шахсий натижаларига эришишни кафолатлайди ва айна пайтда талабаларнинг таълим туюнотиясини аниқлаб олишларига асос бўлиб хизмат қилади. Талабаларнинг таълим туюнотияси эса, модул-кредит таълим шаклининг муҳим элементи бўлиб, унда талаба ўқишнинг илк босқичиданоқ ўзининг келажак фаолиятини моделлаштиришида кўмак беради. Шундай

қилиб, айтиш мумкинки, аралаш таълим модели таълимни индивидуаллаштиришга ва уни талабаларнинг билиш эҳтиёжларига мослаштиришга ёрдам беради. Ушбу ёндашув жорий этилганида талабалар ҳам ўқитувчи каби таълим жараёнининг субъектига айланади. Ўқитувчи ўзининг етакчилиги родини тўхтатади, у талабаларнинг аралаш таълими жараёнида фаоллик олиб боради, энди талабаларга билимни узатувчи эмас, балки мутахассис ёки ёрдамчи сифатида фаолият юртидаи. Шундай қилиб, аралаш таълим технологияси жорий этилганида талаба ўзини таълим марказида кўради ва барча методик қарорлар унинг шахсияти, нуқтаи назари призмаси орқали ўтади.

Шу билан бирга, аралаш таълим иштирокчиларининг ўзаро таъсирида ўқитувчининг ўрни жуда муҳим: у мақбул дидактик воситаларни танлаб олади ва уларни ўқув жараёнига ва бутун ўзаро таъсир тизимида киритади ва шу билан ўзининг таълим стратегиясини яратади.

Талабалар билимини назорат қилиш таълим сифатини баҳолашнинг асосий элементларидан биридир. Аммо назорат чоралари фақат ёрдамчи роль ўйнаши керак. Талабаларнинг айна вақтдаги фаолиятини доимий назорат қилиш ва таҳлил этиш бундан ҳам муҳимроқдир. Электрон ўқитиш муҳити талабалар ишини назорат қиладиган автоматик тизим билан жиҳозланган, ана шунинг ёрдамида ўқитувчи талабаларнинг тармоқдаги фаолиятини доимий назорат қилиб туриши мумкин. Ҳар бир талаба учун статистик ҳисоботлар уларнинг тестларни қанчалик даражада муваффақият бажарганликларини кўрсатади ва бу уларининг билимларидаги бўшлиқлар тўғрисида тўлиқ тасаввур беради ҳамда уларни тузатишга имкон беради.

Қайтар алоқа тизими ҳам бу ерда муҳим рол ўйнайди, бу ўқитувчи ва талабанинг доимий равишда мулоқотга киришишларига, хатоларни муҳокама қилиш ва таҳлил қилишга имкон беради. Талабаларнинг ўзлаштиришлари натижаларини мунтазам кузатиш нафақат талабалар билимидаги бўшлиқларни, балки ўқитишнинг турли методлари ва технологияларининг кучли ва кучсиз томонларини аниқлашга ҳам имкон беради. Шундай қилиб, ДТС янги авлодининг асосий хусусияти - бу компетентли ёндашувга асосланган ўқув машғулотида, компетентлик талабанинг муваффақиятли

малар ва вазифани бажариш учун қадамлар рўйхати; техник хужжатлар ва қўлланмалармаълумотномалар ва дарсликлар, олдиндан дастурлаштирилган матн, мультимедия компьютер дастурлари.

-фаолият тажрибаси (ўқув фаолияти, ўйинлар, машқлар). Буларга талабадан изланишни талаб қиладиган ва ўқув мақсадига бевоқифа ёки билвосита боғлиқ бўлган кашфиётларга олиб келадиган симулятив фаолиятни амалга оширадиган ҳар қандай фаолият киради. Улар талабаларни шуғуллантириш мақсадларига ҳам хизмат қилади.

Тескари алоқа (дастурлаштирилган изоҳ ва тасаввурлар). Улардан ўрганилган дарсни мустақамлаш, хато ва камчиликларни тўғрилаш учун фойдаланиш мумкин ва улар талабаларни маълум бир нуқтага бориши ҳақида хабардор қилишлари мумкин. Агар талабада кўникма, билим ёки қобилиятларни ривожлантириш қийин бўлса, улар дарснинг маълум бир қисмини такрорлашлари мумкин.

Лекин бу самарали таълимнинг бу хусусиятларни танлаш, лойиҳалаш ва амалга оширишдан олдин куйидагиларни инобатга олиш, яъни турли эҳтиёжлар ва чекловларга мос келадиган воситалар, усуллар ва технологияларни танлаб олиш зарур. Электрон таълим технологиялари одамлар томонидан яратилади, ишлатилади ҳамда унда айнан уч тоифа кишилар: яратувчилар; эгалик қилувчилар ва талабаларнинг иштироки талаб қилинади. Яратувчиларга муаллифлар, дизайнерлар, иллюстраторлар, дастурчилар ва электрон таълимни ривожлантириш ва яратишда иштирок этган бошқа ижодкорлар киради. Эгалик қилувчилар талабаларга электрон таълимни етказиб бериш учун ишлатиладиган ускуналар (ташкilotлар)дан иборат бўлади. Талабалар электрон таълимдан фойдаланувчилардир.

Асинхрон таълим талабага исталган вақтда ўқитувчига электрон почта юбориш имконини беради. Матнли чат ва овозли чат синхрон ўрганиш учун симсиз алоқанинг кўплаб имкониятлари мавжуд бўлиб, улардан асосийси mobile телефонлардан фойдаланишдир. Шундай қилиб, онлайн таълим мультимедия: radio, телевидение, Internet, CD-ROM ва mobile технологияларни бир композит шаклга бирлаштириши мумкин. Е-таълим муҳити одатда ўз ичига куйидагиларни олади: моделлаштириш; ҳамкорлик (ўқув / мунозара гуруҳлари, суҳбат хоналари ва бошқалар орқали ҳамкорликдаги

муаммоларни ҳал қилишни ўз ичига олади) ва жонли семинарлар.

Электрон таълим воситаси тўлиқ, композит ва тайёрланган электрон таълим ечими бўлиб, бу тўғри вақтда ва керакли жойда билим беришнинг интерактив муҳитни тақлиф этади. Ушбу восита ёрдамида анъанавий ўқитиш сифатини бузмасдан, кўплаб иштирокчилар учун турли мавзуларда яхши машғулотлар ўтказиши мумкин. Виртуал машғулотлар иштирокчилар, қаерда бўлмасин, бошқа иштирокчилар, ўқитувчилар ёки бошқарув билан реал вақтда овозли суҳбат ёки мунозара форуми каби воситалар орқали мулоқот қилишлари мумкин. Ўқув материалларини етказиб бериш воситалари ва технологияларини куйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: 1. Принциплар: дарсликлар, ўқув қўлланмалар, иш дафтарлари. 2. Аудио, видео, конференция. Эфирга узатиш. 4. Маълумотлар: Веб-саҳифалар орқали, компьютер ўқув материаллари кўпинча CD-ромларда, электрон почта орқали (word процессори, электрон жадвал, тақдимот, маълумотлар базаси ва бошқалар), онлайн тестлар-компютер скриптлари турли тест форматларини тақдим этиш учун ёзилиши мумкин. Бунда юқори даражадаги инвестициялар анимацион кўприклар, интерактивлик ва бошқа веб-дизайн воситаларидан тўлиқ фойдалана оладиган ижодкорлар томонидан қўллаб-қувватланадиган, такомиллашган онлайн дастурларни ишлаб чиқиш талаб қилинади. Бу эса, мусиқа, кино ва анимация каби мультимедия воситаларидан фойдаланиш имконини оширади. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати, электрон ўз-ўзини ўрганишдир. Асосий мақсад автоном ёки ўз-ўзига йўналтирилган электрон таълим асосида талабалар мустақиллигини ривожлантиришдан иборат. Компютер ўқув курси орқали берилган таълимда талабаларга кўпол қирраларнинг тўғриланишига ёрдам берадиган ўқитувчи ёки тренер, талабаларга бир вақтнинг ўзида мулоқот ва фикр алмашиш имконини беради механизми ҳам, уларнинг қачон ва қанча ўрганишига ҳам чекловлар йўқ. Талаба ҳақиқатдан ҳам мустақил. Қўллаб-қувватланадиган е-таълим ўз-ўзини ўрганиш тренер билан биргаликда, топшириқлар, одатда, уларни форумда муҳокама қилиш учун жойлаш орқали амалга оширилади, бу ерда талабалар бажарган уй вазифаларини ҳам «топширишлари» мумкин. Бунда электрон материални ишлаб чиқишда ўқитувчи талабаларнинг мотивациясини ҳам ёдда тутиши керак бўлади. Шунингдек, курс бўй-

ича ўқув муаммосига ечим таклиф қилиш талабаларнинг ўқишга бўлган қизиқишларини орттиради. Мотивацион тескари алоқа электрон таълим муҳитида мотивацион адаптив бўлиш учун индивидуаллаштирилган бўлиши керак. Адабиётлар таҳлиliga кўра, мотивацион амалиётлар онлайн таълим, турли такдимот форматларини ва ўқув тажрибасида оддий ва интуитив навигация тизимини шакллантиришни ўз ичига олади.

Ахборотни такдим этишнинг турлари ва усуллари электрон таълим муҳитида қўлланилиши мумкин бўлиши, талабалар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда талабаларнинг эҳтиёжларини, ўқитувчининг фойдаланиши кўзда тутилган технологик муҳит имкониятларини ҳисобга олиши керак. Энг муҳими эса, технология айнан педагогик лойиҳалашнинг воситаси бўлиб хизмат қилиши керак.

1.3. Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг назарий асослари

Ҳозирги кунда ривожланиб бораётган иқтисодиёт ва эркин меҳнат бозори унинг барча талабларига жавоб берадиган, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш, талабаларлардан мукамал педагогик компетентликга эга бўлишни талаб қилмоқда. Шу сабабли мамлакатимиз ва ривожланган хорижий давлатларда фаолият юритаётган педагог-олимлар аралаш таълим шароитида талабаларни келажак фаолиятга тайёрлашда педагогик компетентлигини ривожлантириш масаласига алоҳида муаммо сифатида жиддий эътибор қаратмоқдалар.

Таълим тизимда педагогик компетентлик тушунчасининг моҳияти талабаларнинг касбий фаолиятига йўналтирилган вазифаларини бажариш жараёнида уларнинг шахс сифатидаги ҳаракатларида намоён бўлади ва ўз педагогик фаолиятида муваффақиятларга эришишини таъминлайди.

Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш, бизнинг фикримизча, касбий фаолиятга тезроқ мослашиш ва самарали фаолият юритишни талаб этаётган замонавий таълим тизимининг асосий талаблардан биридир. Республикамизда аралаш таълимни жорий этиш борасида муайян

тажрибалар тўпланган бўлса-да, шу билан бирга, аралаш таълим дастурларини ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан уйғунлаштириш, ўқув жараёнига Ўзбекистоннинг Миллий квалификация тизимини тўлақонли такомиллаштириш ва жорий этиш борадаси қатор муаммолар мавжуд.

Тадқиқ қилинаётган муаммонинг ҳолатини мажмуавий ўрганиб, педагог олимлар томонидан талабаларда педагогик компетентликни шакллантириш бўйича анчагина тажриба тўпланганини кўриш мумкин. Педагоглар ўзлари таклиф қилган моделларни татбиқ қилишнинг асосий компонентларини, таянч ва етакчи босқичларини, илмий тамойилларини, педагогик шарт-шароитларини ҳамда шу кабитадқиқотнинг бошқа муҳим жиҳатларини акс эттирувчи махсус педагогик тизимларни ишлаб чиққанлар ва асослаб берганлар. Лекин, бизнинг таҳлилимиз шуни кўрсатдики, аралаш таълим шароитида талабаларда педагогик компетентликни ривожлантириш муаммоси деярли тадқиқ қилинмаган. Назаримизда мазкур муаммони ҳал этиш учун, энг биринчи навбатда педагогик компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнини тадқиқ қилиш муҳим. Бунинг учун эса аралаш таълим шароитида талабаларда педагогик компетентликни фаол ривожлантиришни таъминловчи муаллифлик моделини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ушбу модель ҳақида тадқиқот ишининг кейинги бобларида сўз юртилади.

Аралаш таълим шароитида талабаларда педагогик компетентликни ривожлантириш тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, олий таълим муассасаларида махсус аралаш таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашда педагогик кластер тизимини самарали натижалар беради.

Маълумки, олий таълимни ислоҳ қилиш, янгилаш, такомиллаштиришда замон талабларига жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлашнинг асосий йўлларида бири компетентли ёндашув ҳисобланади. Шу боис, аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг назарий асосларини, жумладан, компетентлик тушунчаси, таълимдаги компетенциявий ёндашув ҳақида сўз юритиш учун, энг аввало, педагог

олимларнинг бу борада иши ва фикр-мулоҳазаларини ўрганиш зарур.

Компетенциявий ёндашув талабанинг ижтимоий, коммуника-тив, ахборот, касбий ва бошқа шахсий сифатларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, замонавий ижтимоий-иктисодий шароитларни ўзида деярли тўлиқ амалга ошириш имконини беради. Бу ёндашув талаба шахсини тўлиқ тарбиялаш ва муҳим амалий вазифаларни ҳал қилиш имкониятини шакллантириш каби компетенциялар тизимига хизмат қилади. Компетентли ёндашув куйидаги вазифаларни амалга ошириш имконини беради:

- талабаларнинг мақсадлари билан педагогларга қўйилган таълим мақсадини мувофиқлаштириш;

- ўқишда талабаларнинг масъулиятлилиги ва мустақиллигини секин-аста ошириш ҳисобига ўқитувчининг меҳнатини енгиллаштириш;

- талабалар ишини таълим мазмунини механик қисқартириш ҳисобига эмас, балки индивидуал мустақил таълим улушини ошириш ҳисобига енгиллатиш;

- ўқув ва тарбиявий жараёнлар бирлигини назарияда эмас, балки амалиётда таъминлаш;

- талабаларни онгли ва масъулиятли таълимга тайёрлаш.

Бугунги кунда мамлакатимизда педагогик таълим ривожланишини белгилаб берадиган Болония жараёни доирасида компетенцияларга асосланган ёндашув алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабли, ушбу ёндашув нуқтаи назаридан инновацион таълим учун компетентли педагог кадрларни тайёрлаш масаласи шу куннинг долзарб муаммолари бўлиб ҳисобланади.

Р.М.Баскаевнинг тадқиқотларига кўра, бир қатор мамлакатлар таълим тизимида шахснинг ривожланиши, унинг ижтимоийлашуви ва ўзини ўзи намоён қилиши учун таълимнинг аҳамиятини баҳолашга асосланган “билимли” ёндашувдан компетентликка асосланган илмий педагогик ёндашувга босқичма-босқич ўтиш жараёни бўй бermoқда. Шу нуқтаи назардан, таълим натижаларига замонавий талабларни акс эттирувчи “компетентлик” атамаси Фарб мамлакатлари педагогикасининг муваффақиятлари билан узвий боғлиқ.

Тадқиқотларни ўрганиш жараёнида бевосита талабаларида педагогик компетентликни ривожлантиришга оид илмий тадқиқот-

ларпедагогик муаммосифатидакам ўрганилганлигини ва талабалар педагогик компетентлигининг асосида ётувчи кўпгина масалаларни ҳал қилиш зарурлигини тасдиқлайди. Бу заруратлардан аралаш таълим шаротида талабаларда педагогик компетентликни ривожлантиришда:

• аралаш таълимга оид атамаларнинг ишланмаганлиги ва тартибга солинмаганлиги;

• аралаш таълим модели ва фаолият характеридан келиб чиқиб, педагогик компетентликнинг мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари аниқланмаганлиги;

• аралаш таълим шароитида педагогик компетентликни ривожлантиришга имконини берувчи педагогик модель ишлаб чиқилмаганлиги;

• ушбу моделни ривожлантириш тамойиллари аниқланмаганлиги;

• аралаш таълим шароитида педагогик компетентликни ривожлантириш босқичлари, методлари ва воситаларини аниқлаш зарурати ҳамда аралаш таълим шароитида педагогик компетентликни самарали ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари аниқланмаганлигини санаб ўтиш мумкин.

Давлат таълим стандарти, малака талаблари, ўқув режалари олий таълим муассасаларига аралаш таълим компонентини ўрганиш ва жорий этишмасаласини ижобий ҳал этиш орқали умумий юкломани эллик фоизгача кенгайтириш имконини ва талабаларида педагогик компетентликни ривожлантириш шароитини яратди. Шу билан бирга бугунги кундаги таълим муассасалари учун аудитория фонди муаммосини ҳам етарлича бартараф этиш имконини беради.

Юқорида айтилганлардан хулоса қилиб, аралаш таълим шароитида талабаларда педагогик компетентликни ривожлантириш муаммосини ҳар томонлама ўрганишшунингдек, педагогик компетентликни муваффақиятли ривожлантириш жараёни боғлиқ бўлган масалаларни аниқлаш ва тизимлаштириш, бу муаммони умумий касбий компетентликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари қаторига киритиш ушбу илмий тадқиқот ишининг устувор вазифаларидан бири эканлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Педагогик компетентликни ривожлантириш муаммосини долзарб

ва аҳамиятидан келиб чиқиб, ҳозирги шароитда мавжуд ижтимоий эҳтиёж фонида ҳамда иқтисодий шарт-шароитлар сабабли «Педагогик компетентлик» ўқув курси даражаси ва мазмунини комплекс такомиллаштириш борасида изчил ишлари олиб борилиши зарур.

Тадқиқотимизнинг кейинги мантиқий босқичи педагогик компетентликни ривожлантириш муаммосининг ҳозирги шароитидаги ҳолати ва муаммоларини ўрганиш, «педагогик компетентлик» тушунчасининг моҳият-тузулмасини тизимлаштириш ҳамда педагогик компетентликни ривожлантириш бўйича тегишли илмий тажрибани таҳлил қилишдан иборат бўлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, аралаш таълим шароитида ишлашга тайёргарлик атамаси билан биргаликда, бизнинг тадқиқотимиз учун «компетенция», «педагогик компетентлик», «педагогик компетентлик», «тайёрланганлик», «ўқув», «кўникма», «педагогик маҳорат», профессионализм, «аралаш таълим муҳити», «касбий-педагогик компетентлик», «мулоқот», «мулоқотмандлик», «коммуникация», «аралаш таълим шароитида талабаларда педагогик компетентликни ривожлантириш» каби қатор тушунчалар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Гап шундаки, педагогик нуқтаи назардан қаралганда, ушбу тушунчаларнинг барчаси бир-бирлари билан ўзаро алоқадор ва боғлиқ бўлиб, улар бир-бирларини мазмунан тўлдирди. Ва шунинг учун ҳам «компетентлик» тушунчаси юқоридаги барча тушунчаларни бирлаштирган универсал атама сифатида қўлланилади.

«Компетентлик» касбий билимлар ҳамда шахсий сифатларнинг ижобий ва ижодий уйғунлашган даражасини, аниқ фаолиятда уларнинг фаоллашиш даражасини акс эттиради.

«Педагогик компетентлик» тушунчаси педагогик маҳоратнинг асосини ташкил этади. Педагогик компетентлик деганда, аниқ тарихий жараёнда қабул қилинган нормалар, стандартлар ва талабларга мувофиқ равишда педагогик функцияларни бажаришга тайёрликни ва қобилиятни белгилайдиган интегратив касбий-шахсий хусусият тушунилади. Педагогик компетентлик педагогика соҳасида профессионал сифатида иш олиб борадиган шахснинг педагогик фаолият ва муносабат усуллари, шакллари тўғрисида эгалланган билимлари ҳамда бутун ҳаётий ва педагогик тажрибаларидан таълим-тарбия жараёнида оқилона фойдалана олишини

назарда тутати. Касбий-педагогик компетентликнинг бошланғич кўрсаткичи - бу шахсга ва инсонпарварликка йўналганликдир.

Психологик луғатда «педагогик компетентлик - таълим ва тарбия масалаларини профессионал даражада, малакали ҳал қилиш имконини берадиган билим, кўникма ва тажриба» тарзида таърифланади. Луғавий маъноси эса (немисча kompetenz, французча competence, лотин competens сўлардан келиб чиққан бўлиб, шахснинг ўзининг касбий вазифасига мослигини, қобилиятлигини аниқлатади) - педагогик фаолиятга тайёргарликнинг назарий ва амалий ташкил этувчиларини юқори даражада эгаллаганликни, ўқитувчи касбий маҳоратининг юқори эканлигини билдиради. Шунингдек, педагогик компетентлик бошқа қатор ташкил этувчиларни назарда тутати: педагогик фаолиятнинг индивидуал услуби, унга ижодий ёндошиш ва педагогик рефлексиянинг ривожланганлиги сифатида изоҳланади.

Адабиёт ўқитиш методикасида педагогик компетентликка қуйидагича таъриф берилган: педагогик компетентлик - тизимли касбий билим ва кўникмаларга, педагогик фаолиятнинг мазмуний ва расмий аспектида муайян тажрибасига эга бўлган ўқитувчининг интегратив сифатидир. Масалан, педагогик компетентликка эга ўқитувчи нафақат ўзи дарс берадиган ўқув фанини ва уни ўқитиш методикасини яхши билиши, балки таълимнинг ривожланиш тенденцияларидан хабардор бўлиши, замонавий ўқув ва ахборот технологияларидан фойдаланиши, таълим мақсадлари мазмуни, шакллари, методлари, воситалари ва жорий этиш шарт-шароитларини белгилайдиган асосий компетенцияларни эгаллаган бўлиши бўлиши керак.

Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик компетенлиги ривожлантириш масаласининг тузилмавий, моҳиятини аниқлаш тушунчавий аппарати тузилмаси, аралаш таълим муҳитининг таркибий қисмларини аниқлаш масаланинг мазмунини бойитишга хизмат қилади (2.2.1-расм).

Компетентлик	Касбий компетенлик	Педагогнинг компетенциялари	Педагогик компетенлик
Аралаш таълим муҳити			
Ўқитувчи	Талабаларнинг педагогик компетенлиги		
Аралаш таълим воситалари	Анъанавий таълим	Масофавий таълим	Мустақил таълим
Аралаш таълим методлари	Компетенция	Педагогик компетенция	Ўқув-амалий педагогик фаолият
Аралаш таълим моделлари	Аралаш таълим технологиялари	Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетенлигини ривожлантириш	

1.2.1-расм. Талабаларида педагогик компетенликни ривожлантириш муаммосининг тушунчавий аппарати тузилмаси

Бизнингча, маҳорат амалга ошириладиган фаолиятнинг самардорлиги даражасини билдиради. Ўқув тушунчаси фаолиятнинг жараёнли аспектиларини – касбий фаолият стандартлари билиш ва унга амал қилган ҳолда ҳаракатларни муайян тартибда ва кетма-кетликда, ўзаро боғлиқликда амалага оширишни англатади. Профессионаллик, фаолият субъектининг идеал мақомини мақбул ижтимоий талабларга мувофиқ равишда белгилайди, мутахассисликни пухта эгаллаганликни ифодалайди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, компетенциявий ёндашувнинг асосини ташкил этган атамалар моҳиятини тушуниш борасида ҳалигача ягона қараш мавжуд эмас. “Компетентлик”, “компетентли”, “компетентлилик”, “компетенция” тушунчалари компетенциявий ёндашувнинг етакчи категориялари сифатида намоён бўлади.

Амалиётга йўналтирилган компетентли ёндашувнинг мақсади таълим сифатини таъминлашга қаратилган бўлиб, таълим тизимини такомиллаштириш муаммолари бўйича халқаро миқёсда олиб борилган ишларнинг таҳлилига кўра, таълим мазмунининг янги ланишида асосий бирлик сифатида «компетентлик» ва «компетенция» тушунчалари қаралмоқда.

Компетенция – бу, турли соҳаларда мутахассисларнинг касбий вазифаларни ҳал қилиш бўйича билимлар ва малакаларни кундалик ҳаётда қўллашга тайёрлик ва кодирликдир.

Компетентлик шахснинг интеграл хусусияти сифатида, таълим жараёнида белгиланган компетенциялар йиғиндиси ёрдамида шаклланади ҳамда ишлаб чиқариш фаолиятида намоён бўладиган, касбий ва инсоний сифатлар сенергетикасидан иборат бўлади. Компетентлик – инсоннинг ижтимоий-касбий фаолиятидаги интеллектуал ва шахсий шартли тажрибасини, барча компетенцияларга эгаллик даражасини, касбий фаолиятда компетенцияларни қўллашга тайёрлик босқичини билдиради.

Аралаш таълим шароитида талабаларнинг ахборот-коммуникацион касбий компетенлигини соҳа вазиятларга мослашиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш, операцион тизим муҳитида муайян дастурий воситалар билан ишлаш, мантиқан тўғри ва самарали дастурларни қуриш учун дастурлаш тилларидан фойдалана олиш, маълумотлар базаси, компьютер тармоқлари ва бошқа воситаларни қўллаш орқали касбий вазифаларни бажаришини таъминловчи компетенциялар мажмуаси сифатида қараймиз.

Биз “компетентлик” тушунчасини таърифлашда кўп қиррали ва хилма-хил қарашлар мавжудлигига ҳам ишонч ҳосил қилдик. Ушбу хулоса, нафақат мазкур атаманинг этимологиясига, балки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва психологик-педагогик тадқиқотларда тақдим этилган материалларга ҳам тўлиқ тегишлидир. Компетенцияга бағишланган атамалар таҳлили шуни кўрсатадики, “компетентция” сўзи от бўлиб, “компетентлик” унинг ҳосиласи, яъни сифатидир. “Компетенция” шахснинг ваколатлари доирасини, “компетентлик” эса унинг хусусиятини характерлайди.

Инглиз олими Дж. Равен “Компетентность в современном обществе” номли китобида “компетентлик” атамасининг маъносини ҳар томонлама тўлиқ талқин этган, унинг аҳамияти шундаки, олим компетентликнинг психологик назариясини яратиб, компетентликнинг турлари ва ташкил этувчилари (компонентлари)ни тадқиқ этган. У биринчи марта компетентликнинг психологик табиатига, инсоннинг ривожланиш босқичларида компетентликнинг шаклланиш муаммосига эътибор қаратган, компетентликнинг шаклланиши ва ривожланиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни ўрганган.

Ҳозирги вақтда «компетенция» ва «компетентлик» тушунчаларининг мазмунини аниқлаш, шунингдек, фаолиятнинг турли соҳа-

ларида уларни шаклантириш ҳамда ривожлантириш муаммолари бўйича жуда кўп тадқиқот материалларининг тўпланганлиги, эса уларни таснифлаш муаммосини юзага келтирди.

Н.В.Кузьмина ўзининг тадқиқотлари натижаси ўлароқ компетентликнинг беш элементи ёки беш хил турини келтириб ўтади. Булар:

1. Фаолият соҳасидаги махсус ва касбий компетентлик.
2. Фаолият соҳасидаги услубий компетентлик.
3. Мулоқот жараёнидаги ижтимоий-психологик компетентлик.
4. Мотивлар, қобилиятлар соҳасидаги дифференциал-психологик компетентлик.
5. Шахс ва фаолиятидаги ютуқлари ва камчиликлари соҳасидаги аутопсихологик компетентлик.

Компетентликни кенг маънода, яъни фаолликнинг ижтимоий ва индивидуал шакллари ўзлаштирилганлик даражаси сифатида тушиниш зарур. Ушбу сифат индивиднинг ўз қобилиятлари ва мавқеи доирасида жамиятда муваффақиятли фаолият кўрсатишини таъминлайди. Гарчанд «компетентлик»нинг ушбу таърифи юқорида баён этилганларга қараганда анча кенгрок маънони англатса-да, унда уларнинг моҳияти, маъновий ўзаги – инсоннинг бирор соҳа бўйича тажрибаси, билимлари ва кўникмалари аниқ ифодаланади.

Компетентлик деганда шахс сифатларининг интегратив характеристикасини, таълим муассасасининг муайян соҳалар (компетенциялар доираси)да фаолиятни амалга ошириш учун битирувчиларни касбий тайёрлаш натижаси сифатида тушиниш лозим. Компетентлик компетенция сингари когнитив (билиш), мотивацион-қадриятий ва эмоционал-иродавий компонентларни қамраб олади. Компетентлик – вазиятга боғлиқ категория, у аниқ касбий (муаммоли) вазиятларда бирор фаолиятни амалга оширишга тайёргарликни ифодалайди.

Компетентликни асосий бешта компонентдан ташкил топган категория сифатида тасаввур этиш мумкин:

- ечиладиган муаммолар ва масалалар моҳиятини чуқур тушуниш;

- айна соҳада мавжуд бўлган тажрибаларни яхши билиш, унинг энг яхши ютуқларини фаол эгаллаш;

- жой ва вақтнинг аниқ ҳолатига мос ҳолда фаолият воситалари ва усулларини танлаш;

- эришилган натижаларга масъулият ҳисси;

- хатолардан ўрганиш ва мақсадга эришиш жараёнига тузатишлар киритиш қобилияти.

М.А.Чошанов ўзининг тадқиқотларида «компетентлик» тушунчасини талқин қилишга бошқача ёндашади. Олимнинг бу борадаги мулоҳазалари мазмуни куйидагилардан иборат:

Биринчидан, компетентлик қисқа тарзда анъанавий учлик «билимлар, кўникмалар ва малакалар»нинг бирлигида ифодаланади ва унинг компонентлари ўртасидаги боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилади. Компетентликни кенг маънода предмет ҳақидаги чуқур билим ёки ўзлаштирилган кўникма сифатида таърифлаш мумкин.

Иккинчидан, энг асосийси шундаки, компетентлик касб-хунар коллежи битирувчиси – бўлажак мутахассис тайёргарлигининг реал даражасини тавсифлаш учун энг мақбул мезон ҳисобланади.

Компетентлик етукликдан ўзининг характери ва даражасига кўра фарқ қилади. Компетентлик – бу вазифани адекват бажариш ҳолати. Одатда, уни инсоннинг бошқа хусусияти, бошқа сифати билан қиёслаб бўлмайди. Инсон бошқаларнинг эришган ютуқларига нисбатан эмас, балки ижронинг талаб этилган даражасига нисбатан ё компетентли, ёки компетентсиз бўлади.

Етуклик – бу эришилган ютуқларнинг айна бир вақтдаги ва мутлоқ ҳолати, бошқаларга нисбатан таққослаганда, фаолият соҳасида ҳамма эриша олмайдиган энг юқори чўққидир.

Учинчидан, компетентли мутахассис кўплаб ечимлар орасидан энг мақбулини танлаш қобилиятига эга бўлади, самаралини самарасиздан, самарасизни самаралидан фарқлай олади, ёлғон ечимларни асосли равишда инкор этиб, танқидий мулоҳаза юритади.

Тўртинчидан, компетентлик билимларни доимий равишда янгилашни, айна вақтда ва айна шарт-шароитларда касбий масалаларни муваффақиятли равишда ечиш учун янги ахборотларни эгаллашни тақозо этади. Бошқача айтганда, компетентлик – бу фаолиятни фаол амалга ошириш қобилияти.

Бешинчидан, юқорида айтилганлардан кўринадики, компетентлик ҳам мазмуний (билимлар), ҳам процессуал (кўникма) компонентларни қамраб олади. Бошқача айтганда, компетентли шахс

нафақат муаммо моҳиятини тушуниши лозим, балки уни амалий еча билиши, яъни ечиш борасида билим ва кўникмага эга бўлиши керак.

Педагогик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, «компетенция» тушунчасининг моҳият – мазмуни унинг мажмуавий хусусиятида, яъни касбий фаолиятни амалга ошириш учун ҳар бири тенг қийматли муҳим аҳамиятга эга бўлган билимлар, кўникмалар, қадриятлар, йўналишлар ва муносабатлар интеграциясида ўз ифодасини топади. Компетенциянинг асосий аспекти – бирор кундалик фаолиятни ёки мутлақо янги фаолиятни билимлар, кўникмалар, қадриятлар, йўналишлар ва муносабатлар бирлиги асосида амалга ошириш қобилиятидир. Шунингдек, компетенцияни билимлар, кўникмалар, муносабатлар ва тажрибани таниш ва нотаниш касбий вазиятларда қўллаш қобилияти сифатида ҳам тушуниш мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, «компетенцияларга асосланган ёндашув» бирор даражада билимларнинг аҳамиятини пасайтирмайди. Аксинча, билим фаолиятни амалга ошириш учун, билим олишни, ўқишни яна давом эттиш учун зарур ва жамият мавжудлигини ажралмас қисмидир. Билим хатти – ҳаракат, фаолиятнинг шарти ва асосидир. Агар киши бирор ишни бажара олса, демак, у уни билади ва тушунади. Ўқув, кўникма, бажариш деганда бирор ишни, фаолиятни, топширикни мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга ошириш қобилияти тушунилади.

«Компетентлик» ва «компетенция» тушунчалари синонимлар тарзида ҳам, шунингдек турли маъноларда ҳам ишлатилиши мумкин. Бу тушунчалар борасида хилма – хил фикрлар ва кенг қарашлар мавжудлиги юқорида мисоллар асосида кўриб ўтилди.

Функциясига кўра, компетентлик – умумий билимлар, кўникмалар ва малакаларнинг бирлиги, компетенция эса, фақат касбий фаолиятдаги билимлар, кўникма ва малакалар бирлиги; жинси ва турлари моҳиятига кўра, компетентлик – компетенция йиғиндиси; табиатига кўра, компетенция – ижтимоий талаб, компетентлик эса, шахснинг ўзига хос хусусияти; ташқи-ички белгиланганлигига кўра, компетентлик-амалга оширилган, жорий этилган компетенция, компетенция-имконият, потенциал.

Компетентлик талаба томонидан алоҳида билим ва малакаларни эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича

интегротив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутаяди. Шунингдек, битирувчиларнинг касбий тайёргарлиги даражасига қўйилувчи талаблар нуқтаи назаридан компетентлик талабаларнинг муайян вазиятларда билим, малака ва фаолият усуллари тўпламини мақсадга мувофиқ қўллаш қобилиятини аниқлатади.

Б.Б.Гершунский компетентликни “саводлилик”, “таълим олганлик”, “маданият”, “менталитет” каби тушунчалар билан ўзаро алоқадорликда олиб қарайди.

Педагогика нуқтаи назаридан, компетенция маълум ижтимоий-касбий мавқега эга бўлган шахсларнинг кўникмалари ва тажрибаларининг улар бажарадиган вазифалар ҳамда улар ҳал қиладиган муаммоларнинг ҳақиқий даражасига мослиги ўлчови сифатида изоҳланади. Шу сабабли, бугунги кунда педагогикада касбий компетенциясини ўрганишнинг турли хил ижтимоий-психологик ва педагогик жиҳатларини очиб берадиган кўплаб илмий ишлар тақдим этилган, уларнинг катта қисми ўқитувчиларнинг касбий маҳоратига бағишланган. Компетенция ўз билимларини тинмай бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, янги билимларни излаб топиш маҳоратини, ўз амалий фаолиятида қўллашни талаб қилади. Касбий компетенцияларни эгаллаган мутахассис муаммоларни ечишда ўзи ўзлаштириб олган метод ва усуллардан фойдаланишни яхши билиши, вазиятга мос методларни танлаб қўллаш каби кўникмаларга эга бўлади.

Шу билан бирга, С.Э.Шилов компетенцияни мутахассиснинг ўз билимларини касбий фаолиятга сафарбар этишнинг умумий қобилияти сифатида белгилайди.

Э.Ф.Зеер ушбу таърифга асосланиб, касбий таълим учун катта аҳамиятга эга бўлган бешта асосий компетенцияларни белгилайди:

- ижтимоий компетенция – масъулиятни ўз зиммасига олиш, ечимни биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш, турли этник маданиятлар ва динларга нисбатан бағрикенглик, шахсий манфаатлар қорхона ва жамият эҳтиёжларига мувофиқ келиши;

- турли тиллардаги оғзаки ва ёзма алоқа технологияларини, шу жумладан компьютер дастурларини, Интернет орқали алоқани эгаллашни аниқлайдиган коммуникатив компетенция;

- ахборот технологияларига эгаликни ва ижтимоий маълумотларга танқидий муносабатни тавсифловчи ижтимоий-ахборот компетенция;

- когнитив компетенция – билим даражасини доимий равишда оширишга тайёрлик, шахсий салоҳиятни янгилаш ва амалга ошириш зарурати, мустақил равишда янги билим ва кўникмаларни эгаллаш қобилияти, ўз-ўзини ривожлантириш қобилияти.

Компетентлик – бу мутахассиснинг компетенцияларида намоён бўладиган унинг касбий муаммоларни ҳал қилиш қобилиятлиги ва тайёрлиги.

Психологик-педагогик адабиётларда мутахассисларнинг турли компетенцияларининг турли хил кўринишлари билан бирга, турли таснифларда акс эттирилган компетентликнинг кўринишларини аниқлашда баъзи бир зиддиятларни ҳам учратиш мумкин.

Компетентликнинг энг тўлиқ таснифисифатида бизнинг тадқиқот ғоямизга мос тушадиган А.Зимнянинг фикрларини келтирамиз. У компетентликнинг қуйидаги учта асосий гуруҳини ажратади:

- ўзўзига, шахс сифатида, ҳаёт фаолияти субъекти сифатида ўзига тегишли компетентлик;

- инсоннинг бошқалар билан ўзаро муносабати билан боғлиқ компетентлик;

- инсон фаолияти билан боғлиқ, унинг барча турлари ва шаклларида намоён бўладиган компетентлик.

Биз ушбу таснифни ўз тадқиқот ишимизда асос қилиб оламиз, чунки учта гуруҳда ҳам тадқиқотимизнинг асосий мақсади, яъни педагогларнинг касбий компетентлиги акс эттирилган. Бўлажак ўқитувчининг касбий компетентлик даражасини ошириш муаммоси замонавий фанда долзарб бўлиб, уни ўрганишга турли хил ёндашувларда намоён бўлади, уларнинг энг асосийси, шубҳасиз, компетенцияга асосланган ёндашувдир.

Ҳозирги вақтда педагогик таълим тизимини модернизация қилиш зарурати билан боғлиқ ҳолда олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлаш тизимини ривожлантиришга компетенцияларга асосланган ёндашув фаол ривожланмоқда, унинг асосий мақсади эса амалий йўналишни мустаҳкамлашдир. Амалиётга йўналтирилган таълимнинг асосий мақсади эса замонавий жамиятда талаб қилинадиган – талабаларнинг билиш фаолияти, ижо-

дий фаоллиги, мустақиллиги, ташаббусини ривожлантиришдир. Компетенцияларга асосланган ёндашув зарур компетенцияларни эгаллашга қаратилган. Шу билан бирга, тажриба тўпламасдан компетенцияларга эга бўлиш мумкин эмас, яъни, компетенция ва тажриба чамбарчас боғлиқдир. Ф.Ялалов олий касбий таълимда талабалар тажрибасининг алоҳида аҳамиятига урғу беради ва анъанавий триадани янги дидактик бирлик билан тўлдиришни таклиф қилади: “билим-кўникма-малака – фаолият тажрибаси”

Таълим амалиётида компетентли ёндашувни амалга ошириш ушбу жараённинг барча жиҳатларини чуқур ва ҳар томонлама илмий ўрганишни талаб этади. Таълим жараёнини компетентли ёндашувга йўналтиришга касбий таълимда методик шартшароитларни, янги педагогик технологияларнинг мазмуни ва қўлланишини кўриб чиқиш ҳамда ишлаб чиқиш орқали эришиш мумкин.

Олий таълимнинг янгича парадигмага интилишидаги умумжаҳон тенденцияси, энг аввало, ҳам касбий, ҳам ижтимоий функцияларни турли хил ва кенг миқёсдаги контекстларда бажариш учун битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига мажмуавий, тизимли, фанлараро ва интеграллашган хусусиятларга эга талабларнинг ошиб бориши орқали намоён бўлади. Бундай таълим мазмуни ва натижалари олий таълимда илгаридан ўзлаштириб келинаётган тизимли-фаолиятли, шахсий-фаолиятли, қадриятли ва бошқа шу каби ёндашувларни ривожлантириш, умумлаштириш ва синтезлаш натижаларига компетентли ёндашувнинг динамик равишда юзага келишида ўз аксини топади. Ҳозирги даврда олий таълимнинг асосий мақсади компетентли мутахассисларни тайёрлаш ҳисобланади. Мана шундай мутахассисларни тайёрлаш учун эса бугунги кунда нафақат билимларнинг ўзлаштирилиши, балки янги билимларни эгаллашга қобилиятлилик, касбий компетентликни шакллантириш билан боғлиқ сифатли таълим зарурдир, шунинг учун ҳам замонавий педагогика фанида компетентли ёндашув жадал равишда ривожлантирилаяпти ва амалга оширилаяпти. Сўнги йилларда ватанимиз олимлари томонидан олий ва педагогик таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнининг принципиал янги методологияси сифатида компетентли ёндашувга асосланган таълимни ташкил этиш борасида аҳамиятга молик қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди (масалан, О.А.Кўйсенов, Н.Н.Каримова,

Ж.Р.Турматов, Р.Ҳ.Файзуллаев, К.Т.Уматалиева, Ё.Р.Нажмиддинова).

О.А.Кўйсировнинг фундаментал тадқиқотида компетентли ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш масалалари бўйича илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Касбий компетентлик — типик ва ностандарт вазиятларда касбий вазифаларни самарали ҳал қилиш учун зарур бўладиган шахснинг мавжуд ресурсларини (билим, малака, кўникма ва шахсий сифатлар тизимида ташкил этилган) мобиллаштиришга тайёрлик даражасини кўрсатади. Бу ерда шахснинг мавжуд ресурсларини мобиллаштириши дейилганида, олган академик билимларини ҳаётда самарали қўллаш олиши, назарий билимларини ўзгаларга етказиб бера олиши, уларнинг манбаси ҳақидаги маълумотларга эга бўлиши назарда тутилади. Шунингдек, касбий компетентликни бўлажак муҳандисларнинг белгиланган даражадаги касбий мажбуриятларни бажариш имкониятини таъминловчи билим, малака, кўникма ва шахснинг касбий муҳим сифатлари тизими сифатида тушуниш мумкин.

Юқорида баён этилган таърифлардан келиб чиқиб, биз бўлажак ўқитувчиларнинг аралаш таълим шароитида ишлашга тайёргарлиги — педагогик компетентлигини аралаш таълим шароитида самарали ва ижодий ишлаш учун зарур бўлган касбий ва шахсий сифатлари, аралаш таълимни амалга ошириш моҳияти, шарт-шароитлари ва усуллари ҳақидаги концептуал билимлари мажмуаси сифатида таърифладик.

Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш учун унинг компонентларини аниқлаш зарур. Ана мақсадида, ушбу масалани ечишда педагогик тадқиқотларда кўриб чиқилган турли хил ёндашувлар таҳлил қилиб, биз талабалар педагогик компетентлигининг бизнинг тадқиқот мавзусига мос қуйидаги компонентларини ажратиш кўрсатдик: мотивацион; когнитив; фаолият; технологик; интерфаол.

Компетентликнинг барча таркибий қисмлари бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқ ва бирор бир компонентни алоҳида ажратиш кўрсатиш нотўғри. Бироқ кўплаб педагогик олимлар мотиваци-

он компонентга алоҳида аҳамият беришади. Чунки ушбу компонент фаолият талабларига жавоб берадиган педагогик компетентликни ривожлантиришда етакчилик қилади. Ижобий мотивация, А.С. Мелничукнинг фикрига кўра, «компетентликнинг қолган компонентларини етарлича ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратади ва уларни керакли даражага етказишга хизмат қилади.

Айнан мотивация амалий фаолиятга психологик тайёргарликни амалга оширишга ёрдам беради, шахсий имкониятлардан фойдаланиш усулини ҳам, йўналишини ҳам белгилайди. Педагогик компетентликнинг мотивацион компонентининг шаклланганлиги ҳали ишлашга психологик тайёргарликнинг мавжудлигини билдирмайди, аммо улар бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди. И.В. Кислованинг таъкидлашича, педагогик компетентликнинг мотивацион компоненти касбга ижобий муносабатни, унга қизиқишни ўз ичига олади. Бу мақсадлар, эҳтиёжлар ва мотивлар тизими бўлиб, бўлажак ўқитувчиларни касбий билим ва кўникмаларини оширишга, касб, иш ва унинг натижаларига онгли муносабатда бўлишга, меҳнат ва касбий фаолиятда фаол бўлишга ундайди.

Бўлажак ўқитувчининг кадриятий мотивацион соҳасини ривожлантириши унинг фаолиятини аниқ мақсадга йўналтириш ва лойиҳалашга ёрдам беради, педагогик фаолиятнинг устувор йўналишларини белгилайди, шунинг учун педагогик компетентлик таркибида мотивацион компонент муҳим ўрин тутди.

Шундай қилиб, назарий тадқиқотлар асосида биз бўлажак ўқитувчилар педагогик компетентлигининг мотивацион компоненти ўзларининг келгусидаги касбий фаолиятига қайтиш мотивлари йиғиндиси сифатида қараймиз. Талабаларнинг аралаш таълим шароитидаги бундай мотивлари қуйидагилар билан характерланади: ўқитишнинг масофий воситаларини қўллаш масаласига ижобий муносабати; янги ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш соҳасида ўзини ўзи ривожлантиришга бўлган хохиши; ўқитиш жараёнини самарали амалга оширишга йўналганлиги билан фарқ қиладиган аралаш таълим шароитидаги замонавий методлар, услубларни эгаллашга қизиқиши; таълим жараёнини амалга ошириш шарт-шароитлари билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган ностандарт масалаларни ҳал қилишда муваффақиятга эришишга бўлган ички истакни шакллантиришга интилиш ҳамда педагогик

таълим инновацион кластери шароитида креативлик қобилиятини намоён этиш манфаатининг юзага келиши.

Когнитивлик - компетентлик тузилмасининг навбатдаги компоненти бўлиб, Г.Н.Сериковнинг сўзларига кўра, ушбу компонент «тасаввурлар, қарашлар, билимлар тизимини ўз ичига олади ва талабанинг билишга бўлган индивидуаллигини, унинг содир бўлаётган ҳодисаларга когнитив муносабатининг ўзига хослиги, фаол усуллари акс эттиради.»

А.С. Белкин когнитив компонентни «талабанинг теварак-атрофдаги воқеликни билиш натижаси деб билади ва талабаларнинг аниқ гуманитар фанлар бўйича билимларни ўзлаштириш натижаларининг улар онгида акс этилишини назарда тутади.

Аралаш таълим технологияси талабаларга когнитив компонент, билиш фаолияти учун талаб этиладиган кўникмалар, билим ва маҳоратни эгаллашга имкон беради, яъни доимий равишда ўз-ўзини ривожлантириш, ўқитувчилик фаолияти давомида энг янги маълумотларни излаш, топиш, қабул қилиш, қайта ишлаш, тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантириштиришга қаратилган доимий такомиллашув жараёнини кафолатлайди.

Бизнинг фикримизча, бўлажак ўқитувчи педагогик компетентлигининг когнитив компоненти унинг аралаш таълим шароитида ишлаш, Интернет хизматлари, электрон ўқитиш воситалари ва аралаш таълим шароитида педагогик жараённи самарали қуриш, шунингдек, ўз-ўзини ривожлантириш ва педагогик тажриба ортириши учун зарур бўлган асосий психологик-педагогик махсус билимлари, кўникмалари ва малакалари тизимидир.

Энди биз бўлажак ўқитувчи педагогик компетентлигининг фаолиятининг компетентлигини кўриб чиқамиз. Л.Н. Азизованинг фикрича, ушбу компонент «талабаларнинг мултимедиа технологиялари соҳасидаги ҳамда улардан касбий фаолиятда фойдаланиш кўникма ва малакаларини акс эттиради. Бўлажак ўқитувчининг мултимедиа технологияларидан касбий фаолиятда фойдаланишга тайёрлиги – педагогик компетентлигининг фаолиятининг компонентининг мазмуни қуйидаги кўникмаларни ўз ичига олади: мултимедиа технологиялари соҳасида фойдаланиш кўникмалари (фойдаланувчи даражасида стандарт аппарат ва дастурий таъминотни пухта эгаллаш, ўзлаштириш); педагогик ходимнинг касбий фаолиятида стандарт дастурларни қўлла-

ши (файллар билан ишлаш, матн, график, рақамли ва мусикий маълумотларни қайта ишлаш бўйича амалларни бажариш; компьютер такдимотларини яратиш қобилияти; глобал ва маҳаллий тармоқларда керакли маълумотларни излаш бўйича операцияларни бажариш кўникмалари, ахборот-қидирув тизимлари ва электрон почтадан фойдаланиш кўникмалари); ўқитувчилик фаолиятида махсус дастурий таъминотдан фойдаланиш (офис фаолиятини автоматлаштиришда мултимедиа технологияларидан фойдаланиш; электрон хужжат айланиши тизимларидан фойдаланиш; ахборот хавфсизлиги воситалари, мултимедиа технологияларини қўллашда юзага мумкин бўлган салбий оқибатларини олдини олиш методикаларидан фойдаланиш).

Бўлажак ўқитувчининг педагогик компетентлигининг технологик компоненти ҳақида сўз юритиб, С.В. Руденко [208] уни қуйидагича изоҳлайди: «технологик компонент бутун педагогик жараённи ташкил этиш ва бошқариш бўйича касбий кўникма ва малакалар тизимини ўз ичига олади».

Бизнингча, бўлажак ўқитувчи педагогик компетентлигининг технологик компоненти – бу унинг касбий фаолиятида компьютер воситаларидан фойдаланиш технологияларини эгаллаганлик даражасини ифодалайди.

Юқорида айтиб ўтилганларга асосланиб, биз талабалар педагогик компетенциясининг технологик компоненти аралаш таълимнинг технологик ишланмаларини амалга оширишга имкон берадиган замонавий методлар, усуллар ва воситаларни ўзлаштиришни назарда тутади; бу ўз ичига талабаларнинг амалий ўқув фаолиятда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш қобилияти, режалаштириш ва ташкил этиш усуллари ўзлаштириш, аралаш таълим шароитида босқичма-босқич муваффақиятлар томон ҳаракатланиши, ривожланишини ўз ичига қамраб олади.

Ж.Хасанбоев, Х.Тўрақулов, М.Э.Хайдаров, О.У.Хасанбаевалар томонидан яратилган “Педагогика фанидан изоҳли луғат” да интерфаол машғулот, интерфаол усул атамларига “Интерфаол машғулот – ўқитувчи ва ўқувчилар ўзаро фаол иштирок этадиган машғулот. Бунда жараён ўзаро ҳамкорликда кечади”, дея изоҳ берилган. Интерфаол усул – бу таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги фаол ҳамкорликдаги таълим усули бўлиб, унда таълим олувчи ва таълим берувчи бир-бирини тўлиқ тушунишга эришилади.

«Интер» сўзи лотинча бўлиб, ўзбек тилидаги «оралик», «ўртаси», «ўзаро» каби маъноларни билдиради. Шу сабабли ҳам интерфаол усулларни таълим берувчи ва таълим олувчилар ўртасидаги фаоллика асосланган таълим услубияти деб ҳам аташ мумкин.

Интерфаол усулнинг мақсад-вазифаларини: таълим олувчиларни эркин, мустақил, танқидий, таҳлилий, мантикий, ижодий фикрлашга ва улар асосида тўғри қарорлар қабул қилишга ўргатиш; таълим олувчиларнинг муаммоли вазиятлардан қийналмай чиқа олишга, назарий-амалий ҳамда касбий (хаётий) топшириқларни бажаришни уддалашга ўргатиш; таълим олувчиларни фикрлашга ундаш орқали, уларни изланишга ва ижодкорлика йўналтириш; таълим олувчидаги ҳамкорликнинг самарали йўллари ва касбий билим, кўникма ҳамда малакаларини эгаллашга бўлган ҳатти-ҳараатларини фаоллаштириш; таълим олувчиларни ташкилотчилик, бошқарувчанлик (раҳбарлик) ва йўналтирувчанликка ундаш каби-ларда ифодалаш мумкин.

Интерфаол усулларни қўллашда касбий дидактик ўйинлар, ролли ўйинлар, касбий компьютерли ўйинлари, интерфаол ўқув адабиётлари, интерфаол техника воситалари, методик ва интеллектуал маҳсулотлардан иборат фойдаланиш воситаларидан фойдаланилади. Воситалар ҳам одатда икки: интерфаол ва интерфаол бўлмаган воситалар гуруҳга ажратилади. Интерфаол воситаларга аудио, видео ва электрон анжуманлар, овозли ва ёзувли икки томонлама мулоқат қила оладиган оддий ва йўлдошли алоқалар ҳамда телеанжуманлар кирса, Интерфаол бўлмаган воситаларга машғулотга тегишли дидактик мажмуалар, аудио ва видео тасмалар (дисклар), бир томонлама оддий ва йўлдошли алоқалар, телевизион кўрсатувлар, радио эшиттиришлар, компакт дисклар, «ИНТЕРНЕТ» тармоқлари ва шу кабиларни киритиш мумкин.

Интерфаол усуллардан фойдаланиш ўқитиш жараёнига самарали таъсир кўрсатиб, ўқув жараёнини жонли ташкил этилишини таъминлайди. Шу билан бир қаторда аввалги билимлар ва янги ахборотлар ўртасида боғланиш ҳосил қилиниб, материални тўла тушунишга замин яратади» [].

Бизнинг фикримизча, талабалар педагогик компетентлигининг интерактив компоненти – бу бутун ўқув жараёни давомида талабалар ва ўқитувчининг бир-бирлари билан доимий равишда юзма-юз

ва масофавий ўзаро алоқаси бўлиб, бундай ўқув фаолияти жараёнида мулоқот иштирокчилар ўртасида ўзаро маълумот алмашиш амалга оширилади. Аралаш таълим жараёнида мулоқот малака ва кўникмалари ривожланади, ҳамкорлик ўрнатилади, яхши ҳиссий алоқа ўрнатилади, умумий таълим қобилиятлари ва кўникмалари ривожланади ва ўз-ўзини тарбиялашга эҳтиёж ривожлантирилади; шахснинг ижодий хусусиятлари тарбияланади; билиш мустақиллиги ривожланади. Интерфаол таълим талабаларнинг мустақил билим олиш фаолиятини фаоллаштиради ва бинобарин, шахсининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

II БОБ. АРАЛАШ ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ДИДАКТИК АСОСЛАРИ


2.1. Олий таълим муассасаларида электрон таълим ресурсларининг ташкилий-методик ўзига хослиги

Талабаларни аралаш таълим шароитида ўқитишда электрон таълим ресурслари тузилмасининг ишлаши иккита асосий методологик концепцияга асосланади яъни, маъмурий қўллаб-қувватлаш ва электрон ўқув-методик мажмуаларни шакллантириш. Электрон ўқув-методик мажмуалар (ЭЎММ)нинг ахборот таъминотини яратиш ва қўллаб-қувватлаш профессор-ўқитувчилар жамоаси вазифаси бўлиб, лойиҳалаш ва технологик таъминот бўйича ташкил этиладиган барча тадбирлар - маъмурий ходимларнинг зиммасига юкланади.

Электрон таълим ресурсларини қўллашга аралаш таълимга жараёни иштирокчилари, одатда, қуйидаги тоифаларга ажратилади:

- таълим жараёнини умумий назорат қилувчи маъмурий ходимлар;
- электрон курсларни, дарсликларни, ўргатувчи дастурий воситалар (ЭЎММ)ни ишлаб чиқувчилар;
- талабалар билан ўзаро мулоқот қилишни таъминлайдиган ўқитувчи-тьюторлар;
- таълим муҳити фаолиятини мувофиқлаштирувчи курс раҳбарлари ва менеджерлари (ёрдамчилари);
- серверни қўллаб-қувватлаш, дастурий маҳсулотлар ва қобиклар билан ишлайдиган техник тизим маъмурлари (модераторлар);
- ЭЎММни таълим интерфейсига ўзатувчи веб-дизайнерлар;
- электрон таълим ресурслари (ЭТР)ни мазмуний, эргономик ва техник жиҳатдан мустақил экспертизадан ўтказувчилар.

Олий таълим муассасасида аралаш таълимнинг маъмурий тузилмаси ташкилий ва методик ўзаро муносабатлар асосидаги схематик кўриниши 2.1.1- расмда тавирланган.



2.1.1-расм. Электрон таълим ресурсини маъмурий қўллаб-қувватлаш компонентлари

Талабаларни аралаш таълим тизими шароитида ўқитишда етакчи ўқитувчи фаолиятининг ўзига хослиги таълим берувчи учун танланган ролга боғлиқ равишда ўзгариши мумкин, 2.1.1-жадвалда унинг типик намунаси келтириб ўтилган. Унда ўқитувчининг аралаш таълим шароитидаги функционал ўзига хос вазифаси кўрсатилган.

2.1.1-жадвал

Аралаш таълимда ўқитувчининг роли

Ўқитувчи-нинг роли	Вазифаларининг хусусиятлари
Ўқитувчи-маслаҳатчи	- ўқув материалнинг анъанавий тарзда тақдим этилмаслиги; - ўқитувчининг маслаҳатини таълим беришга тенглаштириш; - талабаларга анъанавий ва масофий шаклда маслаҳат бериш; - аниқ амалий-ўқув масалаларни ечишга эътибор қаратиш; - «талабаларга қандай ўқишни ўргатиш».
Ўқитувчи-модератор	- талабанинг ички имкониятларини очиб беришга қаратилган ҳаракатлар; - гуруҳда эркин муҳокамааларни ташкил этиш, ўзар фикр алмашиш; - талабаларни фаолиятини фаоллаштиришга ундаш; - талабалар гуруҳларида «дўстона ҳамкорлик» муносабат муҳитини яратиш;
Ўқитувчи-тьютор	талабаларни педагогик қўллаб-қувватлаш; - ўқишга мотивацияни ривожлантириш ва ютуқларни қайд этиш; - талабага ўқув жараёнидан максимал даражада эришиши учун ёрдам бериш; - талабалар билан қайтар алоқалар ва маслаҳат беришни қўллаб-қувватлаш.

Шундай қилиб, аралаш таълим шароитида талабаларни ўқитишда ўқув жараёнида максимал даражада самарадорлигига эришиш учун профессор-ўқитувчилар жамоаси маъмурий тартибга бўйсунуш ва ўқув жараёни йўналишини ўзлари белгилашари зарур.

Муайян кийинчиликларга қарамай, мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг аксарияти электрон таълим манбаларини жорий этишни қўллаб-қувватлайди ва уларни ўқув жараёнида нисбатан изчи жадал равишда қўлламоқдалар. Хусусан, Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида ўтказилган ижтимоий сўровнома натижаларига кўра, сўровномада иштирок этган профессор-ўқитувчиларнинг 70 фоиздан кўпроғи ўқув жараёнида ҳар хил турдаги электрон таълим ресурсларидан фойдаланишнинг ўта зарурлигини эътироф этишди, респондентларнинг тахминан 40% ўқитувчилар бундай технологияларнинг жорий этилишини талабаларнинг мустақил ишлашга интилишининг ортиши билан боғлашади, респондентларнинг тахминан 60% иштирокчилар эса электрон таълим ресурсларидан фойдаланишни маъқуллади ва уларнинг фикрича, бу таълим жараёнининг самарадорлигини сезиларли даражада оширади. Чирчиқ давлат педагогика институти профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда олиб борилган қўшма тадқиқот лойиҳаси асосида талабаларнинг электрон таълим ресурсига бўлган муносабати аниқланди. Мониторинг шуни кўрсатдики, респондентларнинг аксарияти он-лайн дарсларни ва ўқитувчи билан анъанавий ўзаро мулоқотларни бирлаштирган аралаш таълим технологиясини афзал кўришади. Сўровномада иштирок этган талабаларнинг тахминан 56% электрон технологияларга ижобий муносабатда бўлиб, уларнинг ёрдами билан олий маълумот олишга тайёрлигини билдиришди. Талабаларнинг 60% дан ортиғи ўзлари таълим олаётган олий таълим муассасаларида дастурий таъминот ва барча турдаги электрон ресурсларнинг мавжудлигини тасдиқладилар.

Европа олий таълим муассасалари ассоциацияси («Европа олий таълим муассасасида электрон таълим») лойиҳасини амалга ошириш натижасида олинган дунё статистик маълумотлари электрон ўқитиш усулларида фойдаланишнинг стратегик аҳамияти тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради. Европанинг рейтинги энг

баланд бўлган олий таълим муассасалари жамоасининг тахминан учдан икки қисми талабаларни ўқитиш жараёнида электрон таълим ресурсларидан фаол фойдаланади.

Олий таълим муассасаларида электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш муаммосини ҳам ўрганган Американинг «The Sloan Consortium» мутахассислари АҚШда таҳсил олаётган талабаларнинг қарийб 60% аралаш таълимни жорий этилишини қўллаб-қувватламоқдалар ва буни анъанавий кундузги таълимга қараганда анча самарали метод ҳисоблашмоқда.

Австралия таълим департаменти томонидан эълон қилинган статистик ҳисоботларга кўра, мамлакат ички меҳнат бозорида, биринчи навбатда, аралаш таълим тизими орқали жорий этилган дастурлар бўйича таълим олган битирувчиларга каттақизиқиш билдиришган. Иш берувчилар олий таълим муассасасида ўқиш давомида нафақат ахборот ресурслари билан ишлашни ўрганган, балки ўзининг фаолиятини мустақил режалаштириш бўйича амалий қобилиятга эга ходимларни талаб этади. Австралия олий таълим муассасасилари профессор-ўқитувчиларининг аксарият вакиллари «оммавий ахборот соҳаси янги билим олишнинг калитидир» деган фикрга содиқ қолишади. Австралия сингари, олий маълумот соҳасидаги ахборотлаштириш жараёнларини амалга оширишда етакчилик қилаётган мамлакатлардан бири бу – Хитой халқ републикаси. Бу мамлакатда аралаш таълим соҳасида сифат ва миқдорий жиҳатдан тобора сезиларли ютуқларга эришмоқда.

Умуман, глобал жаҳон тадқиқотлари натижаларини ўрганиш ва тавсифлаш, кўплаб хорий мамлакатларнинг олий таълим муассасаларининг аксариятида электрон таълим элементларини жорий этиш учун бир-бирига ўхшаш мотивлар ва рағбатлантириш мавжуд, деган хулоса чиқариш мумкин. Аввало, бундай мотивлар ва рағбатлантиришлар орасида аудиория вақтидан фойдаланиш самарадорлигини максимал даражада ошириш ва ўқув жараёнининг мослашувчанлигини таъминлаш масаласини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти профессор ўқитувчилари ва талабалари билан электрон таълим ресурсларини татбиқ этиш ва улардан фойдаланиш даражасини аниқлаш бўйича эмпирик психологик-педагогик тадқиқот усулларида бири

бўлган анкета сўровнома методикаси ёрдамида ўтказилди. Айни методикадан фойдаланиш педагогик фактлар, ходисалар ва жараёнлар ҳақидаги маълумотларнинг объективлигини оширишга имкон берди, чунки бу анкета сўровнома жуда кўп сондаги респондентлар иштирок этишди ва улардан кўплаб фикр-маълумот олиш имкони туғилди. Бундан ташқари, анкета усули кўпинча таълим тизимларининг ижобий ва салбий хусусиятларини ўз вақтида аниқлашга имкон беради ҳамда таълим сифатини назорат қилиш тизимларини лойиҳалашва амалга оширишда самарали воситалардан бири сифатида эътироф этилади.

Шундай қилиб, олий таълим муассасаси талабалари ва профессор-ўқитувчиларининг аралаш таълимни жорий этишда анъанавий кундузги ва электрон таълим шакллариининг мақбул нисбати тўғрисидаги оммавий субъектив тахминлари электрон таълим ресурслари жорий этилишининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида баъзи хулосалар чиқариш имконини беради.

Сўронома икки хил усулда тузилди, биринчи усулда таклиф этилган жавоб вариантлари такдим этилди, иккинчи вариантда эса сўровномада иштирок этувчиларнинг ўзлари жавоб вариантлари ва таклифларини такдим этиш имконияти берилди. Шунингдек, саволнома аралаш ҳолда ҳам такдим этилди. Ушбу тадқиқот доирасида ТВЧДПИ да электрон таълим технологияси асосан сиртқи бўлим педагогик психология йўналишида таҳсил олаётган жами 482 талаба ва шу олий таълим муассасасида фаолият кўрсатаётган 42 ўқитувчиси ўртасида доимий сўровлар ўтказилди.

Профессор-ўқитувчилар(ассистентлар, катта ўқитувчилар, доцентлар, профессорлар) билан ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, иштирок этган профессор-ўқитувчиларнинг 22 % олий таълим муассасаси ўқув жараёнига электрон таълим технологияси ва моделларини жорий этиш ғоясини қўллаб-қувватлайди. Талабалар ўртасида ўтказилган сўравнома асосида электрон таълимни қўллаб қувватловчилар сони профессор-ўқитувчиларникига нисбатан кўпроқ, яъни уларга 36 % талабалар олий таълим муассасаси ўқув жараёнига электрон таълим технологияси ва моделларини жорий этиш фикрини маъқуллайдилар. Сўровномада иштирок этган талабаларнинг 41,5% электрон таълим жараёнида ўқитувчилар билан ўзаро муносабатлари анъанавий ва электрон таълим шакл-

ларида тахминан тенг қисмини кузатиш вариантига овоз беришди. Респондентларнинг яна 31 фоизи жами 30/50 ва 50/30 нисбатларини танладилар.

Шу асосида ўтказилган кейинги сўровнома ўқитувчилар ва талабаларнинг аралаш таълим технологияларини таълим жараёнига жорий этиш, анъанавий ва аралаш таълим технологияси қандай нисбатда қўлланиганида оптимал натижа бериши мумкинлиги хусусида бўлди.

Ушбу саволга респондентлар томонидан берилган жавобларнинг график таҳлили 2.1.2-расмда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиб хулоса қилиш мумкинлиги, ўқитувчиларнинг аксарияти таълим жараёнида анъанавий ва аралаш таълим технологиясининг оқилона нисбатидан фойдаланишга мойил. Сўровномада иштирок этган 42 кишидан атиги 2 киши (4,8%) машғулот форматларидан бирини бошқасининг ҳисобига камайтиришга мойил.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, педагогик жамоа вакиллариининг «Талабалар учун анъанавий ва аралаш таълим технологиясининг оптимал нисбати сизнинг-ча қандай бўлиш лозим, деган саволга улар турли жавоб вариантларини таклиф этишди (2.1.2-расм).

Анъанавий (кундузги) таълим	10%	→	(12 %, 5 нафар)	90%	Аралаш таълим технологияси
	20%	→	(12%, 5 нафар)	80%	
	30%	→	(17 %, 7 нафар)	70%	
	40%	→	(22 %, 9 нафар)	60%	
	50%	→	(31 %, 13 нафар)	50%	
	60%	→	(5 %, 2 нафар)	40%	
	70%	→	(2,4 %, 1 нафар)	30%	
	80%	→	(0 %)	20%	
	90%	→	(0 %)	10%	

2.1.2-расм. Анъанавий ва аралаш таълим технологиясининг оптимал нисбати (Ўқитувчилар фикри асосида)

Ўқитувчиларнинг аксарияти аралаш таълим форматида тахминан тенг нисбатда овоз беришди. Аммо овоз беришдаги умумий тенденциясини таҳлил қилсак, у ҳолда аралаш таълимни максимал

даражада ошириш учун берилган овозлар улушининг ўсиш тенденциясини кўришимиз мумкин.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Педагогика ва психология таълим йўналишларида тахсил олаётган 482 нафар талабалар (1-4 йиллик бакалаврият ва 1-2 йил магистрлар) билан ўтказилган сўровномани таҳлил қилишқуйидаги асосий натижаларни кўрсатди:

- 41,5% талабалар аралаш таълим жараёнида электрон таълим ресурсларидан фойдаланишганда ҳеч қандай қийинчиликларга дуч келмадилар, 10,6% - серверларнинг ишламай қолишидан норози, 19,1% - баҳолаш тизимидаги ноаниқлигидан шикоят қилади ва уни модернизациялаш зарурлиги тўғрисида таклифлар беради, 11,3% - масофавий таълим муҳитда ўқув жараёни учун зарур бўлган ўқув материалларини топа олмаслигини айтишди.

Талабаларга сизнингча, анъанавий ва аралаш таълим технологиясининг оптимал нисбати қандай бўлиш лозим, деган саволга респондентлар томонидан берилган жавобларнинг график таҳлили 2.1.3-расмда келтирилган.

Анъанавий (кундузги) таълим	Аралаш таълим технологияси		
	10%	20%	30%
10%	→ (12 %, 38 нафар)	→ (8 %, 26 нафар)	→ (18 %, 59 нафар)
20%	→ (46 %, 148 нафар)	→ (10 %, 32 нафар)	→ (6,5 %, 21 нафар)
30%	→ (38,5 %, 124 нафар)	→ (4 %, 12 нафар)	→ (3 %, 9 нафар)
40%	→	→	→
50%	→	→	→
60%	→	→	→
70%	→	→	→
80%	→	→	→
90%	→	→	→

2.1.3.-расм. Анъанавий ва аралаш таълим технологиясининг оптимал нисбати (Сиртки талабалар фикри асосида)

Бундан ташқари, 499 респондентдан 38 киши деярли аралаш таълим шаклига ўтиши мумкинлигини, агар бундай имконият уларга берилса, ўқитувчилар билан анъанавий мулоқот форматининг атиги 12 фоизини қолдиришини эътироф этишди. Бундай фикр кўпроқ сиртки бўлимда таълимолувчиларга тегишли бўл-

сада, кундузги бўлим талабалари билдирган фикрлардан деярли фарқ қилмайди. Бинобарин, респондентларнинг аксарияти аралаш таълим технологияси асосида ўқитишда анъанавий ва аралаш таълим шакллари нисбатининг ҳар вариантларини таклиф этишди.

2.1.3-жадвал

Ўқитувчи ва талабалар билан ўтказилган сўровнома натижаларининг қиёсий таҳлили

Нисбат	Ушбу вариантни танлаган талабалар сони, %	Ушбу вариантни танлаган ўқитувчилар сони, %
90% - анъанавий, 10% - аралаш	12	12,00
80% - анъанавий, 20% - аралаш	8	12,00
70% - анъанавий, 30% - аралаш	18	17,00
60% - анъанавий, 40% - аралаш	38,5	22,00
50% - анъанавий, 50% - аралаш	46	31,00
40% - анъанавий, 60% - аралаш	10	5,00
30% - анъанавий, 70% - аралаш	6,5	2,4
20% - анъанавий, 80% - аралаш	4	0
10% - анъанавий, 90% - аралаш	3	0

Шундай қилиб, маҳаллий ва жаҳон тадқиқотчилари томонидан олинган мавжуд статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижа-сида ўқитувчиларнинг аксарият қисми олий ўқув юртларида электрон таълим ресурсларидан фойдаланишга қизиқишлари аниқлан-ди. Олий таълим муассасасилар маъмурияти ва талабаларнинг аксарияти электрон таълим ресурсларидан фойдаланишга ижобий муносабатда. Аралаш таълимни талабаларнинг ўқув жараёни-га жорий этиш мотивлари ўрганилган кўпчилик ўқув юртларида нисбатан ўхшашдир: дарс вақтидан фойдаланиш самарадорлигини максимал даражада ошириш ва ўқув жараёнининг мослашувчан-лиги, шунингдек талабаларнинг мустақил ишлашга бўлган инти-лишини ошириш.

Таълим муассасасидаги АКТ муҳитида ўқитувчи нафақат тайёр электрон таълим ресурс (ЭТР) ларидан фойдаланиш, балки соҳада компетентли бўлиши учун ўқитишда ўзининг услубий ёндашувларини амалга ошириш мақсадида аралаш таълим тизимида қўлланадиган электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқиши, ривожлантириши ва амалда қўллашни ҳам билиши зарур. Аралаш таълимдаги мазкур компетенциялар ОТМ ларида фаолият юритаётган ўқитувчилар ва таълим олаётган талабалар учун бир хилда: АКТни билиш, аралаш дарсни (анъанавий,масофавий,интернет) лойиҳалаштириш, масофавий таълим платформасидан самарали фойдалани олиш, аралаш таълимда ўқитиш методикаси (интерпретация, га) янгича ёндашиш ҳамда аралаш таълимда ишлашга тайёргарлик кўникмаси кабиларда намоён бўлади.

Талабаларни ЭТРларни ишлаб чиқишга ўргатиш жараёни босқичма-босқич(амалий ва инструментал дастурий таъминот ёрдамида ЭТРни лойиҳалаш, ишлаб чиқиш ва ЭТР дан фойдаланиш усулини ишлаб чиқиш)амалга оширилади ва уларни ишлаб чиқиш назарияси ва амалиётини ўзлаштиришни ўз ичига олади. Бу эса уларни аралаш таълим шароитида ишлашга тайёргарлигини оширишга, энг муҳими, аралаш таълим шароитида уларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилади.

Олий таълим муассасасаларида ЭТРни ишлаб чиқиш ва жорий этиш ишларида талабаларнинг ўзлари ҳам иштирокчига айланишлари керак ва бунинг учун уларни лойиҳалаш фаолиятига жалб қилиш мақсадга мувофиқ (ўқув лойиҳалари усули).

ЭТРни ишлаб чиқиш бўйича талабалар ахборот лойиҳалари ишлаб чиқиладиган мавзусига оид маълумотларни, шу жумладан, Интернетда ёки тармоқ электрон ахборот элтувчи воситалар (дисклар)да тақдим этилган маълумотларни тўплаш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун тренинг ташкил қилиш мақсадида икки турдаги лойиҳани кўриб чиқиш мумкин. Талабалар ҳар доим ҳам тўлиқ ва ишончли бўлмаган улкан маълумотлар билан ишлашга ва буни уйдлашга, уларни таҳлил қилиш, танлаш, тизимлаштириш, электрон ахборот ресурслари, шу жумладан Интернет билан ишлаш методологиясини ўзлаштиришни ўрганадилар.

Амалиётга йўналтирилган лойиҳа маълум мавзу ёки ўқув фанининг бўлими бўйича яқунланган ЭТР шаклида бўлиб,фаолия-

тинг амалий натижасини, айти ЭТРдан ўқув жараёнида фойдаланиш тавсифи берилган дарс конспекти шаклида уни амалиётга татбиқ этиш йўлларини белгилашни назарда тутати. Ушбу лойиҳа устида ишлаш талабанинг ишлаб чиқиладиган ЭТР турини ва ундан ўқув жараёнида фойдаланиш мақсадини мустақил равишда белгилашни, ЭТР ишлаб чиқиши учун энг мақбул дастурий таъминотни танлаш, яратиладиган ЭТР нинг тузулмавий элементлари ўзаро таъсирининг тузимаси ва сценарийсини ишлаб чиқиш ва шу асосда ўқув материални танлаб, уни ЭТРга яқунлаш учун тайёрлашни назарда тутати.

Ушбу лойиҳа талабалар томонидан алоҳида ёки гуруҳ бўлиб амалга оширилиши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам иш самарадорлигини таъминлаш учун ташкилий масалаларга алоҳида эътибор қаратилади. Яъни, ҳар бир иштирокчининг функциялари ва якуний маҳсулотни ишлаб чиқиш ҳамда лойиҳалаш бўйича умумий ишларга индивидуал қўшган ҳиссасини аниқлаш керак. Лойиҳани амалга оширишда иштирокчиларнинг ишларини мувофиқлаштириш, ЭТРни ишлаб чиқишнинг ҳар бир босқичида олинган натижаларни муҳокама қилиш ва мувофиқлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, лойиҳада ишлаш босқичлари ЭТРни ишлаб чиқиш бўйича фаолият босқичларини ўз ичига олиши керак.

ЭТРни ишлаб чиқишнинг асосий босқичлари қуйидагиларни ўз ичига олади [2]:

2.1.4-жадвал

Электрон таълимни ишлаб чиқишнинг асосий босқичлари



Лойиҳа мавзусини ишлаб чиқиш. Ушбу босқичда ЭТР қандай тартибда ва тузилишда ишлаб чиқилиши, лойиҳанинг мақсад ва вазифалари (ишлаб чиқиладиган ЭТР тури, ўқитувчи томонидан танлаган таълим технологиясида ЭТРнинг ўрни, унинг методик функциялари ва бошқалар) аниқланади. Шунингдек, ЭТРни ишлаб чиқиш босқичлари, ҳар бир босқич ва умуман лойиҳанинг вақти, шунингдек босқичларнинг режалаштирилган натижалари белгилаб кўйилади.

Моделлаштириш. Ушбу босқичда талабалар, ўзларича, энг мақбул, амалий ёки инструментал ҳисоблаган дастурий таъминотни танлайдилар, улардан фойдаланиб, режалаштирилган ЭТРни ишлаб чиқишлари ёки ЭТР сценарийларини яратишлари мумкин. Шунингдек, ушбу босқичда талабалар турли хил ўқув ахборот манбаларига мурожаат қилишади, ЭТР таркибига киритиш учун топган ўқув материалларидан зарур маълумотларни танлаб, тизимлаштиради, қайта ишлайди.

Жорий этиш. Танланган дастурий таъминот ёрдамида ЭТР бевосита ишлаб чиқилади, танланган мазмун компьютер ёрдамида қайта ишланади ва ўзаро алоқалар сценарийси асосида жорий этилади. Ушбу босқичда талабалар ЭТР расмийлаштирадилар, уни синовдан ўтказадилар. Таълим жараёнида ЭОРдан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқилади.

Республика таълими ривожланишнинг ҳозирги босқичига глобал ахборотлаштириш ва компьютерлаштиришга асосланган глобал тенденциялар билан боғлиқ ўзгаришлар таъсир кўрсатмоқда. Таълим жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологиялар имкониятларидан фойдаланишни бугунги кунда барча таълим ташкилотлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси олий таълим вазирлигига тегишли барча таълим муассасаларининг фаолиятига хос хусусиятдир. Бугунги кунда олий таълим муассасалари талабаларини кенг қамровли ўқув методик ишлар билан таъминлаш, улар учун самарали таълим платформасини яратишда техник ва технологик ресурсларга эга.

Таълим ташкилотлари олдида нафақат ўзгаришларни башорат қилиш, балки ўзларининг рақобатбардошликдаги устунлигини таъминлаш учун янгиликларни жорий этишни ўрганиш вазифаси турибди. Юқорида айтиб ўтилганларни ҳисобга олганда, электрон

таълим ресурслари (ЭТР)ни олий таълим муассасаларида жорий этиш эҳтиёж ва талабга айланмоқда, шу боис уларсиз ўқув жараёнини самарали қуриш ва таълим имкониятларини оширишнинг имкони йўқ.

Ўқитиш амалиётида “электрон таълим ресурси” тушунчасини аниқлашда иккита асосий йўналиш мавжуд. Биринчи йўналиш таълим ресурслари электрон шаклдаги ўқув материаллари, компьютер ёрдамида кўпайтирилган ҳар қандай ахборот маҳсулотини электрон таълим ресурсларисифатида қабул қилишади. Иккинчи ёндашувда ЭТРни мажмуавий мураккаб ҳодиса, яъни компьютер тармоғида тақдим этилган тематик тузилган ўқув материаллари тўплами сифатида қарайди. Бинобарин, ЭТР деганда, компьютер технологиялари ёрдамида тақдим этилган (матнлар, график тасвирлар, аудио, видео ва бошқалар) ўқув материалларининг бутун тизими тушунилади, маълум илмий соҳага оид йўналтирилган билимлар ва амалий кўникмаларни шакллантириш назарда тутилади.

ЭТРнинг афзалликлари таҳлили асосида, шуни таъкидлаш жоизки, улар талабаларнинг ўқув материалларини ҳар томонлама ўзлаштиришига йўналтирилади, яъни талабаларнинг маълумот олишдан ташқари, ЭТР машғулотларда ўзлаштирилган билим ва кўникмаларини амалий қўллаш ва эришган натижаларини назорат қилиш имкониятлари аниқланади. ЭТРдан фойдаланишда нафақат ўқитувчининг талабалар билан ҳамкорликдаги фаолияти, балки талабаларнинг мустақил ишлаши ҳам назарда тутилади. Шундай қилиб, ўқув жараёнининг фаол шакллари қанчалик кенг қўлланилса, талабанинг субъектив позицияси ҳам шунчалик кўп шаклланади.

ЭТРнинг муҳим инновацион сифатларидан бири бу – унинг маънавиядан ўқитишни амалга ошириш имкониятини таъминлашидир, чунки ўқув жараёни мазмунини шакллантиришда ўзининг мажмуавийлиги ва тизимлилиги туфайли унинг тўлақонлигини таъминлайди. Электрон таълим мазмунини шакллантирадиган замонавий ўқитувчилар ўқитиш мазмуни, методлари ва технологияларига оид таълимий ва ахборот ёндашувларни интеграциялайдиган инновацион ахборот-таълим платформасининг муаллифлари ҳисобланади.

Ўқитишда ЭТРларидан фойдаланиш таълим сифатини оширади ва ўқув жараёнини бойитиб, вақтдан янада самарали фойдаланиш ҳамда ўқув материалларини тақдим этишда катта имкониятлар

Аралаш таълим шароитида қўлланиладиган электрон таълим ресурслари турлари

Электрон таълим ресурслари турлари	Хусусияти
Электрон ўқув курси (ЭЎК)	Турли ўқув фанлари(уларбир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиши мумкин) бўйича бир нечта ўқитиш тизимларини ўз ичига олган электрон ўқув нашри. Талаба таклиф этилган ҳар қандай фан (мавзулар)дан бирини ўрганиши мумкин (қайси предметларни ўрганиш кераклигини унингўзи ёки ўқитувчи ҳал этади). Адаптив, масофавий ва гипермедияли ўқув курслари мавжуд.
Масофавий курс	Тармоқ орқали масофадан ишлашни қўллаб-қувватловчи ўқитиш тизими: таълим олувчи ўзинингкомпьютерида мустақил шуғулланади, ўқитувчи эса унинг фаолиятини назорат қилади, бунда ўқув материаллари, тестлар, топшириқлар ва ўқитиш натижалари таълим муассасаси серверида сақланади.
Электрон ўқитиш тизими (ЭЎС) -	Интерактив режимда ишлайдиган инсон-машина комплекси ва билиш фаолиятини назорат қилиш учун мўлжалланган. Бинобарин, ўқитиш тизими - электрон дарслик тушунчасидан кенгроқ маънога эга. Ўргатиш деганда нафақат назарий материалларни ўқиш, балки уларнинг амалиётга йўналтирилган бўлиши, олинган билим, кўникма ва малакаларни назорат қилиш воситалари (назорат тизими ва машқлар дастур) мавжуд бўлиши керак.
Қоғоз нашрлари ва ахборот материалларини электрон шаклда тақдим этиш (ЭАМ) - ЎЭА	Улар босиб чиқарилганда маълумотлар йўқотилмайди ва типографик усулда нашр этилган босма аналогга эга эмас
Электрон ўқув қўлланма (ЭЎК)	Ўқув курсининг энг муҳим бўлимларни ўз ичига олган, шунингдек, масалалар тўплами, маълумотномалар,энциклопедиялар, хариталар, атласлар, амалиётни ташкил этиш ва ўтказиш, курс иши ва битирув малакавий иши бўйича кўрсатмалар, лойиҳаларни ўз ичига олган электрон ўқув нашридир. У ҳуқумат идораси томонидан тасдиқланган расмий мақомига эга.
Электрон тренажёр (ЭТ)	Ўрганилаётган объектлар ёки жараён хусусиятларини бошқариладиган режимда математик моделларига асосланган ҳолда таҳлил қилишга имкон берувчи, дидактик интерфейс билан таъминланган компьютер тизими.
Амалий тайёрлов воситалари (АТВ)	Кўникмалар ва қобилиятларни шакллантириш учун мўлжалланган компьютер дастурлари.

яратади, бу эса, ўз навбатида, талабаларнинг ўқув материалларини ўрганиш қобилиятига, фаоллиги ва ўзлаштириш тезлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Таълимни ахборотлаштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида ЭТР талабаларни ўқитишнинг назарий ва амалий жиҳатларининг оптимал комбинациясини таъминлайди, шунингдек назорат ва ўзини ўзи назорат қилишни ташкил қилиш имкониятларини кенгайтиради, уларнинг келгусидаги касбий фаолиятига қизиқишини оширади. Шу билан бирга, ЭТР ларидан фойдаланиш талабаларда ўзларининг ўқув фаолиятини режалаштириш, ташкил этиш, баҳолаш ва тузатиш каби кўникмаларни ривожлантиради.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, айтиш мумкинки, ўқитиш сифатини ошириш ва таълимни модернизациялаш воситаси сифатида ЭТРларидан таълим жараёнида самарали фойдаланиш талабаларнинг интеллектуал ривожланишига, мустақил таълим олишга, шунингдек, уларнинг ижодий фикрлашини ривожлантиришга ва зарур билим, кўникма, малака ва ко кўникмаларни жадал суръатлар билан ўзлаштиришларига ёрдам беради.

Электрон таълим ресурслари(ЭТР)данфойдаланиш талабаларга интерактив моделлардан фойдаланмасдан ўрганиб бўлмайдиган жараёнлар ва ходисаларни батафсилроқ ўрганишга имкон беради. Электрон таълим ресурслари– бу дастурий воситалар тўплами, ахборот, техник, меъёрий ва услубий материаллар, электрон нашрлар, аудио ва видео, иллюстратив материаллар ва Интернетдаги кутубхоналарнинг каталоглари.

2.1.5-жадвалда олий таълим муассасаларида яратилиши ва аралаш таълим шароитида қўлланиши мумкин бўлган ЭТР турлари келтирилган.

Тестлар тўплами (ТТ)	Талабалар билимини назорат қилиш учун мўлжалланган тестлар, натижаларни статистик қайта ишлаш воситаларини ўз ичига олади.
Электрон дарслик (ЭТ)	Электрон ўқув нашри бўлиб, унда курс ёки унинг бўлими тизимли баён этилади. Тегишли тақилотлари томонидан дарслик сифатида расмий тасдиқланади.
Электрон масалалар тўплами (ЭМТ)	Талабаларнинг амалий кўникмаларини эгаллашлари учун мўлжалланган компьютер дастури. Фаолиятни амалга ошириш механизми масалаларни ечишдан иборат. Бундаўргатувчи машгулотларнинг асосий қисми – машқлардан иборат бўлади.
Такдимот(намойиш этиш), слайд-конспект (Т)	Талабаларнинг мустақил таълим олиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, аудитория машгулотларини ташкил этиш учун ишлаб чиқилган маърузалар, семинарлар ва бошқаларнинг ўқув материаллари
Видео маъруза (ВМ)	Интерактив бўлмаган видео кўринишида такдим этилган ўқув материалнинг бир тури: бу суратга олинган диаграммалар, жадваллар, фотосуратлар ва видеоклиплар билан тўлдирилган лентадаги қисқартирилган маъруза ҳамда маърузада такдим этилган материални тасвирлаш
Эксперт тизими (ЭТ)	Маълум бир ўқув материаллари базасига асосланган билимларни аниқловчи компьютер тизими.
Электрон луғат (ЭЛ)	Махсус кодланган компьютердаги маълумотлар базаси бўлиб, морфологик ҳолатни ҳисобга олган ҳолда керакли сўзларни тез топишга имкон берувчи луғат ёзувлари, шакллари ва сўз бирикмаларини қидириш имконини яратувчи, шунингдек ўзгартириш имконига эга бўлган таржима йўналишларидир.
Электрон маълумотнома (ЭСП) -	гиперматн асосига қурилган маълумотлар базаси.
Электрон энциклопедия(ЭЭ)	мултимедиа технологиясига асосланган овозли интерактив режимга эга бўлган энциклопедия.
Ахборот-излаш тизими (АИТ)	Ахборот тизими (маълумотлар базалари ва барча ахборот ресурслари тўплами)дан ҳужжатларни қидириш учун мўлжалланган массивлар.

Таълим жараёни доирасида ЭТР ларни электрон ўқув курсига бирлаштирилиши мумкин - бу ўқитувчилар томонидан тузилган тематик жиҳатдан яқунланган ўқув материали бўлиб, Интернет ёки электрон ахборот воситалари орқали талабаларга такдим этилади. Электрон ўқув курси мултимедиа материалининг иллюстрацион имкониятлари билан мустақил ишлашга мўлжалланади. ЭТР одатдаги ўқув курсга мос келади ва муайян мавзу бўйича олинган билимларни назорат қилиш учун мустақил ўрганиш

ва тест топшириқлари учун зарур бўлган барча материалларни ўз ичига олади.

Олий таълим муассасаларида ўқув-методик таъминотни (ЎМТ) электрон шаклда тайёрлаш профессор-ўқитувчилар жамоасининг ўқув-методик ишларининг асосий турларидан биридир. Педагогика ва психология таълим йўналиши бўйича ўқув дастури мазмунини кўриб чиқиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, ДТС га биноан, ушбу йўналиш бўйича бакалавр куйидаги умумий педагогик компетенцияларни эгаллашлари керак:

- педагогик компетентлик компоненталарини шакллантириш учун педагогик ва ижтимоий-фалсафий билим асосларидан фойдаланиш;
- ахборот билан ишлашнинг такомиллашиб боровчи мобиллашган тизимига ҳамроҳанг бўлиш;
- педагогик билим асосларидан фаолиятнинг турли соҳаларида фойдаланиш;
- ўқув фанлари синергетикасини таъминлаш;
- фаолиятнинг турли соҳаларида ҳуқуқий билим асосларидан фойдаланиш;
- самарали педагогик фаолиятни ташкил этиш ва ўз-ўзини ривожлантириш;
- тўлақонли педагогик фаолиятни таъминлаш учун таълимдаги замонавий ёндашувлар, педагогик метод ва воситаларидан фойдаланиш;
- ўқув муҳитини таъминлашнинг психологик-педагогик жиҳатлари (талабаларнинг таълим вақтлари, имкониятлари ва ҳ.к.)ни пухта ўрганиш;
- педагогилар мавқеини ҳимоя қилишнинг асосий усулларидан фойдаланишга тайёргарлик.

Олий таълим муассасаларида аралаш таълим шароитида ахборот технологиялари ва ЭТР ёрдамида ўқув курсларини самарали режалаштириш, ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш учун шарт-шароитларни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. АКТ ва ЭТР ёрдамида ўқув курсини амалга ошириш учун куйидаги шарт-шароитлар таъминланиши керак:

- ўқитиш воситалари (моддий ва ахборот)ни қўллаш учун замонавий шарт-шароитларнинг мавжудлиги;

- ўқитувчи ва талабаларда АКТ-комптентликнинг шаклланганлиги;

Юқоридаги шарт-шароитлар мавжуд бўлганда, ўқитувчи ахборот-коммуникация технологиялари ва ЭТРлардан фойдаланган ҳолда ўқув курсини ишлаб чиқади ва талабаларларни АКТларидан фойдаланиш методикаси билан таништиради.

Аралаш таълим шароитида талабаларни ЭТР билан ишлаш тартиб-қоидаси билан босқичма-босқич таништириш муҳимдир. Масалан, дарс бошида ЭТР ёрдамида ўқитиш вазифасини шакллантириш учун компьютерда кичик тақдимот ёки видеоролик ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Кейинги босқичда янги маълумотларни ўз билимлари билан ўзаро боғлаш, янги семантик ва мантикий алоқаларни ўрнатиш керак.

Замонавий олий таълим муассасаларда ўқув ва илмий тадқиқот мақсадларида талабаларнинг Интернет-фаоллигига катта эътибор берилади. Талабаларнинг интерактив веб-ресурслар билан ишлашга бўлган қизиқишлари кўллаб-қувватланади ва АКТдан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига киришиш учун шарт-шароитлар яратилади. Бунда ўқитувчилар ва талабалар бир нечта тизимларнинг онлайн имкониятларидан фойдаланадилар:

- электрон таълим ресурслари;
- ижтимоий тармоқларда тематик гуруҳларни яратиш;
- семестр давомида талабаларни баҳолашнинг балл-рейтинг тизимининг электрон базаси.

Шундай қилиб, электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш ўқув машғулотлари турларини кўпайтириш, уларни янада қизиқарли, мазмунли ва талабалар учун фойдали қилиш имконини беради ҳамда аралаш таълим технологиясининг асосий компонентаси ҳисобланади.

2.2. Аралаш таълим шароитида электрон таълим ресурсларидан фойдаланишда «ахборот муҳити» моделини лойиҳалаш

Инсон жамиятининг глобал ахборот маконини шакллантириш нуқтаи назаридан, таълим олиш имкониятларини ривожлантиришнинг доимий, ажралмас шакллари сифатида тушуниладиган

таълим муҳити концепцияси муқаррар равишда ахборот тизимининг маъносини олади ҳамда мақсадга мувофиқлик, тезлик, самарадорлик, аниқ иш мулоҳазалари асосида ўз-ўзини ўрганиш кабилар унинг оптимал бошқарув жараёни бўлиб хизмат қилади. Ахбороттаълим муҳити (АТМ) замонавий инфорацион технологиялар асосида инсон шахсининг ўзгариши, таълим олишдаги ўқув фаолиятини ташкил етиш, шунингдек, таълим жараёнини алоҳида таълим муассасасида ёки рминтақавий тарзда амалга оширишда АТМни лойиҳалаш (моделлаштириш)етакчи ўрин эгаллайди.

Ахборот таълим муҳити (АТМ) информация кўлами юзасидан -материя, фазо ва вақт, ҳаракат ва бошқалар билан бирга дунёқараш категорияларидан бири сифатида ахборотни узатиш, тарқатиш, қайта ишлаш ва ўзгартириш жараёнлари ва қонунлари ҳақида, шунингдек ҳаётнинг энг муҳим шартларидан бири сифатида намоён бўлади. Ахборот таълим муҳитишахс дунёқарашининг ахборот цивилизацияси учун оламнинг ягона манзарасини англашга шароит яратувчи бир макон сифатида ҳаракат, кўп ўлчовли ахборотларнинг сўнги модели бўлиб, улар рамзлар, сигналлари, ахборот оқимлари ва муҳитлар кўринишида яратилади, узатилади ва фойдаланилади.

Умумий ахборот таълим муҳити компонентаси талқини (интерпретацияси) моҳиятан, ҳамкорликдаги ҳаракатлар, ўзаро келишувларнинг ўрнатилиши АТМнинг жонлантирилган субъектлари цивилизацияси тамойиллари ҳамда ахборот парадигмасининг асослари билан танишиш жиҳатлари билан алоҳида аҳамият касб этади. Шу муносабат билан АТМ қисқартмасини «ахборий-таълимий маълумотлар» эмас, балки «ахборот таълим муҳити» деб тушуниш зарур. Охириги терминологик варианты кўпинча АТМ нинг фақат техник асосини назарда тутати.

Таълимнинг кўп ўлчовли АТМни шакллантириш контекстида олий таълим муассасаларида педагогик жараённи технологиялаштириш, ахборот технологиялари (АТ)-ўқув материалларини етказишнинг технологик тизимлари ва қайта алоқани таъминлаш учун ишлатиладиган идеал воситалар, ахборотни узатиш ва унинг тарқатиш йўллари модернизациялашни кўзда тутати. АТМнинг ишлаши учун бир томондан, илмий жиҳатдан асосланган педагогик назариялар, психология, информология, информатика ва бошқаришнинг бошқа энг замонавий имкониятларидан фойда-

лаништехнологиялари [10], иккинчи томондан, педагогика олий-гоҳлари шароитида ахборот таълим муҳитининг асосий вазифаларини амалга оширишга қаратилган синергетик, интегратив, мувофиқлаштирувчи, ривожлантирувчи, касбий-йўналтирилган, умумий маданий, гуманистик ва бошқалар муҳим аҳамият касб этади.

Педагогикада «муҳит» тушунчасининг динамикасига эътибор қаратсак, XX асрнинг бошидан то охиригача бўлган даврларда муҳитни тушунишга бўлган ёндашувлар билан чекланамиз, XX асрнинг сўнгги йилларида эса жамиятдаги вазиятларнинг муайян ўхшашлиги билан боғлиқ. Бу маълум қарашлар, ғояларнинг бузилиши ва янги такомиллашиб бораётган даврда шахсий ривожланишнинг энг муҳим манбаларидан бири сифатида муҳит муаммосига алоҳида қизиқиш пайдо бўлганлиги билан изоҳланади.

Айниқса, бизнинг тадқиқотларимиз учун педагогика фанининг турли намояндалари томонидан муҳитнинг педагогик потенциаллари (имкониятлари), улардан фойдаланиш йўллари ҳамда мавжуд имкониятларнинг ўқув-тарбия муассасаларининг саъйи-ҳаракатлари билан уйғунлиги ҳақидаги ғоялар муҳим аҳамиятга эга.

Муҳитни тадқиқот объекти сифатида қаралган педагогик тадқиқотларда уни назарий ўрганишнинг бир қатор йўналишлари аниқлаштирилган. Буларга қуйидагилар киради: муҳитни ўрганишнинг педагогик жиҳатларини аниқлаш; муҳит элементларини аниқлаш (унинг тузилиши); муҳит хусусиятларини тавсифлаш; муҳитдан фойдаланиш стратегиясини ўрганиш, яратиш усуллари, муҳитнинг шахсга таъсирини аниқлаш (бу турли ижтимоий-педагогик шарт-шароитларга мос келадиган ижтимоий ва шахсий ҳолатлар нисбатини ҳисобга олиш имконини беради).

Педагогик тизимлар доирасида «муҳит» тушунчасининг 70 ва 80-йиллардаги етакчи тенденциялари 90-йилларга келиб янада мустақамланади. Таълимда сиёсатининг инсонпарварлик табиати, ижтимоий кадриятлар устуворлиги, инсон ҳаёти, саломатлиги, эркинлик, шахсий ўсиш тамойиллари очиб берилди. Жамиятнинг демократлашуви нафақат таълимнинг инсонпарварлик жиҳатларини балки, таълим жараёнида шахснинг ривожланишига шароит яратиш, комил инсонни тарбиялаш функциясини бажариш каби мослашувчанлик сифатларда намоён бўлади. Шундай қилиб, агар олдинги тадқиқотларда муҳитни таълим тизимининг ажрал-

мас қисми деб ҳисоблаган бўлса, яъни таълимнинг мослашувчан (адаптив) функцияси доирасида (инсонни жамиятда, ижтимоийлашувда турли ролларни бажаришга тайёрлаш) қўлланилган бўлса, замонавий педагогик ёндашувларда муҳитга таълимнинг ривожланиш функцияси (қобилиятларни ўстириш, ўзини ўзи ривожлантириш) сифатида қаралади.

Бундай ёндашув педагогикада: «таълим муҳити», «ривожланаётган таълим муҳити», «ижтимоий таълим муҳити», «адаптив таълим муҳити» каби тушунчалар даражасида ифодаланади. Бундай ҳолларда «муҳит» тушунчаси таълимга катталиқ жиҳатдан эмас, замонавий жамиятдаги роли ва аҳамияти тобора ортиб бораётганлиги билан ўзаро боғлиқ бўлиб, «муҳит» ва «таълим» тушунчаларининг ўзига хос ҳолда алоҳида талқинини зарурат сифатида белгилайди.

Таълимни индивидуаллаштириш эса, ҳар бир таълим олувчининг индивидуал режа ва таълим дастурларига эга эканлигини ифода этади.

Бу ёндашувнинг педагогик имкониятларини очиб бериш учун педагогикага оид: фалсафа, социология, психология, ижтимоий-тарихий антропология, ижтимоий психология каби фанларда «муҳит» тушунчасининг изоҳига тўхталиб ўтамиз.

Илмий конференциялар материалларда (1997-2000 йй.) «ахборот муҳити», «таълим муҳити», «ахбороттаълим муҳити», «таълимнинг ахборот муҳити» кабитушунчалар учрайди. Масалан, тадқиқотчилар Е. А. Ракитина ва В. Ю. Лысковаларнинг ишларида (1998-1999 й) «макон» ва «муҳит» атамалари яқин, аммо синоним тушунчалар эмас. Маконнинг энг умумий ғояси бир вақтнинг ўзида обектларни тартибли жойлаштириш (ўзаро алоқадор ҳолда жойлаштириш) билан боғлиқ.

Макон деганда, бу тадқиқотчилар муайян тарзда боғланган, инсонга таъсир қилиши мумкин бўлган шарт-шароитлар мажмуини назарда тутадилар. Бунда макон тушунчасининг маъноси инсоннинг ундаги фаолияти, қўшилиши, дахлдорлиги назарда тутилмаган ҳолда ундан мустақил равишда мавжуд бўлиши мумкин. Шунингдек, «муҳит» тушунчаси шахс ривожланишини таъминловчи шарт-шароитлар ўртасидаги муносабатларни ҳам акс эттиради. Бу ҳолда унинг муҳитдаги мавжудлиги, муҳитнинг субъект билан ўза-

ро таъсири башоратқилинади. Яъни, бу тушунчалар «таълим макони» ва «ахборот макони», «таълим муҳити», «ахборот муҳити» каби тушунчаларини тавсифлаш учун ҳам қўлланилади.



2.2.1-расм. Ахборот таълим муҳитининг педагогик имкониятлари

Адабиётларда (Россия Федерациясининг 1998 йил 10 июлда тасдиқланган таълим соҳасини ахборотлаштириш концепциясида) «Ахборот муҳити деганда, таълим тизимининг дастурлари ва воситалари, ахборот коммуникация тармоқлари, ташкилий-услубий элементлари ва турли фойдаланувчилар томонидан тушунилган ва қўлланилаётган предмет соҳаси ҳақидаги турли мақсадларда фойдаланиладиган амалий маълумотлар» тушинилиши келтирилади.

Ахборот муҳити концепцияси илк бор Ю. А. Шрейдер томонидан таклиф этилган бўлиб, у мазкур муҳитни нафақат ахборот узатувчи, балки иштирокчиларга таъсир кўрсатувчи фаол манба сифатида кўриб чиқади.

Ахборот таълим муҳити турли соҳаларда ўрганилган бўлсада, улардан асосий учтасини ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчидан, АТМ фаолият турларидан бири. Унда инсон мулоқот жараёнининг иштирокчиси сифатида қаралди, яъни асосан шахсий билимларни ахборот тарзда ўзгаларга узата олишини намоён қила олиш қо-

билияти ҳамда аксинча, олинган маълумотларни шахсий билимга айлантиришни назарда тутади.

Иккинчидан, тарихан шаклланган алоқа шакллари тизими сифатида қаралади.

Учинчидан, бутун жамият томонидан яратилган ахборот инфратузилмаси сифатида, жамиятнинг ривожланиш даражасига мос келадиган миқёсда алоқа фаолиятини амалга ошириш имконини берувчи: нашриётлар, кутубхоналар, ахборот марказлари, маълумотлар базаси, оммавий ахборот воситалари ва бошқалар киради.

Ахборот макони ахборот муҳити тушунчасидан фарқ қилади: бир хил ахборот майдонида бўлган шахс бир ахборот муҳитидан иккинчисига ўтиши мумкин. Масалан, касбини, севимли машғулотини ўзгартирганда, таълимнинг янги босқичига ўтиши мумкин. Бу ҳаракатларнинг барчаси бир хил ахборот макони доирасида амалга оширилади. Инсон бир вақтнинг ўзида турли ахборот муҳитида, масалан, институтнинг ахборот муҳитида, китобхоналарининг ахборот муҳитида (махсус адабиётлар, тегишли мулоқот ва тажриба ва бошқалар) ёки виртуал реалликнинг ахборот муҳитида (интернетдаги мулоқот, компьютер ўйинларида) бўлиши мумкин. Бу муҳитлар баъзан жуда тарқоқ ва турлича бўлса-да, улар шахс томонидан умумлашган билимлар сифатида қабул қилинади.

Ҳар қандай ахборот муҳитига хос бўлган хусусиятлардан бири шуки, у зарур маълумотлар, ахборотлар, гипотезалар, назариялар ва бошқаларни олиш имконини беради. Ахборотни қабул қилиш ва уни қайта ишлаш кўникмасини эса тарбиялаш, ишлаб чиқиш зарур бўлади. Ушбу кўникма таълим жараёнида шаклланади. Ю. А. Шрейдер буни шундай баён қилади: «Китоблардан кўп нарсаларни ўқиш мумкин, бироқ улар ўқиш кўникмасини юзага келтирмайди. Ахборот муҳити кўп билимларни сақлаши мумкин, бироқ ўзида ундан фойдаланиш кўникмасини сақламайди». Агар ахборот макони бутун инсоният фаолияти натижасида шакланса ва ўзгаришларга нисбатан етарлича консерватив бўлса, ахборот муҳити алоҳида инсонлар гуруҳи уринишлари натижасида яратилади. Тадқиқотчилар ўқув фаолияти ахборот муҳити қуйидагича шаклланишини қайд этадилар:

- педагог томонидан (у курс дастури мазмунини белгилайди, ўқув адабиётларини, таълим методлари, мулоқот услубини ва х.к. танлайди);

- ўқув муассасаси педагогик жамоаси томонидан (у таълим олувчиларга умумий талабларни, мазкур ўқув муассасасининг аъналарини, педагоглар ва ўқувчилар жамоаларининг ўзаро муносабатлари шаклини ва б. белгилайди);

- жамият институти сифатида давлат томонидан (у таълимнинг умумий моддий таъминотини, у ёки бу билимлар ва қарашлар тизимини шакллантириш учун ижтимоий буюртмани белгилайди).

Таълим муҳити - нисбатан торроқ тушунча. В. А. Козырев, И. К. Шалаев, А. А. Веряевларнинг фикрича, таълим муҳити деганда аниқ таълим муассасаси фаолияти тушунилади. Тадқиқотчилар таълим муҳити масаласига доир турлича ёндашувларни таҳлил қилган ҳолда ўқув муассасасининг аниқ муҳитини назарда тутадилар, зеро таълим муҳити моддий, макон-предмет омиллари, ижтимоий компонентлар, шахслараро муносабатларни ўз ичига олади. Мазкур омиллар ўзаро боғлиқ, улар бир-бирини тўлдиради, бойитади ва таълим муҳитининг ҳар бир аъзосига таъсир кўрсатади, бироқ инсонлар ҳам таълим муҳитини ташкиллаштиради, яратади, унга муайян таъсир ўтказиши.

Таълим муҳитининг турли модификациялари мавжуд. Масалан, А.А.Калмыков ва Л. А. Хачатуров виртуалтаълим муҳитларини аксиологик ёндашувдан фойдаланилган ҳолда куйидагича таърифлайдилар: «виртуалтаълим муҳити деганда Ўзликни – Янгиликни ижодий англашга хизмат қилувчи муҳит, яъни таълимда шаклланиш жараёнида бўлган, янги билимларни ва янги эркинлик даражаларини ўзлаштираётган шахс тушунилади». Бошқа тадқиқотчилар интеграциялашган ва тақсимланган таълим муҳитларини таърифлайдилар.

Ахборот-таълим муҳити бу — таълим жараёнининг ахборот, техник ва ўқув методик таъминоти, шунингдек унинг иштирокчиларининг ўзаро мулоқоти тизимидир. Таълим жараёнининг ҳар бир субъекти ўзининг ахборот муҳитини мустақил шакллантиради. У таълим жараёни субъекти сифатида ахборот ресурсларини яратади ва улардан фойдаланиб, нафақат ўзини, балки ахборот муҳитини ҳам ривожлантиради.

Шундай қилиб, ахборот-таълим муҳити моҳияти турлича талқин этилади. Бу талқинлардаги энг муҳим фикрларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ахборот-таълим муҳити бу — таълим жараёнининг ахборот, техник ва ўқув методик таъминоти, шунингдек унинг иштирокчиларининг ўзаро мулоқоти тизимидир.

Таълим жараёнининг ҳар бир субъекти ўзининг ахборот муҳитини мустақил шакллантиради. У таълим жараёни субъекти сифатида ахборот ресурсларини яратади ва улардан фойдаланиб, нафақат ўзини, балки ахборот муҳитини ҳам ривожлантиради.

Ўқув муҳитлари (ёки таълим муҳитлари) тўғрисида гапирганда, тадқиқотчилар ўзаро боғлиқ ўқиш ва ўқитиш жараёнларини (кўрсатилган жараёнларда иккала жараён ҳам мавжуд) назарда тутадилар. «Ўқув муҳити» тушунчаси «таълим муҳити» тушунчасига янада аниқлик киритади, зеро таълим муҳитида кўплаб ўқув муҳитлари мавжуд бўлиши мумкин. Бироқ ташкиллаштирилиши ёки стихияли равишда вужудга келиши мумкин бўлган таълим муҳитидан фарқли равишда ўқув муҳитлари доимо махсус ташкиллаштирилади. Шу тариқа, ўқув муҳити деганда ўқитиш ва ўқиш жараёнларини таъминловчи аниқ моддий, коммуникацион ва ижтимоий шарт-шароитларнинг ўзаро боғлиқлиги тушунилади. Бу ҳолда таълим берувчи/таълим олувчининг муҳитда мавжуд бўлиши, муҳит ва субъектнинг ўзаро таъсири ва биргаликда ишлаши назарда тутилади.

Бизнинг фикримизча, таълим муҳити — талабаларнинг муайян зарурий замонавий билимлар, кўникмалар, малакалар ва компетенцияларни эгаллашига йўналтирилган махсус ташкиллаштирилган муҳитдир. Унда ўқитишнинг мақсадлари, мазмуни, методлари ва ташкилий шакллари аниқ ўқув муассасаси доирасида ўзгартириш мумкин бўлади. Бошқача айтганда, бу таълим ва шахснинг ривожланиш жараёнларига кенг имкониятлар берувчи ташқи таъсир этувчи ташкилий куч ва моддий таъминотлар мажмуасидир. О.П.Околелов педагогик таълим муҳити тўғрисида гапиради, таълим жараёни иштирокчилари томонидан юзага келтириладиган, махсус, айнан ушбу таълим учун хос бўлган ўзаро таъсир сингдирилган тизимли таълимни назарда тутди. Бу ҳолда муҳит ичидаги коммуникациялар етакчи ўринга чиқади.

Кейинги пайтларда «ахборот муҳити» атамаси истеъмолда кенг қўлланилмоқда ва истиқболда у муайян тарзда ўзаро боғланган таълим муассасалари, уларнинг махсус дастурий воситалар ёрда-

мида ташкил қилинадиган ахборот алмашуви шароитида намоён бўлиши қутилмоқда.

Замонавий таълимда ахборот муҳити таъминланиши учун қуйидаги шарт-шароитлар йиғиндиси бўлиши керак:

- умуминсоний маданият билан «мулоқот» воситалари тизими. У тўпланган билимлар мазмунини ташкил қилувчи ахборотни сақлаш, тартибга солиш ва тақдим этиш, шунингдек уни узатиш, қайта ишлаш ва бойитишга хизмат қилади;

- ахборот билан мустақил ишлаш тизими;

- ўқув жараёни иштирокчилари ўртасида ҳам вертикал, ҳам горизонталитенсив алоқалар мавжудлиги.

Ахборот муҳити бешта блокдан ташкил топади: кадрият-мақсадли, дастурий-методик, ахборот-билим, коммуникатив, технологик.

Кадрият-мақсадли блок педагогик таълимнинг мақсад ва кадриятларини ўз ичига олиб, улар белгиланган таълим ва ўқитиш мақсадларига эришишида аҳамиятли бўлиши мумкин.



2.2.2-расм. Ахборот муҳитининг ташкилий блоклари

Дастурий-методик блок тайёрлашга оид эҳтимолий стратегиялар, шакллар ва дастурлар билан боғлиқ барча зарур маълумотларни ўз ичига олади.

Ахборот-билим блоқи талабанинг бўлажак касбий фаолияти асосларини ташкил қилувчи, шунингдек билим олиш фаолияти ху-

сузиятларини белгиловчи, унинг самарадорлигига таъсир қилувчи билим ҳамда кўникмалар тизимини ўз ичига олади. Бундан ташқари, у таълимда ахборотнинг ролини кўрсатиб беради.

Коммуникатив блок педагогик жараён иштирокчилари ўртасидаги ўзаро мулоқат, алоқа шакллари ўз ичига олади.

Технологик блок ахборот муҳитида ишлатиладиган барча таълим воситаларини (янги ахборот технологиялари, телекоммуникация тармоқларини) ўз ичига олади.

Адабиётлар таҳлили таълим муҳитининг «ижтимоий сифатини» аниқлаш имконини бериб, у ижтимоий-таълим муҳитида ўзаро ҳамкорлик қилувчи кишилар гуруҳларининг муносабатлари хусусиятларини, кадриятларини акс эттиради.

Биз кишиларни ўзаро боғловчи муносабатларнинг ўзига хослиги орқали ахборот муҳитининг сифат жиҳатидан ўзига хослигини кўриб чиқар эканмиз, таълимга кишиларнинг ахборот олиш ва олинган ахборотни узатиш эҳтиёжига асосланган эркин муносабатлари сифатида қабул қилиш тушунчасидан келиб чиқдик. Ушбу фароздан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ахборот муҳити – алоҳида ташкил этилган муносабатлар маконидир.

Педагогикага оид ишларнинг назарий таҳлили қуйидаги муҳим хулосага келиш имконини беради: муҳит таълим субъекти муносабатларининг ва уни ташкиллаштириш даражасида (ижтимоий-педагогик, ташкилий-педагогик ва психологик-педагогик) ўзига хос тартибга солувчиси ҳисобланади.

Мазкур ёндашувнинг танланиши қуйидаги имкониятларни беради:

1. Ахборот муҳити таърифининг макро- ва микродаражаларини ажратиш олиш. Биринчиси таълим муҳитининг аниқ тузилмасини белгилаш билан боғлиқ бўлиб, у ижтимоий ёндашув доирасида таълим гуруҳларининг муносабатлари макон сифатида ифодаланиши мумкин. Иккинчиси – ушбу гуруҳлар ҳаётий фаолиятининг коммуникатив рационаллаштириш билан боғлиқ бўлиб, таълим муҳити субъектлари сифатида жамоа, гуруҳни уларнинг муҳит билан ўзаро муносабатлари жиҳатидан, касбий ва маънавий маданиятни эгаллаш нуқтаи назаридан кўриб чиқиш учун асос бўлади.

2. Ахборот муҳитини ижтимоий бунёднинг муайян зарурати сифати ифодалаш.

3. Таълим гуруҳлари фаолиятининг коммуникатив жиҳатини таълим муҳитини ривожлантиришнинг белгилловчи усули сифатида кўрсатиш.

4. Шахснинг индивидуал ҳаётининг лойиҳалар яратиш қобилиятини ривожлантиришни ахборот муҳитининг маданий салоҳияти сифатида ажратиб кўрсатиш ва мазкур қобилиятни ахборот муҳитининг асосий функцияси сифатида фаоллаштириш.

5. Ахборот муҳитида инсон ахлоқини шахс ривожланишининг барча даражаларида инсонпарварлаштиришни инсоннинг ривожланганлик кўрсаткичи сифатида белгилаш.

Олинган хулосалар шахс ва муҳит ўзаро муносабатларидаги муаммоларни ўрганиш натижалари асосида аниқлаштирилди ва улар куйидагилардан далолат беради:

- муҳит инсон фаолияти билан узвий боғланган ва унинг ахлоқини тартибга солишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади;

- инсон муҳитнинг исталган компоненти билан унга мослашиш ва уни ўзгартириш жараёнлари орқали боғланган;

- шахс ва муҳит ўзаро муносабатлари жараёни икки томонлама хусусиятга эга. Бир томондан, ўзининг тузилмавий элементлари орқали шахс ривожланишига таъсир кўрсатади. Бошқа томондан, шахс бошқа шахслар, предметлар ва ҳодисалар билан муносабатларга киришар экан ушбу муҳитни яратади, унга муайян ижтимоий сифат бахш этади;

- инсоннинг муҳитга боғланганлик даражаси ҳам жисмоний, физиологик, ҳам психологик жиҳатдан турлича ва муҳитни шахсийлаштириш жараёнларни характерловчи олислик, назорат, идентификация кўрсаткичлари билан ифодаланиши мумкин;

- инсоннинг феъл-атвори кўп жиҳатдан унинг онгида муҳит тўғрисида қандай тасаввур шаклланганлигига боғлиқ.

Ахборот муҳитини таълим субъектларининг ижтимоий коммуникациялар макони сифатида тақдим этиш муҳитга яхлит бир нарсасидек қараш имконини бериб, унда шахс ва ахборот муҳити ўзаро таъсирининг муайян майдонлари ажратилади: ахборот макони, психологик таъсир майдони, корпоратив муносабатлар майдони. Бу ахборот маконикоммуникатив моделини қуриш адекватлигини асослаш имконини беради, шахс ва муҳит муносабатлари талқинига мурожаат қилишга асос бўлади.

Коммуникатив вазиятда мулоқат жараённинг мазмуни, амалга ошириш шакллари, шахснинг таълим муҳитини ўзлаштириш самаралари ажралиб чиқади. Коммуникатив вазиятни таҳлил қилиш куйидагиларни ўрганишга асосланади:

- талабаларнинг алоҳида фанларни танлаш хусусияти;

- шахсий ўсиш ва касбий шаклланиш эҳтиёжлари;

- талаба томонидан танланадиган муҳитдаги коммуникатив жараёнлар шакллари ва уларда иштирок этиш усуллари;

- таълим муҳитини ўзлаштириш ички натижаси сифатида ижтимоий тасаввурларнинг шаклланганлик даражалари;

- муҳитнинг муайян таъсирларини қабул қилиш;

- «талаба - ўқитувчи», «талаба - гуруҳ», «талаба - талаба» ҳамкорлиги бўйича кўрсатмалар тизими.

Жамиятнинг ахборот муҳитини ўрганишда аниқлаш зарур бўлган энг муҳим тушунча бу «жамиятнинг ахборот салоҳияти» тушунчасидир.

Жамиятнинг ахборот салоҳияти кенг маънода – бу жамиятда тўпланган ахборот ресурсидир.

Жамиятнинг ахборот салоҳияти тор маънода – бу фаоллаштирилган, ҳаракатга келтирилган ахборот ресурсидир.

Жамиятнинг ахборот салоҳияти – бу жамиятнинг ахборот ресурси ва уни фаллаштириш ҳамда самарали ишлатиш имконини берувчи воситалар, усуллар ва шарт-шароитлар йиғиндисидир.

Ушбу воситалар, усуллар ва шарт-шароитлар йиғиндисига нафақат ахборот техносоҳаси воситалари, балки ахборот соҳасини такрор ишлаб чиқариш ва ривожлантириш, жамиятнинг ахборот маданиятини, унинг интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи ижтимоий воситалар, усуллар ва тузилмалар ҳам киритилиши лозим. Шу тариқа, компьютерлаштириш, медиатизимва интеллектни шакллантириш жараёнларининг яхлитлиги зарур [88].

Жамиятни ахборотлаштиришда турли ижтимоий кичик тизимлар (илм-фан, санъат соҳалари, жамоатчилик ташкилотлари, корхоналар, оммавий ахборот воситалари) интеллектуал даражасини оширишга доир амалий хусусиятга эга тадқиқотларни ташкил этиш (методикалар, тавсиялар, лойиҳалар) муҳим.

Ахборот муҳити тушунчасини ишлашда унинг таркибий қисмларини аниқлаб олиш зарур:

Информатика. Информатика деганда жамиятда, табиатда ва техник курилмаларда (табиий ва сунъий тизимларда) барча турдаги ахборотни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва тарқатиш тўғрисидаги билимлар тизими тушунилади. Информатика фани мазмуни ва унинг фанлар тизимидаги ўрнига оид нуқтаи назарлар бири-бирдан сезиларли фарқланади. Кейинги йилларда информатикани ўқитиш мазмунини ривожлантиришга бағишланган кўпгина назарий тадқиқотлар амалга оширилди: Н. В. Матвеева (дунёнинг тизимли-ахборот картинасини шакллантириш), Ю. Ю. Власова (ахборотнинг инсон томонидан қабул қилиниши ва айта ишланиши психологик жиҳатлари), Е. А. Ракитина, В. Ю. Лыскова (ахборот муҳитини ўрганиш, ахборот моделлари, информатикада мантик), Д. В. Лукин, Б. А. Бекзатов (иктисодиёт ва ахборот бизнеси), Ю. Г. Коротенков (ахборотлаштиришнинг ҳуқуқий жиҳатлари) ва бошқалар. Бироқ ҳозирги пайтда ўрта мактаб ва ОТМда информатикани ўқитиш мазмунини белгилаш энг муҳим масала ҳисобланади.

Методологик масалалар ва ушбу асосда мактабда информатикани ўқитиш мазмунини белгилаш бўйича В. К. Белошапка илмий тадқиқоти, А. А. Кузнецов, С. Г. Григорьев, С. А. Бешенков, А. С. Лесневский докторлик диссертациялари амалга оширилган. Замонавий таълим тизимида информатикани ўқитиш мазмунини ривожлантиришда ўзаро боғланмаган “ахборот” бирликлари ўрта-сида узилган алоқаларни боғлаш, тизимни шакллантириш ва уларни “билим”га айлантириш тенденцияси устуворлигига асосланган ёндашув методологик база сифатида олинмоқда.

Шу тариқа, ҳозирги пайтда мактаб ва олий таълим информатикасида компьютер саводхонлиги курсидан дунёқарашимизнинг муҳим компонентини ифодаловчи фундаментал фангача парадигмани шубҳасиз алмаштириш содир бўлмоқда.

Ижтимоий информатика – бу жамиятни ахборотлаштириш жараёнлари, шунингдек уларнинг ижтимоий жараёнларга, шу жумладан – инсонни ривожлантириш ва унинг жамиятдаги ўрни, ахборотлаштириш таъсирида жамият ижтимоий тузилмаларини ўзгартиришга таъсири тўғрисидаги фандир (Р. Ф. Васильев, А. Д. Урсул, А. И. Ракитов ва б.).

Информатика, психология, педагогика курслари ва хусусий методикалар *педагогик информатикани* ўрганишчун асосни ташкил

қилиб, унда компьютер дидактикаси, педагогик меҳнатни ахборотлаштириш, умумтаълим фанларини ўқитишда ахборот воситаларидан фойдаланиш, ахборотлаштириш таълим воситаларини қўллаш, ахборотлаштириш таълим воситалари синтези (мульти-медиа), мультимедиа-ёндашув асосида ўқитиш тизимлари, таълим олувчини билимлар тузилмасини қуришга ундовчи янгича таълим ва ўқитиш моделини яратиш воситаси, таълимда электрон дарсликлардан фойдаланиш масалалари кўриб чиқилади.

Ижтимоий информатика, соф техник жиҳатга эга бўлган жамиятни ахборотлаштиришдан фарқли равишда социум, ахборот технологияларидан фойдаланиш натижасида унинг жамият билан ўзаро алоқалари жараёнлари билан боғлиқ. Ахборот муҳитининг ижтимоий жиҳатларини ўрганиш жамият ижтимоий тузилмаси ахборотлаштириш таъсирида қандай ўзгараётгани, янгича мулоқот шакллари ва усулларини яратаётган инсонларнинг ўзаро алоқаларида қандай муаммолар юзага келаётганини кўрсатиб беради.

Педагогик информатикани[183] педагогик жараённи такомиллаштириш, индивидуаллаштириш ва оптималлаштириш мақсадларида педагогик фаолиятни ахборот билан таъминлаш ва автоматлаштириш назарий масалалари, методлари ва технологияларини кўриб чиқувчи илмий-методик йўналиш сифатида таърифлаш мумкин. Умуман олганда педагогик информатика таълим ва информатиканинг ўзаро ҳамкорлиги жараёнларини ўрганади, ушбу ҳамкорлик қонуниятлари ва тенденцияларини аниқлайди. Педагогик информатика информатика ва бир қатор педагогик туташган жойда шаклланади, у ўзининг тушунчалар аппарати, мақсадлари, методлари ва ҳ.к.га эга. Унга хос бўлган бир қатор қонуниятларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

- янада умумий жараён – таълимни ахборотлаштиришдаги биринчи қадам сифатида таълим жараёнини компьютерлаштириш зарурати;

- замонавий инсон-машина тизимларида инсон фаолияти, педагогик таълим услублари устуворлиги, ушбу тизимларда педагогик методлар эмас, техник воситалар етакчи, техника компоненти инсон фаолиятини самарали амалга ошириш қуроли ҳисобланади;

- ахборот маданиятининг ролини ошириш, информатика ва хи-

соблаш техникаси воситалари асосида таълимнинг узлуксизлиги тенденцияси.

Шу тарзда, ахборот муҳити муаммосига оид илмий адабиётларни ўрганиб чиқиш асосида қуйидаги таърифни баён қилиш мумкин: *Педагогик ОТМ ахборот муҳити* – бу ахборот инфратузилмаси бўлиб, педагогик маълумотлардан тезкор фойдаланиш имкониятини таъминловчи, ҳозирги пайтда педагогик таълим мақсад ва вазифаларини амалга ошириш ҳамда педагогика фанини ривожлантириш учун долзарб илмий таълимий коммуникацияларини амалга оширувчи ташкилий-методик воситалар, ахборотни сақлаш, ишлов бериш, узатиш техник ва дастурий воситалари йиғиндисини ўз ичига олади.

Глобал ахборот инфратузилмаси глобал ва минтақавий ахборот-телекоммуникация тизимлари, шунингдек рақамли телевидение ва радиоэшиттириш, сунъий йўлдош ва кўчма алоқа тизимлари интеграцияси асосида сайёрамиз аҳолисига оммавий хизмат кўрсатиш умумжаҳон ахборот тузилмаси сифатида ишлаб чиқилмоқда.

Шу боисдан интернет, кибермакон, виртуалистика технологиялари ривожланмоқда. Ушбу технологиялар фойдаланувчиларга махсус ишлаб чиқилган дастурий-аппарат воситалари ёрдамида генерацияланган уч ўлчамли виртуал маконда реал вақт режимда ишлаш имконини берувчи методларни юзага келтирди.

Ахборот макони талабалар ва ўқитувчиларнинг ахборот ҳамда таълим эҳтиёжларини максимал даражада тўлиқ қондириши лозим. Таълим муассасасининг ахборот макони масофавий таълимни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш муаммосини ҳал қилувчи, ўз имкониятларини юзага чиқарувчи таълим тизими ҳисобланади. Педагогик ОТМ ахборот маконида масофавий таълимни лойиҳалашда таълим мамуни ва жараёни хусусиятини ахборот инфратузилмаси компоненти сифатида ҳисобга олиш зарур.

2.3. Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг ахборот-таълим муҳитини яратиш ва ундан фойдаланиш

XXI асрга мос таълим тизими талабаларини замон андозаси асосида тайёрлашни тақозо этмоқда, айниқса, жамиятни ахборотлаштиришнинг мақсад ва вазифаларини эътиборга олган ҳолда мутахассис тайёрлашда таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни талаб қилмоқда. Бу эса, жараёнда АКТ ларидан кенг фойдаланиш ва бу орқали аралаш таълим шароитида талабаларда педагогик компетентликни ривожлантиришнинг ахборот таълим муҳитини яратиш борасида мукамал илмий ишланма ёки илмий-услубий мажмуа тайёрлашни тақозо этади. Айнан шу жиҳатлар тадқиқот ишимизнинг таълим жараёни учун ахборот таълим муҳитини яратишнинг мақсад, вазифалари ва уни шакллантириш борасидаги изланишларимиз натижаларини ёритиш имконини беради.

Таълим жараёнини ахборотлаштириш муаммоси ахборот ва телекоммуникация технологияларини ўқув жараёнига қўллаш орқали интеллектуал фаолиятни глобал жадаллаштиришдан иборат. Ушбу муаммони ҳал этиш учун таълимнинг инновацион ахборот-дидактик шакллари асослаш, технология ва ахборотлаштириш воситаларини бир тизимга бирлаштиришнинг педагогик, методик ҳамда технологик асосларини ишлаб чиқиш ҳамда амалда жорий этиш лозим. Бизнинг назаримизда, бундай тизим вазифасини ахборот-таълим муҳити ўташи мумкин. Демак, ахборот-таълим муҳитини яратиш таълимни ахборотлаштиришни ривожлантиришнинг объектив натижаси ҳисобланади. Ахборот-таълим муҳити – бу шундай муҳитки, унда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда кишилар ўзининг шахси ва касбий кўникмаларини маълум таълимий мақсадларда ривожлантиради. Ахборот-таълим муҳитини алоҳида ўқув юрти, минтақа ёки бутун таълим тизими учун лойиҳалаш мумкин.

Мамлакатимизнинг ҳозирги кундаги тараққиёти ва келажаги таълим соҳасидаги сифат ўзгаришлари ва юқори самарадорликка эришишига, уларнинг жаҳон таълими талаблари билан мослиги ҳамда амалий ҳаётдаги ўрнини қай даражада топаётганлигига

боғлиқ. Таълим сифат ўзгаришлари ва юқори самарадорлик эса мазкур соҳага инновацион технологияларни киритиш билан белгиланади. Демак, бугунги кунда ҳар бир замонавий олий таълим муассасаси олдида ижтимоий истиқбол талабларини эътиборга олиб ахборот таълим муҳитини яратиш ва ривожлантириш билан боғлиқ мураккаб ва кўп қиррали вазифа турибди. Айниқса, бугунги кунда олий таълим муассасалари талабаларида аралаш таълим шароитида педагогик компетентликни ривожлантириш жараёнида ахборот таълим муҳитининг дидактик имкониятларидан фойдаланиш муаммоси биринчи навбатда ҳал этилиши лозим бўлган масалалардан ҳисобланади.

Таълим тизимининг қайси тури ва қайси жабҳаси бўлмасин ахборот хизмати ва таъминоти талаб даражасида бўлмаса, у албатта ўқув-тарбия жараёнига салбий таъсир кўрсатиб, таълим сифатининг пасайиб кетишига олиб келади. Бу ўз навбатида ахборот таъминоти оптималлашганлигининг ҳам бузилишига сабаб бўлади. Натижада у таълим тизимидаги ўқув-тарбия, маданий-маърифий, ижодкорлик масалаларини ечиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш билан боғлиқ барча ташкилий-педагогик, психологик, иқтисодий йўналишлардаги фаолиятларининг издан чиқишига олиб келади. Шу маънода, таълим тизимида ахборот тизими ва таъминотининг оптимал вариантини илмий-назарий асослаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Олий таълим муассасаларида турли хил предметларни ўқитишнинг методик тизимини тадқиқ этиш учун зарур шарт-шароитлар яратувчи, таълим муассасаларининг хусусиятларини эътиборга олувчи ахборот таълим муҳитини шакллантириш ва ривожлантиришга умумий концептуал ва методик ёндашувларни ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёжни, олий таълим муассасаларида ахборот таълим муҳитини шакллантириш, ривожлантириш, улардан амалий фаолиятда кенг фойдаланиш технологияларини яратиш муаммосини кўймоқда.

Юқорида баён этилган мулоҳазалардан кўринадики, замонавий олий таълим муассасаларида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришда ахборот таълим муҳитидан фойдаланиш ўқитиш тизимидаги истиқболли ижтимоий вазифаларидан ҳисобланади. Бунга сабаб улар ёрдамида таълим жараёнининг истиқ-

болли ва самарали методикасини яратиш мумкин ҳамда улар асосида рақобатбардош педагогларни тайёрлаш кафолатланади.

Ахборот-таълим муҳитини изоҳлаш, энг аввало, «муҳит», «макон» «таълим муҳити», «педагогик муҳит» каби тушунчалар маъносини аниқлашни талаб этади. М. Черноушекнинг эътирофи этишича, «муҳит» тушунчаси илмий-педагогик адабиётлар ва амалиётда бир неча ёндашувлар асосида талқин қилинади. У ўзининг муҳит ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини қуйидагича ифодалайди:

– муҳит, макон ва замонда аниқ белгиланган ва аниқ қайд этилган чегараларга эга эмас;

– муҳит тўғрисидаги ахборотни биз турли сезги аъзоларимиз орқали олаемиз;

– муҳит тўғрисидаги ахборотлар бир хил эмас, уларни турли қисмлар(муҳим, асосий, иккинчи даражали ахборотлар)га ажратиш мумкин;

– муҳитда доимо биз англаб етган, қайд этган ва тушунган ахборотлардан кўпроқ ахборот мавжуд бўлади;

– муҳитнинг нима эканини инсон ўзининг амалий фаолияти орқали билади;

– ҳар қандай муҳит табиий ва бошқа ўзига хос хусусиятлари билан бир қаторда психологик ва символик(рамзий) аҳамиятга эга;

– муҳит яхлит бутунлик сифатида таъсир этади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, “макон” ва “муҳит” тушунчалари мазмун ва моҳияти жиҳатидан бир-бирига жуда яқин, улар синоним бўлмасадабаъзан бир хил мазмунда қўлланилади. Тизим(макон) ва муҳит ўртасида кўплаб боғлиқликлар мавжуд бўлиб, улар ўзаро ахборот алмашади. Муҳит тизимга ресурслар етказиб беради ва тизим фаолиятининг охириги маҳсулотларини «истеъмол» қилади.

Таълим, тарбия ва шахснинг ривожланиши муаммоларига бағишланган илмий ишларда муаммога муҳит нуқтаи назаридан ёндашувлар кўп учрайди. Уларнинг кўпчилигида муҳит шахснинг ривожланишига, шунингдек таълим муҳитининг таълимий имконияти намоён бўлишига ёрдам берувчи шарт-шароит ва имкониятлар сифатида қараб ўтилади.

“Таълим муҳити” ҳақида Ҳ.Ф.Рашидов қуйидаги фикрни илгарии суради: «қаерда таълим олиш учун шахсда мотивация пайдо

Ахборот-таълим муҳити моделлари

Модел аспекти	Моделтури		
	Воситали	Коммуникатив	Прагматик
Таҳлил	Мақсадларни аниқлаш	Мақсадларга эришиш	Фойдаланувчи билан дастлабки (прототип) моделларни баҳолаш воситасида таснифлаш (спецификация), муаммони аниқлаш
Лойиҳалаш ва ривожлантириш	Таснифни лойиҳалаш таҳлил босқичи натижаси ҳисобланади; Якуний натижа прототипга ўхшаш бўлади	Таснифни лойиҳалаш муҳокама натижаси ҳисобланади; Прототип реал ёки ғоя сифатида мавжуд бўлиши мумкин	Таснифни лойиҳалаш прототипни баҳолаш натижасида амалга оширилади; Прототипдан воз кечиш мумкин
Амалга ошириш	Фойдаланувчилар эҳтиёжини ҳисобга олиб, сифатли материалларни лойиҳалаш	Ташкилотчи раҳбарлигида лойиҳалаш ва баҳолаш жараёни	Фойдаланувчилар учун материалларни баҳолаш имкониятини таъминлаш
Баҳолаш	АТМнинг сифатини абсолют стандартлар нуктаи назаридан баҳолаш ҳамда унинг яроқчилигини ва бартараф этиш учун камчиликлари аниқланганини тасдиқлаш	АТМ сифатини келишилган стандартлар нуктаи назаридан баҳолаш ҳамда муҳокамани қўллаб-қувватлаш	АТМ сифатини амалий стандартлар нуктаи назаридан баҳолаш ҳамда лойиҳалашнинг кейинги талаблари таснифи

Бизнингча, ахборот-таълим муҳити (АТМ)ни лойиҳалаш ва амалга оширишга методологик тизимли ёндашув асосида CASE-технологиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. CASE-технологиясидан фойдаланиш ахборот муҳитини моделлаштиришнинг барча босқичларида қўл келади(модел тузилмасини таҳлил этиш, лойиҳалаш ва амалга ошириш босқичлари).

бўлса, ўша жойда албатта таълим муҳити ҳам бўлади, яъни муҳит таълимий бўлади. Бунда айтилган бир муҳит бир шахс учун таълимий, бошқа шахс учун эса таълимий бўлмаслиги (нейтрал бўлиши) мумкин. Ҳар бир шахс муайян таълим макони доирасида ўзининг таълим муҳитини мустақил шакллантириш имкониятига эга”[3].

“Таълим муҳити” атамаси В. А. Ясвин ишида етарлича аниқ таърифланган. У таълим муҳити дейилганда, “таъсир тизимини ва шахснинг маълум намунага кўра шаклланиши шарт-шароитлари, шунингдек унинг ривожланиши учун зарур бўлган ижтимоий имкониятлар”ни тушунади.

Илмий адабиётларда “таълим муҳити” тушунчасидан ташқари яна “педагогик муҳит” тушунчаси ҳам кўп қўлланилади. О.П. Око-лелов “педагогик муҳит”ни “индивидуумлар, яъни таълим жараёни иштирокчилари томонидан илгари сурилган ва айнан шу таълим учун хос ва мос бўлган тизимли таълим” сифатида талқин этади.

Аралаш таълим шароитидаги ахборот-таълим муҳити таълим жараёни субъекти билан узвий боғлиқ бўлган ахборот, техник, ўқув-методик таъминотнинг тизимли мажмуидир.

Ахборот таълим муҳити маданий-маърифий, интеллектуал, дастурий-методик, ташкилий ва техник таъминотларни жамловчи (тўпловчи) очиқ тизимдан иборатдир.

Бизнинг назаримизда, таълим муассасаларининг аралаш таълим шароитидаги ахборот-таълим муҳити:

– педагогик тизимнинг бир қисми бўлиб, ўзида унинг муайян алоқа ва элементларини акс эттиради;

– ахборот ресурсларини яратиш ва улар билан ишлаш учун методлар иерархияси мавжуд бўлган муҳитдир.

Аралаш таълим шароитидаги ахборот-таълим муҳитининг модели изчил тизимлаштирилиб, бир шаклга келтирилган бўлиб, у талаблар, компонентлар, ахборот ресурслари ва технологиялардан иборат (1-жадвал). Улар ахборот-таълим муҳитининг ўзига хос хусусиятлари ва самарадорлигига таъсир кўрсатади.

Ахборот-таълим муҳитида мураккаб мазмуний тузилмага эга объектлар лойиҳаланади. Шундан келиб чиқиб, ахборот-таълим муҳитини лойиҳалашда педагогик ҳодиса ва жараёнларни таҳлил қилишнинг дифференциал-интеграл методларидан фойдаланиш зарур.

Ахборот-таълим муҳити моделини яратишда дастлаб тизим табиати таҳлил этилади. Контекстли диаграммалар ва маълумотлар оқими шакллантирилади.

Тизимни лойиҳалаш босқичида келгусида маълумотлар базасини шакллантириш учун тизим фаолияти муфассал тавсифланади ва унинг мантикий модели қурилади, фойдаланувчи интерфейсининг тузилмаси аниқланади. Бундай ёндашув интеграциялашган ахборот-таълим муҳитини яратишнинг методологик йўналишларини белгилаб олиш имконини беради. Бу босқич ахборот-таълим муҳитининг ўқув ва методик маълумотларини тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш ишларини бошқариш, ахборот ресурслари маълумотлар базасини яратиш ва киритиш, ўқув жараёнини бошқариш, билимларни назорат қилиш, маълумотномани шакллантириш ишларини ўз ичига олади. Бу жараёнларнинг ҳар бирини алоҳида кичик тизим сифатида қараш мумкин.

Ахборот-таълим муҳитининг уч тури, яъни билимларни тақдим этиш, мустақил билим олиш, шунингдек ҳам билимларни тақдим этиш, ҳам мустақил билим олишга йўналтирилган(аралаш тури) кўп учрайди. Ахборот-таълим муҳитларининг айрим турлари ҳозирги вақтда амалда кенг татбиқ қилинмоқда, баъзилари эса илмий-педагогик адабиётларда назарий жиҳатдан баён этилган, ҳолос.

Ҳозирги вақтда олий таълим тизимида, айниқса, олий таълим соҳасида ахборот-таълим муҳитини инновацион ёндашувлар асосида яратиш долзарб ижтимоий-педагогик муаммолардан саналади. Бизнингча, олий таълим муассасалари талабаларининг компетентлигини ривожлантиришнинг замонавий моделини таълим олувчи шахсини ривожлантиришга йўналтирилган ахборот-таълим муҳити (АТМ) сифатида тасаввур этиш мумкин. Олий таълим тизимида шакллантирилган ахборот-таълим муҳити, ҳеч шубҳасиз, талабалар ва тизим ходимларининг касбий билимларини ошириш ва эгаллаган билимларини амалда қўллаш методологиясини ўзлаштиришлари учун хизмат қилади.

Диссертация ишининг 2.2-параграфида билдирилган фикрларнинг давоми сифатида О.Х.Тўракуловнинг таъкидлашича, ахборот-таълим муҳитининг асосий мақсадини амалга ошириш учун, энг аввало, қуйидаги вазифаларни ҳал этиш зарур:

– ахборот-таълим муҳитининг мустақил иқтисодий сиёсатини таъминлаш;

– таълимнинг барча босқичлари учун жорий этиш мумкин бўлган намунали сервис хизмати мажмуасини тайёрлаш(ихтиёрий таълим муассасаси учун);

– ахборот-таълим муҳитига кирувчиларни ахборот билан максимал таъминлашга имкон берувчи ахборот ресурслари рўйхатини тузиш жараёнини автоматлаштириш;

– иш жойи қаерда жойлашганидан қатъий назар илмий тадқиқотчилар ва талабаларнинг ахборот-таълим муҳити орқали касбий муносабатини амалга ошириш имконини яратиш;

– ахборот-таълим муҳити бўйича статистик ва бошқа динамик маълумотларни тўплаш ҳамда тасвирлашни автоматлаштириш;

– ахборот-таълим муҳити мониторингини таъминлаш, уни такомиллаштириш бўйича айtilган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириш;

– ахборот-таълим муҳитининг функционал вазифалари бажарилишини назорат қилиш, илмий-услубий марказ ташкил этиш ва унинг фаолиятини оптималлаштириш;

– ахборот-таълим муҳитини мунтазам ривожлантириш учун маълумотлар базасини яратиш.

Албатта, ҳар қандай технологиядан таълим жараёнида фойдаланишда унинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинади. Чунки таълим тизими ҳам ўзига хос динамик тизим бўлиб, унда жамият тараққиёти ва илмий-техника ютуқлари ўз аксини топмоғи лозим.

Таълим тизимида ахборот таълим муҳитини яратишнинг асосий мақсади таълим олувчиларнинг қаерда яшашидан, шунингдек, таълимнинг зарурий хизматларидан қатъий назар энг замонавий ахборот ва телекоммуникацион технологиялардан фойдаланган ҳолда билим олишга бўлган талабларни қондиришдан иборатдир.

Ахборот таълим муҳитининг асосий мақсадини амалга ошириш учун қатор вазифаларниҳал қилишга тўғри келади: таълим муассасасининг ўқув- методик таъминотини ва мустақил иқтисодий сиёсатини юрита олиш имкониятини яратиш; намунали сервис хизмати мажмуасини тайёрлаш; ахборот таълим муҳитига кирувчи ихтиёрий олий таълим муассасасидаги фойдаланувчини максимал даражада ахборот билан таъминлаш имкониятини берувчи ахбо-

рот ресурслари рўйхатини тузиш жараёнини автоматлаштириш; иш жойи қаердалигидан қатъий назар ихтиёрий илмий-педагогик кадрларга ахборот таълим муҳитидан фойдаланиш имконини яратиш; ахборот таълим муҳити бўйича статистик ва бошқа динамик маълумотларни тасвирлаш ҳамда уларни йиғишни автоматлаштириш; ахборот таълим муҳитининг мониторингини таъминлаш; илмий-методик маълумотлар базаси ва у билан шуғулланувчи профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантириш; мунтазам равишда маълумотлар базаларини кенгайтириш.

Ахборот-таълим муҳитини яратишга алгоритмик ёндашувни қўллаш зарур. Бу мутахассисларнинг узлуксиз ва касбий тайёргарлигини оширишда, шу жумладан, малака оширувчилар учун муҳим аҳамиятга эга. У истиқболли йўналиш ҳисобланади. Ахборот-таълим муҳити дастурий-телекоммуникацион мажмуа бўлиб, у ўқув жараёнини ягона технологик воситалар билан ташкил этишни таъминлайди. Олий таълим муассасалари мақсадга мувофиқ ҳолда фаолият кўрсатиши учун унинг ахборот-таълим муҳити яратилиши лозим.

Бизнингча, ахборот-таълим муҳитини яратишни оптималлаштириш учун тадқиқотни қуйидаги тартибда амалга ошириш зарур:

– ахборот-таълим муҳитини яратишнинг мақсад ва вазифасини аниқлаш;

– ахборот-таълим муҳитини яратиш тамойилларини ишлаб чиқиш;

– ахборот-таълим муҳитининг фаолият кўрсатиш тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш;

– таълим муассасасининг виртуал ваколотхонаси тузилишини аниқлаш;

– ахборот-таълим муҳити элементлари ва фойдаланувчилар тузилмасини белгилаш ҳамда аниқлаштириш;

– ахборот ресурсларини шакллантириш;

– ахборот-таълим муҳитини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш.

Ахборот-таълим муҳитини яратишдан мақсад таълим муассасалари раҳбарлари ва ўқитувчиларнинг турли ихтисосликлар бўйича билим олиш ва компетентлигини ривожлантиришга бўлган эҳтиёжини максимал даражада қаноатлантириш.

Компьютер ва коммуникация технологияларини қўллаш асосида яратилган ахборот-таълим муҳити ўқув муассасасининг фаолияти учун зарур муҳит ҳисобланади. Агар бундай муҳит мавжуд бўлмаса ёки етарли даражада шакллантирилмаса, таълим жараёни иштирокчиларининг(айниқаса улар анча узокда бўлса) ўқув муассасаси ахборот ва техник ресурсларига эркин кира олиши, ўқув иши режаларни эркин танлаши, тезкор маслаҳат олишлари учун имкон бўлмайди.

Олий таълим муассасалари кадрлари компетентлигини ривожлантириш ва уларни қайта тайёрлаш ТВЧДПининг ахборот-таълим муҳитининг намунавий умумий тузилиши расмда акс этган. Унинг асосий ташкил этувчилари қуйидагилардан иборат: ўқув жараёнини бошқаришнинг интеграллашган ахборот таҳлил тизими(ИАТТ); институтнинг ахборот сервери ва Веб-сайти (АС ва С); институтнинг компьютер ҳисоблаш тармоғи (КХТ).

Таълим жараёни иштирокчилари (талабалар, ўқитувчилар ва таълимни ташкил этувчилар) институтнинг ягона ахборот инфратузилмаси орқали ўзаро мулоқот ўрнатади. Бунда Интернетга чиқиш имконини берувчи компьютер ахборот-ҳисоблаш тармоғига таянилади. Чирчиқ давлат педагогика институтида таълим жараёни жуда кўп миқдордаги ахборот-маълумотларни яратиш, қайта ишлаш, сақлаш ва амлада қўллаш билан узвий боғлиқ.

Институтнинг ягона ахборот-таълим муҳити ўзаро таъсирлашувчи бир неча компонентлардан ташкил топади:

– ҳисоблаш техникаси дастурий-техник воситалари, телекоммуникация воситалари(компьютерли ўқув хоналари, глобал тармоқларга чиқиш имконини берувчи локал ҳисоблаш тармоқлари, мультимедиа ва тармоқ жиҳози), тизим ва тармоқ дастурий таъминоти;

– электрон почта, ахборот серверлари ва Интернет/сервер Интернетанти, ўқув жараёнини ташкил этишнинг интеграллашган ахборот таҳлил тизимларини ўз ичига олувчи ахборот инфратузилмани қўллаб-қувватлашнинг дастурий-ахборот воситалари;

– ўқув жараёнини қўллаб-қувватлаш воситалари, хусусан, ўқув мақсадлари учун ишлаб чиқилган дастурий таъминот(ДТ), электрон каталогли кутубхона компьютер тизими(ККТ), ахборот ресурс маркази(АРМ), ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган

маълумотларнинг тўлиқ матнли базаси(МБ), масофавий ўқитишда фойдаланиладиган электрон ўқув-методик мажмуалар(ЭЎММ), таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолашнинг соддалаштирилган тизими(БСТ).

Юқорида айтилганларга асосланиб, ТВЧДПИ ягона ахборот-таълим муҳитини лойиҳалаш мумкин. Унинг намунавий умумий тузилиши 2.3.2-жадвалда кўрсатиб ўтилган(жадвалга қаранг).

2.3.2-жадвал

Чирчиқ давлат педагогика институти ягона таълим муҳитининг умумий тузилиши

Таълим жараёни иштирокчилари	
Таълим жараёнини қўллаб-қувватлаш воситалари	Ахборот тузилмасини қўллаб-қувватлаш воситалари
<p>Ўқув мақсадлари учун қўлланиладиган дастурий таъминот (ДТ); Электрон ўқув-методик мажмуалар(ЭЎММ); Таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолашнинг соддалаштирилган тизими (БСТ); Электрон каталогли кутубхона компьютер тизими(ККТ); Маълумотларнинг тўлиқ матнли базаси(МБ)</p>	<p>Интеграллашган ахборот таҳлил тизими (ИАТТ); Ахборот сервери ва Веб-сайтлар (АС ва ВС); Электрон каталогли кутубхона компьютер тизими (ККТ); Масофавий таълим портали(ТП)</p>
ТВЧДПИдан Интернет тармоғига уланиш	

Компьютер ва коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда қурилган таълим муҳити олий таълим муассасалари фаолияти учун зарур муҳит ҳисобланади. Ушбу муҳит мавжуд бўлмаганда ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган тақдирда, таълим муассасасининг ахборот-техник ресурсларига унинг ташқарисида жойлашган ўқув жараёни иштирокчилари учун очик кириш, ўқув ишларининг эркин жадвали, тезкор маслаҳат олиш имкониятлари таъминланмайди ва бошқа кўп муаммолар ҳал этилмайди.

Ўқув жараёни иштирокчилари	
Ташкилотчилар	
Таълим оловчилар	Таълим берувчилар
ТВЧДПИ нинг Интернет тизимига уланган компьютер тармоғи	
Ахборот тузилмасини қўллаб-қувватлаш воситалари	
ЎБИАТТ - ўқув жараёнини бошқаришнинг интеграллашган ахборот-таҳлил тизими;	АСИВМ-ахборот серверлари ва институт веб-сайтлари мажмуаси
ИКХМ-институтнинг компьютер ҳисоблаш маркази.	

2.3.2-расм. Чирчиқ давлат педагогика институти ягона ахборот-таълим муҳити компонентлари

ТВЧДПИ ахборот таълим муҳитининг умумий тузилиши (2.3.1-расм)да кўрсатилганидек, унинг асосий компонентлари ахборот серверлари ва институт веб-сайтлари мажмуаси (АСИВМ), ИКХМ-институтнинг компьютер ҳисоблаш марказлардан иборат:


Таълим жараёни иштирокчилари (таълим оловчилар, таълим берувчилар ва ташкилотчилар) Интернетга уланган компьютер ахборот тармоғи асосида институтнинг ягона ахборот инфратузилмаси орқали ўзаро алоқада бўлишади. Институтдаги ўқув жараёни жуда кўп миқдордаги маълумотларни яратиш, ўзгартириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш билан узвий боғлиқ.

Анъанага кўра, институт бошқарувини автоматлаштириш маҳаллий ахборот қуйи тизимларини яратиш йўлидан боради. Ушбу қуйи тизимлар турли вақтларда турли хил технологиялар асосида яратилади ва шунинг учун уларнинг ўзаро таъсирини ташкил этиш мустақил вазифадир. Сўнгги пайтларда интеграллашган аналитик тизимларни яратиш зарурати аниқ бўлиб қолди. Бунда қуйидагиларга эришилади:

- ҳар қандай фактни битта жойда ҳисобга олиш (глобал нормаллаштириш);
- тизимнинг доимий изчил ҳолати;
- ҳар қандай ўзгаришлар тўғрисида тезкор хабар бериш;
- қуйи тизимларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиш;
- интеграл аналитик маълумот олиш қобилияти;
- маълумотларнинг мавжудлиги;

• куйи тизимлар ўртасида маълумотларни экспорт қилиш / импорт қилиш билан боғлиқ ортиқча харажатларни бартараф этиш.

Ягона ахборот муҳитини ташкил этишда ЎБИАТТ - ўқув жараёнини бошқаришнинг интеграллашган ахборот-таҳлил тизимини яратиш муҳим ролини ўйнайди (2.3.3-расм), бунинг асосида асосий ахборот объектлари яратилади ва сақланади.



2.3.3-расм. Ўқув жараёнини бошқаришнинг интеграллашган ахборот-таҳлил тизими

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида электрон таълим тизимини жорий этилишида институт талабаларнинг назарий ва амалий аудитория машғулоти билан биргаликда, уларнинг мустақил таълимини ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Бунинг учун институтда дунё мамлакатларида кенг тарқалган ва кўп ишлатиладиган MOODLE платформасидан фойдаланилади. Moodle (*Modular Object-Oriented Dynamic Learning Environment – Модулли объектга йўналтирилган динамик таълим муҳити*) – бу ўқитувчилар томонидан махсус тайёрлаган сифатли on-line курсларини сайтлар орқали бошқариш тизими (E-learning). Бу тизим

одатда, виртуал таълим муҳити (Virtual Learning Environments - VLE) деб ҳам юритилади.

Ушбу тизимнинг асосий имкониятлари қуйидагилардир:


- натижаларни автомат тарзда назорат қилиши;
- бажарилган ишларни таҳрирлаш ва баҳолаш имкониятларининг соддалиги;
- қайта алоқа қилишнинг қулайлиги;
- талабаларнинг анкета-сўров натижалари орқали фан (курс) эҳтиёжи аниқланиши;
- протоколларнинг шакллантирилиши – бажарилган амалий вазифаларнинг ҳисоботлари;
- тизимнинг соддалаги, эффективлиги, турли web-браузерлар мавжудлиги;
- фан (курс)ларнинг бир неча қисмларга ажратиб ўқитиш;

Тизимнинг афзаллик томонларидан бири шуки, унда фойдаланувчилар билан қайта алоқа тизими ҳам мавжудлигидир, яъни исталган фойдаланувчи бошқа фойдаланувчи билан алоқа алмашилиши мумкин.

Масофавий таълим платформаси тизимнинг анъанавий таълимдан бир қатор қулайликлари, ижобий жиҳатлари мавжуд бўлиб, улар таркибига қуйидагиларни келтириш мумкин:

- вазифалар ва тестларнинг масофадан (Интернет орқали) берилиши;
- тестларнинг автоматик текширилиши ва жавобнинг дарҳол талабага етказилиши;
- тестларнинг қулай таҳлил қилиниши (осон, ўрта ва кийин даражадаги тестларнинг бир марта танланиши);
- вазифалар ва тестлар баҳоланиш базасининг автоматик тарзда бўлиши;
- талабаларнинг ишларини бутунлай назоратга олиниши (вакти, жойи, давомийлиги)
- бажарилган ишларнинг оператив баҳоланиши;
- ўқитувчи ва талаба орасида индивидуал муносабатнинг ўрнатилиши (индивидуал ёндашув);
- энг асосийси, вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши;
- талабалар ота-оналари учун талаба бажарган вазифаларнинг қачон ва қандай бажарганлигини кўриб бориш имконияти.

Ушбу тизим асосидаги электрон мажмуа яратилади. Ушбу мажмуанинг асосий вазифаси профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар ўртасидаги турли хил электрон ресурслар алмашилиш, мажмуага вазифа ва масалаларни жойлаштириш орқали таълим бериш самарасини ошириш ҳисобланади. Мажмуанинг ташкилий қисмлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин.



Бунда ҳар бир персоналнинг ўз вазифалари мавжуд. Масалан, олий таълим муассасалари (ОТМ) администратори:

- ✓ мажмуа фаолиятининг умумий назоратини олиб бориш;
- ✓ статистик маълумотларни жамлаш ва раҳбариятга тақдим этиш;
- ✓ мажмуа фаолиятини юритишда амалий ёрдам кўрсатиш;
- ✓ мажмуага бирламчи маълумотлар (факультет, кафедра ва гуруҳлар)ни киритиш;
- ✓ профессор-ўқитувчиларга логин ва парол (калит)лар тақдим этиш каби вазифаларни амалга оширилиши керак бўлади.

Курс яратувчиси (профессор-ўқитувчи)нинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ✓ фанлар кесимида электрон ресурсларни жойлаштиради;
- ✓ талабаларни тегишли ресурслардан фойдаланиш учун рухсат беради;
- ✓ ресурсларни мунтазам янгилаб боради;
- ✓ тугалланган фанларни базадан олади (ўчириб ташлайди).

Талабанинг таълим платформасидаги фаолияти қуйидагилардан иборат:

- ✓ мустақил тарзда мажмуа жойлашган веб-сайтда рўйхатдан ўтади (ёки олдиндан ўтказилган бўлади);
- ✓ қидирув тизими орқали зарур фан ёки профессор-ўқитувчини излаб топиб, ресурслардан фойдаланишга рухсат сўрайди;

✓ профессор-ўқитувчининг тегишли рухсатидан сўнг очик ресурслардан фойдаланиш имкониятга эга бўлади.

Олий таълим тизимида ахборот-таълим муҳитини яратишга алгоритмик ёндашув ўзининг бир неча ижобий жиҳатлари билан эътиборга моликдир: мажмуавийлик, амалий йўналганлик; умумийлик; реаллик; демократиклик.

Ўтказилган назарий тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, олий таълим муассасалари кадрлари компетентлигини ривожлантиришнинг ягона ахборот-таълим муҳитини яратиш тизимни такомиллаштиришнинг фундаментал асосларидан ҳисобланади. У таълим олувчининг шахсини, касбий ва ижтимоий компетенциясини ривожлантиришга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда:

– ахборот-таълим муҳити таълим олувчиларнинг яшаш жойи, кўрсатиладиган таълим хизмати турларидан қатъий назар, замонавий ахборот-телекоммуникация технологияларидан эркин фойдаланиб, танлаган мутахассислиги бўйича билим олиши ва уни пухта эгаллашига имкон беради;

– ахборот-таълим муҳити мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда, уларда касбий билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

– ахбороттаълим муҳити моделини яратиш таълим, фан ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлиги масаласини ҳал этишда конструктив аҳамиятга эга.

Илмий ва илмий-методик таъминотларни яратиш бўйича қилинаётган тадқиқот ишлари аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш жараёнини инновациялаштиришга қаратилган бўлиб, уларни амалиётга жорий этиш натижасида таълимда сезиларли сифат ўзгаришлари қилиб, юқори самарадорликни қўлга киритиш муҳим ҳисобланади.

Олий таълим муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни тезлаштириш ва улар орқали таълим соҳасида ахборот таълим муҳитини ташкил этиш заруратини қуйидаги асосий кўрсаткичлар орқали ифодалаш мумкин: замонавий ишлаб чиқариш, олий таълим муассасаларидаги замон талабларини эътиборга олган ҳолдаги кенгайиш ва уларда олиб борилаётган кенг қамровли фаолият, ахборот-коммуникация технологияла-

ридан фойдаланиш имкониятлари ва жараёнларининг кенгайиши; олий таълим муассасалари талабаларидаги оммавий компьютер, ҳисоблаш техникаси ва информатика фани воситаларига эгаллиги; таълим-тарбия жараёнининг ахборот муҳитига муҳтожлиги ва бу ахборотли таъминот ёрдамида мазкур жараённи олиб боришнинг оптимал вариантларини яратиш мумкинлиги; информатика фанининг бошқа фанлар билан ўзаро уйғун ҳолда ривожланаётганлиги; ўқув-методик тадқиқотлар ва уларнинг натижаларини педагогик амалиётда жорий этишни тезлаштириш: таълим жараёнини такомиллаштиришга эришиш; таълим соҳаси бошқаришини оптималлаштириш; таълим соҳасида сифат ўзгаришлари қилиб, юқори илмий-педагогик самарадорликни қўлга киритиш ва шу қабилар.

Бугунги кунда дунё микёсида содир бўлаётган воқеа ва ҳодисалар чуқур таҳлил қилинса, таълим-тарбия тизимини замонавий талаблар асосида мукаммаллаштиришни амалга ошириб, кадрлар тайёрлашга эришиш муҳим муаммо эканлиги сезилмоқда. Бундай муаммони ҳал қилиш эса таълим тизимини замон талаби, яъни илғор, ривожланган мамлакатлар таълим стандартлари ва дастурлари асосидаги кадрлар тайёрлашга эришиш орқали ҳал қилиш мумкин бўлади.

2.4. Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари

Бўлажак мутахассисларининг касбий-педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш, уларнинг инновацион ва креатив салоҳиятини ривожлантириш орқали рақобатбардошлигини таъминлашнинг дидактик механизмларини ишлаб чиқиш, айниқса педагогика олий таълим муассасаларида фанларни касбий соҳага йўналтириб ўқитишнинг интеграллашган технологияларини ишлаб чиқишнинг педагогик шарт-шароитларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамызда таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, “blended learning”, “flipped

classroom” технологияларини амалиётга кенг жорий этиш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий таълим дастурларини ташкил этиш билан бир қаторда аралаш таълимга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жамият таракқиёти ва кишилиқ жамиятининг ўзига хос ривожланиш босқичлари аралаш таълим муҳитининг ахборотлашиши билан боғлиқ бўлган кўплаб муаммоларни ҳал этиш имкониятини беради.

Таълими тизимининг жорий этилиши ва фаолият кўрсатиш муаммоси ҳолатини таҳлил қилиш натижаларига кўра, дунёдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва технологик ўзгаришлар динамикаси, ижтимоий амалиётнинг барча соҳаларини, шу жумладан, фаолият соҳаларини интеграциялаш, ахборот технологияларини ривожлантириш каби масалалар ишни ташкил қилиш табиатининг ўзгариши ва бу борада аҳолининг сифатли таълимга бўлган эҳтиёжларини оширди. Бу ҳолатлар мутахассисларнинг ўзгарувчан таълим эҳтиёжлари ва таълимдаги янги ёндашувлари билан яратилган имкониятлар ўртасидаги мувофиқликни топишга ундайди.

Дунё таълими таҳлил натижалари ижтимоий буюртма талабларини шакллантириш сифатида ташкилотлар ва жамиятнинг турли фаолият турлари учун шахснинг универсал қобилиятини ривожлантириш учун шарт-шароитлар, қўллаб-қувватловчи ижтимоий, касбий ва коммуникатив муҳит яратиш ҳамда мутахассисларнинг касбий ҳаракатчанлигини кучайтириш, кадрлар мобиллигини таъминлаш, зарур билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга кўмаклашишга устуворлик беришга қаратилган.

Тадқиқот муаммосига оид адабиётларни ўрганиш жараёнида бўлажак педагогларнинг аралаш таълим шароитида таълим, касбий ва ижтимоий муҳитларни, ташкилий ва педагогик асосларнинг бирлигини таъминлашга қаратилган концепцияни ишлаб чиқиш имконини берди. Мазкур концепция қуйидаги асосий хусусиятлар билан ажралиб туради:

– талабаларининг аралаш таълим тизими анъанавий ва масофавий таълим технологиясининг уйғунлигига асосланган;

– аралаш таълим шароитининг марказий шarti интеграллашган ахборот-таълим муҳитини ташкил этиш бўлиб, унинг асосини мутахассислик бўйича ўқув-услугий мажмуалар ташкил этади;

– аралаш таълим шароитида (меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий,

электрон-рақамли, илмий-услубий) ягона таълим муҳитини яратишга асосланган.

Тизимнинг психологик-педагогик ва ташкилий асослари бирлигида аралаш таълим мақсадлари, мазмуни, тузилиши ва усуллари га ўзаро кичик тизимларнинг ягона бошқаруви, педагогик назорат воситалари ёрдамида таъсир этиш орқали эришилади.

Тизимнинг педагогик ва ташкилий асосларини динамик мувозанатини ва бирлигини сақлашнинг асосий тамойилларига қуйи тизимларда фаолият мақсадларининг ўхшашлиги; мослашувчан интерактив дастурий таъминотни бошқариш; ходимлар томонидан педагогик ва ташкилий функцияларни бирлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда ягона алоқа муҳити тамойиллари киради.

АКТни ўқитишда фойдаланиш усули бу талабаларнинг ушбу технологиялар элементларига асосланган билим ва таълим вазифаларини ҳал қилиш учун ўз зиммасига олган фаолияти бўлиб, АКТдан фойдаланишни ўргатиш методикаси ўқитувчининг ахборот-коммуникация воситалари ва уларнинг таълим имкониятларини ўзлаштириш тўғрисида маълумотларини тарқатиш, қайта ишлаш, когнитив (масалан, амалиётга йўналтирилган) вазифалар ва ўзлаштиришдаги ҳаракатларини англатади (шахсий, семантик). Шу нуқтаи назардан, АКТ таълимнинг мақсади «техник» компонентни эгаллаш билан чекланиб қолмасдан, балки ахборот-коммуникация технологияларининг коммуникатив ва ривожланиш қобилиятлари учун тадқиқот қисмларини шакллантиришни ҳам ўз ичига олади. Талабаларда АКТ дан фойдаланиш компетенциясини шакллантириш нафақат масофавий таълим шаклида талаб қилинади, балки таълимнинг барча шаклларида муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, аралаш таълимнинг ҳам зарур компонентаси ҳисобланади ва ўқув жараёни қуйидаги қоидаларга асосланади:

– талабалар ўқув материали назариясининг бир қисмини аудитория маърузасидан олдин ўқитувчи учун тайёрланган маълумотларни белгиланган муддатларда ўзлари мустақил равишда (асинхрон офф-лайн режимида) ўрганадилар. Бунда талабалар дарс вақтида асосий эътиборини ўқув материалларини такрор эшитиш эмас, мавзунинг ўзлаштириш қийин бўлган қисмларини муҳокама қилишга йўналтиради;

– дарсларнинг бир қисми (маърузалар, консултациялар) масофа-

вий интерактив режимга ўтказилади (синхрон он-лайн) - бу таълим олувчилар иштироки ва уларнинг қамровини оширади, масофада жойлашган кўплаб талабалар учун дарсларни параллел равишда ўтказишга имкон беради (масалан, сиртқи бўлим талабалари);

– семинар ва амалий машғулотларнинг маълум қисмини интерактив бўлмаган хизматлар (форумлар, суҳбатлар) ёки интерактив (виртуал аудитория) орқали интернет тизими орқали он-лайн тарзда амалга ошириш мумкин;

– ўқув материални ўзлаштиришни бошқариш ва ўзини назорат қилиш, асосан, ахборот таълими муҳитининг модули бўлган таълим платформасида масофавий тест тизими орқали амалга оширилади.

Аралаш таълим моделининг мослашувчанлиги шундан иборатки, анъанавий (юзма-юз) ва масофавий ўқитишнинг «аралашини» нисбати ҳар хил бўлиши мумкин, бу бир неча омилларга боғлиқ:

– ўқув фанининг мазмуни;

– талабаларнинг ёши;

– тингловчиларнинг ўз-ўзини тарбиялашга тайёрлик даражаси;

– таълим муассасасининг таълим ахборот муҳити, таълим платформасининг ички тузилиши ва қўлланилиш имкониятлари;

– ўқув-услубий таъминот, ахборот муҳитининг бойитилганлик даражаси.

Ўқув курси бўйича белгиланган фан кредитини ўзлаштириш самарадорлиги тўғридан-тўғри шакллар нисбати (анъанавий, масофавий вастақил таълим нисбатлари)ни тўғри танлаш, аудитория ва мустақил ўрганиш учун берилган материалларни тақдим этиш хусусиятига бевосита боғлиқдир. Ушбу шартлар учун мақбул бўлган ўқитиш шакллари ва усуллариининг комбинацияси аралаш таълим технологиясининг моҳиятини очиб беради. Шу билан бирга, кундузги ва масофавий таълим шакллариининг ҳар қандай нисбати учун бир бутунликдаги ўқув жараёнини шакллантириш керак. Бунда ўқувчиларнинг таълим олиш фаолиятининг бир қисми аудиториядаги ўқитувчининг бевосита раҳбарлиги остида бир қисми эса мустақил иш учун ўқитувчи билан масофавий ёки юзма-юз мулоқот орқали амалга оширилиши олдиндан режалаштирилиши мақсадга мувофиқ.

Д. Кларк аралаш таълим тизими моделларини танлашда бир неча босқичларини ажратиб кўрсатган:

– биринчи босқич ўрганилаётган фаннинг ўқув материални тақдим этишнинг мумкин бўлган усуллари ва воситалари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ;

– иккинчи босқич - мақсадли аудиторияни таҳлил қилиш, бу тингловчиларнинг психологик хусусиятлари, уларнинг умумий ва ахборот маданияти даражаси, мотивацияси ва бошқаларни ҳисобга олишни назарда тутати;

– учинчи босқичда ўқув жараёнини бошқариш ва таълим сифатини таҳлил қилиш билан боғлиқ ташкилий талаблар белгиланади;

– тўртинчи босқич - танланган аралаш таълим моделини бево-сита амалга ошириш ва синовдан ўтказишдан иборат.

Аралаш таълимни ташкил қилиш учун мавжуд схемалардан фойдаланиш интернет тизими моделини амалга оширишга қай даражада имкон беради? Албатта, масофавий ўқитишдан анча кўпроқ. Чунки, дастаб аралаш таълимнинг мақсади тингловчига машғулотнинг энг қулай ташкилий шаклини танлаш имкониятини беришдан иборат бўлган бўлса, амалда талаба кундузги ва масо-фавий ўқитишнинг шахсан ўзи учун маъқул бўлган нисбатини тан-лай олмайди. Аралаш таълим схемаси (модели) таълим муассаса томонидан белгиланади ва талабага ушбу модел доирасида фақат эркинлик берилади. Ўқув жараёнининг жадвали ҳам ҳамма учун бир хил ва шартли равишда ўқув семестрининг бутун давомийли-гини ўз ичига олади. Бошқача қилиб айтганда, ўқувчининг мавжуд аралаш моделларида ҳақиқий танлов эркинлиги йўқ. Ва ниҳоят, масофавий таълимда ўқитувчи томонидан катта ҳажмдаги матери-ал тайёрланиши талаб этилиши сабабли ўқитувчилар иш юклама-сининг анъанавий таълим шаклига нисбатан ортиб кетишига олиб келмоқда.

Аралаш таълим ўзига хос психологик-педагогик ва методологик ёндашувлар, ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаси-ни талаб этади. Хусусан, аралаш таълим босқичларида ўқитувчи вабўлажак ўқитувчиларнинг педагогик компететлигини ривожлан-тириш, талабаларнинг фаолияти, таълим методлари ҳамда аралаш таълим шароитлар ахборот технологияларидан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитларини инобатга олиниши керак бўлади (2.4.1-жадвал).

2.4.1-жадвал
Аралаш таълим шароитлар ахборот технологияларидан фойдаланишнинг педагогик шароитлари

Аралаш таълим босқичлари	Талабанинг фаолияти	Ўқитувчининг фаолияти	АКТ фойдаланилган ҳолдаги таълим методлари	АКТ дан фойдаланиш усуллари
1	2	3	4	5
Талабаларнинг пси-хологик-педагогик диагностикаси	Талабаларнинг психофизиологик хусусиятларини, мотивация соҳалари шакллантириш даражасини, касбий ва бошқа ҳизикшилари бўйича ўзини-ўзи диагностика қилиши	Талабаларга психологик-педагогик диагностика қилишнинг (танлашга ёрдам) махсус методикаларини тақдим этиш	Талабаларни, уларда регулятив универсал ўқув ҳаракатлари шаклланиши учун ўзини-ўзи диагностика қилишга ўқитиш	Психологик-педагогик диагностика (ўзини-ўзи диагностика қилиш) учун тармоқ ресурслари ва автоматлаштирилган компьютер назоратдан фойдаланиш
Давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқув фанларини ўрганиш учун мақсад ва вазифаларни аниқлаб олиш	Аралаш таълимнинг шахса йўналтирилган модели учун умумий мақсад ва аниқ вазифаларни (танлаш) белгиллаб олиш	Ўқув фанлари бўлимларини ўрганишда мақсадлар ва вазифаларни белгиллаб олиш (танлашда талабаларга тўғри йўналиш бериш	Таҳлил, сингез ва аниқлаштириш бўйича фикрлаш операциялари орқали регулятив ҳаракатларни шакллантириш	Тавсиялар, форум, чат, электрон почта, ўқув ахборотларини етказишда АКТ (жумладан, интерактив хизмат) воситаларини қўллаш
Ўқув материални танлаш ва тузилишини белгиллаш	Ўқув материални аниқлаштирилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб танлаш ва тузилишини белгиллаш, ўқитиш шакли (матрицаси) ва фанни ўрганиш дастурини (режасини) яратиш	Аудитория ўқув машғулоти ва масофадан ўқитиш учун ўқув материалининг тузилишини белгиллашда йўналиш кўрсатиш	Таҳлил, сингез ва аниқлаштириш ва классификациялаш бўйича фикрлаш операциялари орқали регулятив ҳаракатларни шакллантириш	Тавсияларни етказиш, ўқув ахборотларини етказишда форум, чат, электрон почта орқали мулоқат қилиш тарзида АКТ (жумладан, интерактив хизмат) воситаларини қўллаш

Ўқитиш технологиясини (усул ва шакллари) танлаш	Ўқитиш усуллари, шакл ва воситаларини танлаш, ўқув вақтини режалаштириш, ўқув ва амалиёт топшириқлари бажарилиши графигини тузиш	Диагностика натижалари ва қўйилган вазифаларга мувофиқ ўқитишнинг усуллари, шакли ва воситаларини лойиҳалаштиришда тавсиялар бериш	Таҳлил, синтез, аниқлаштириш ва солиштириш бўйича фикрлаш операциялари орқали регулятив ҳаракатларни шакллантириш	Ўқитишнинг усул ва шакллари лойиҳалаштириш технологияларини безатиш учун электрон ўқув воситаларини (махсус тренажерлар, жумладан, электрон жадвалларда ишлаб чиқилган тренажерлардан фойдаланиш
Асинхрон off-line режимда («... гача таълим») босқичи)	Белгиланган ўқув материални мустақил ўзлаштириш, ўқув ва ўрганиш топшириқларини (доираси олинган белгиланган билимларни мустақил ўзлаштириш), форумларда ишлаш, электрон почта орқали мулоқат қилиш, ўқитувчи ва гуруҳдошлар учун саволарни тайёрлаш, дарснинг мазмуни ва тузилишини белгилаш	Ўқув машгулотини ўтказиш тартибини белгилаш, жумладан, ташкилий масалаларни ҳал қилиш учун талабалар билан форум, чат, виртуал синфхона тарзида, электрон почта орқали мулоқат қилиш	Фикрлаш, қабул қилиш, тасаввур, диққат, эътибор қилиш жараёнлари орқали ўқув материални репродуктив билим (ўқув материали ва ўқув объектларини ажрата олиш) даражасигача мустақил ўзлаштириш ва мулоҳаза қилиш қобилиятларини шакллантириш	Тавсияларни етказиш, ўқув ахборотларини етказишда форум, чат, электрон почта орқали мулоқат қилиш тарзида АКТ (жумладан, интерактив хизмат) воситаларини қўллаш
Синхрон on-line режимда лекция (консультация) («... айти вақтда таълим») босқичи)	Янги билимлар олиш, талабаларнинг ўқитувчи, экспертлар, гуруҳдошлари билан ҳамкорлиги, ўқув фаолиятида жамланган тажрибалари билан ўзаро алмашиш	Мустақил ўрганилган материални муҳокама қилишни, ўқув фаолиятида орттирган тажрибасини, талабаларнинг қийинчилик ва муаммолари таҳлилинини ташкил қилиш	Ўқув топшириқларини ечиш учун зарур бўладиган материални тушунишни, ўқув фаолиятидаги қўникмаларни (ўқувларни) когнитив жараёнлар асосида шакллантириш	Тезкор қайтар (иккитомонлама) алоқани ўрнатиш мақсадида ўқув ахборотлари тақдими учун яратилган электрон ўқув материалларини ва ўқув фаолиятини бошқаришнинг интерактив воситаларини қўллаш
Синхрон «on-line» режимда семинар ва амалий машгулотлар	Ўқитувчи ва гуруҳдошлар билан материалларни, бажарилган топшириқ натижаларини муҳокама қилиш, интерактив ўқув материалларидан фойдаланиш, видеоконференция, турли ўйинлар ва тадбирларда қатнашиш	Ўқув материални, берилган ўқув топшириқларининг бажарилиши ва натижаларини муҳокама қилиш	Фикрлаш, диққат, хотира ва нутқнинг когнитив жараёнларини фаоллаштириш орқали ўқув материални тушунишни, амалий фаолиятга тайёргарликни шакллантириш	Интерактив қайта (иккитомонлама) алоқани ўрнатиш ва ўқув-ўрганиш фаолиятини бошқариш мақсадида электрон ўқув материаллари ва АКТдан фойдаланиш

Гуруҳ бўлиб ишлаш, коммуникация хизматлари ёрдамида мисоллар бажариш («...кейинги таълим») босқичи)	Гуруҳда ишлаш бўйича вазифаларни тақсимлаш ва натижалари учун жавобгарликни белгилаш, форумда, виртуал синфхонада ва чатда ишлаш, электрон почта орқали мулоқотни таъминлаш	Гуруҳ бўлиб бажариладиган ҳамда индивидуал йўналтирилган лойиҳаларни кузатиб бориш, тьюторлик хизмати	Фикрлаш, диққат, хотира, нутқ ва бошқа қобилиятларнинг когнитив жараёнларини фаоллаштириш орқали амалий, касбга йўналтирилган фаолиятга тайёрлаш, коммуникатив универсал ўқув фаолиятларини (УЎФ) шакллантириш	Талабалар билан қайта (иккитомонлама) алоқани ўрнатиш ва индивидуал ўқув йўналишларини амалга ошириш мақсадида АКТдан фойдаланиш
Ўз-ўзини назорат қилиш, мақсадни амалга ошириш ва компетентлик даражаси диагностикаси	Ўз-ўзини назорат қилиш ҳамда мақсад қилиб белгиланган ўзлаштириш ва компетентликнинг ривожланиши даражасини диагностика қилиш	Диагностика (тўғри йўналишни белгилаш) усулини ва психологик-педагогик диагностикани ташкил қилиш усулини тақдим қилиш	Фикрлаш, диққат, хотира қобилиятларнинг когнитив жараёнларини фаоллаштириш орқали регулятив универсал ўқув фаолиятларини (УЎФ) шакллантириш	Автоматлаштирилган компьютер назорати тизимини, педагогик диагностика учун электрон жадваллар, талабаларнинг ўқув фаолиятини бошқарув тизимини қўллаш
Таълим фаолияти натижаларига тузатишлар киритиш	Мақсад ва вазифаларга эришиш даражасини диагностика қилиш, индивидуал йўналтирилган қўшимча ўқув топшириқларини тузиш ва бажарилишини таъминлаш	Гуруҳдаги ва индивидуал ўқув фаолияти натижаларига тузатишлар киритиш, талабаларнинг қийинчилик ва муаммолари сабабларини таҳлил қилиш	Амалий-касбий йўналтирилган вазифаларни ечишга тайёрлаш ҳамда таҳлил ва солиштиришнинг фикрлаш операциялари асосида универсал ўқув фаолиятларини (УЎФ) шакллантириш	Ўқув фаолияти натижаларига АКТ ёрдамида тузатишлар киритиш
Яқуний диагностика	Назорат тартибидagi диагностика топшириқларини (компьютерда йўналтирилган тестлар ўтказиш) бажариш	Академик ўзлаштириш, компетенциянинг ва бошқа қобилият даражаларини диагностика қилиш, гуруҳдаги ва индивидуал ишлар учун яқуний баҳолашни бажариш	Амалиётга йўналтирилган ва касбга йўналтирилган вазифаларни бажаришга тайёргарликни шакллантириш	Тармоқ ресурсларидан, психологик-педагогик диагностика учун ўқув жараённинг натижадорлиги статистикасини тўплаш ва ахборотларни тизимлаштириш воситаларидан фойдаланиш

Шундай қилиб, аралаш таълим моделини ташкил этадиган ўқитиш усуллари - ўқитувчи ва ўқувчилар фаолияти усуллари ҳамда уларнинг диалектик бирлигидир. Талабаларнинг мустақил ишларининг нисбатининг ошишида уларнинг автоном, мустақил фаолият усулларининг шаклланганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ушбу шарт, бизнинг фикримизча, аралаш таълимнинг индивидуал траекториясини ишлаб чиқиш учун энг муҳим ҳисобланади. Ўқитувчи талабалар учун шахсий таълим йўналишларини лойиҳалаш бўйича махсус машғулотларни ташкил қилиши ва уларнинг мустақил таълим олиш қобилиятларини шакллантиришлари керак.

Олий таълим муассасалари талабаларининг шахсий ривожланиш тизимини ўрганиш жараёнида ўқитувчи ва талабаларнинг мақсадли ҳамкорлиги шароитида аралаш таълим орқали бўлажак мутахассиснинг юқори сифатли касбий тайёргарлигини назарий, услубий ва технологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш жиҳатлари ўрганилди. Педагогик жараённинг ўзига хос қонунлари, таълим сифатини бошқариш тамойиллари, умумилмий тизимларни қамраб олувчи тизимли, синергетик ва квалиметрик ёндашувлар, шу жумладан, ахборот-таҳлилий, мотивацион-мақсадли, режалаштириш-прогностик, ташкилий-ижро этувчи, назорат-диагностик, норматив-коррекцион ва сафарбарлик функцияларини институтдаги таълим сифатини бошқариш тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланиши учун яратилган шарт-шароитлар мажмуаси таъминлайди. Бу ташкилий, мазмуний, илмий ва жараёнли компонентлари, бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик компетентлиги асосида аралаш таълим шароитида бўлажак мутахассисларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантиришга шароитлар яратишни кўзда тутаяди.

Аралаш таълим уч даражали концептуал моделга асосланган бўлиб, улар:

– моделнинг ядроси аралаш таълимни ташкил этишнинг анъанавий, масофавий ва мустақил (интернет) таълим тамойиллари мажмуи (профессионал таълим ва ижтимоий муҳитлар бирлиги тамойили; андрагогик таълим, компетенциявий ва шахс йўналтирилган ёндашувлар синтези тамойили; педагогик, бошқарув ва АКТ технологиялари синтези тамойили)ни ташкил этади;

– кичик тизимлар мажмуи (маъмурий, ўқув, кадрлар, илмий-методик, молиявий ва бошқалар)дан иборат;

– аралаш таълимни ривожлантириш тизими (marketing, инновацион ва ўз-ўзини ривожлантириш) механизмларидан иборат.

Бундай модел, бўлажак ўқитувчиларнинг аралаш таълим шароитида педагогик компетентлигини ривожлантириш имкониятини яратиш учун фаолиятга асосланган ёндашувни кенг жорий этиш ва таълим тизимини ташкил этиш, шунингдек, таълимнинг турли узлуксиз босқичларида талабаларфаоллигини қўллаб-қувватлаш ҳамда ўрганиш учун ўқув мотивини шакллантиришнинг махсус тизимини яратиш орқали амалга оширишни кўзда тутаяди.

Бўлажак ўқитувчиларнинг аралаш таълим муҳитига тайёргарлик жиҳатларитаълим моделини амалга оширишнинг педагогик шарт-шароитларисамарасининг энг муҳим жиҳатларини намоён қилади. Педагогик фаолият таълим самарадорлигини оширишнинг педагогик шарт-шароитларни таҳлил қилиш нуқтаи назаридан бўлажак ўқитувчиларнинг аралаш таълимга тайёргарлик муҳитини шакллантириш муҳим шартлардан ҳисобланади.

Фалсафада “шарт” тушунчаси «объектга бўлган муносабат» билан боғлиқ ҳолда атрофидаги ҳодисалар, бошқа нарсаларга (шартли) боғлиқлик, объектларнинг муҳим таркибий қисми (нарсалар, уларнинг ҳолатлари, ўзаро таъсирлари) мавжудлиги билан ифодаланади. Шароит эса, давлат ва жамият, масъул маъмурий ташкилотлар, муайян ташкилот раҳбарлари ва унинг жамоаси томонидан яратиладиган ёки таълим олувчининг ўрганиш фаоллиги натижасида юзага келтириладиган таълимий жараёнларни, ўрганиш, ташкиллаштириш ва самарали педагогик усуллар, воситаларни қўллаш имкониятлари мажмуасини қамраб олади. Бунда педагогик жараённи ташкил этиш алоҳида эътибор бериш зарур бўлган устувор жиҳат ҳисобланади ва ўз таркибига таълим олувчилар, таълим жараён мақсади, шакллари, методлари, воситалари ҳамда натижаларини бирлаштиради (3.2.2-расм).



2.4.1-расм. Педагогик жараённинг ташкилий элементлари

Аралаш таълим шароитидаги педагогик компетентлик шартлари: педагогика назарияси ва психология асосларини билиши; педагогик маҳоратга эга бўлиши; замонавий технологияларини ўзлаштира олиши; ҳиссий барқарор бўлиши; тинглай билиши ҳамда касбий, ташкилотчилик, мулоқотга киришувчанлик, бошқарувчилик, ижодий фаолиятни ташкил эта олиш ҳамда воқеликни тўғри баҳолай олиш сифатлари билан белгиланади. Шунингдек, тадқиқотчилик, мақсадни аниқ кўя олиш ва унга эришиш; вақтни тўғри тақсимлай билиш ҳамда ижодий фаолиятни ташкил этиш кўникмасига эга бўлиши ахлоқли, ўз фаолиятини танқидий баҳолай олиши зарур.

Замонавий олимлар томонидан ҳам шарт-шароит тушунчаларига турлича муносабат билдирилган. Уларнинг фикрича, турли белгилари асосида уларни бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин. Хусусан, Ю.К.Бабанский “шароитларни таъсир доираси ва педагогик тизимнинг фаолияти кўра, ташки (табiiй ва географик, ижтимоий, саноат, маданий, микро муҳитлар) ва ички (ўқув-моддий, мактаб-гигиеник, ахлоқий-психологик, эстетик) гуруҳларга ажратади. Бошқа бир олимлар эса таъсир характерига кўра, объектив ва субъектив шароитлари, объектининг ўзига хос хусусиятларига кўра, умумий ва хусусий фаолият кўрсатиш имкониятлари ва ривожланишига кўмаклашувчи шарт-шароитлар тизими сифатида баҳолашади. Умумий шарт-шароитларга ижтимоий, иқтисодий, маданий, миллий, географик жойлашувни, ўзига хос хусусиятлари-

га тарбияланувчиларнинг ижтимоий-демографик таркиби; таълим муассасаси жойлашуви; таълим олувчининг моддий имкониятлари, ўқув муҳитнинг имкониятлари ва бошқаларни киритиш мумкин.

Б.В.Половинкина аралаш таълим шаклидаги педагогик шарт-шароитларни соҳадаги аниқ долзарб муаммоларни ҳал қилиш, таълим-тарбия жараёнида мақсадга мувофиқ амалга оширилиб, анъанавий ва масофавий шаклларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган “вазиятга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи” деб талқин қилган.

Шундай қилиб, педагогик шарт-шароитлар тушунчасининг мазмун- моҳияти бизнинг талқинимизда педагогик йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуини шакллантириш, қўйилган мақсадларга эришиш, ўзаро ҳамкорлик ва уларнинг таркибига тасодифий сабабларнинг кириб келишига тўсқинлик қилувчи қўшимча омилларни бартараф этишдан иборат. Унинг шаклланиш ва ривожланиш омиллари эса, аралаш таълимнинг хусусиятларини ҳисобга олиш лозим бўлган анъанавий, масофавий ва мустақил таълимни ўз ичига олади.

Юқоридаги омилларни ҳисобга олган ҳолда куйидаги педагогик шарт-шароитларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

- аралаш таълим асосида интеграциялашган таълим муҳитини яратиш;

- аралаш таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик компетентлигини шакллантириш моделининг компоненталарини ишлаб чиқиш;

- талабаларнинг қобилиятини шакллантиришда масофадан таъсир ўтказиш.

Бизнинг назаримизда, таълим-тарбия жараёнларининг самарадорлиги, биринчидан, талабаларнинг фаол иштироки ва ташаббускорлиги ҳамда уларни мақсадли рағбатлантириш билан боғлиқ бўлиб, бу тизим ичидаги муносабатларнинг интеграллаш хусусиятини шакллантиришни назарда тутлади. Таълимда интеграцион ёндашувлар шахсни ва талабаларнинг касбий интилишлари, ўз-ўзини ривожлантириш компетенциясини ва касбий тайёргарлик сифатини оширишни таъминлайди. Аралаш таълим шакли ҳозирги дунёнинг шиддат билан тараққий этиш шароитида вақт, масофа ва ўз-ўзини англаш элементлари ва янгича ёндашувларини инте-

грациялаш заруратини келтириб чиқаради, шу билан бирга барча зарур таълимий маълумотларини ифодаловчи алоқа тизимини яратишга имкон берадиган қулай ахборот таълими муҳитига шароит яратади.

Аралаш таълим шароити дидактик, таълимий ва ижтимоий-педагогик ўзаро муносабатларни ўрнатувчи мураккаб педагогик жараёндан иборат бўлиб, кўпгина таркибий қисмлар реал имкониятлар яратиш ва танлаб олиш, танқидий фикрлаш каби шахсий сифатларни, рефлексив, ўз-ўзини идора қилиш функциясини шакллантириш ҳамда талабаларнинг масъулияти ва шахсий жавобгарлик ҳисларини шакллантириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллай олиш кўникмасида намоён бўлиши ҳамда ўз моҳиятига кўра ижтимоий ҳаётга йўналтириш, яшашга ўргатиш, талабанинг нафақат объект сифатида, балки субъект сифатида тан олинishi каби педагогик имкониятларни тубдан ўзгартиради. Шу билан бирга педагогик жараённинг ташкил этилиши ва мазмуни у нафақат ўқитувчи томонидан, балки ўқувчининг фаолияти ва эҳтиёжлари билан ҳам белгиланади.

Шу нуқтаи назардан аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг асосий компоненти -масофавий таълимнинг Чирчиқ давлат педагогика институтида яратилган педагогик шарт-шароитлари хусусида қисқача тўхталиб ўтамиз. Масофавий таълим элементларидан 2018 йилдан бўён асосан, сиртқи таълим йўналиши талабалари учун фойдаланиб келинди. 2020 йилда пандемия шароити сабабли бу тизим барча йўналиш талабалари учун электрон таълим тизими сифатида Moodle (Modular Object-Oriented Dynamic Learning Environment – Модулли объектга йўналтирилган динамик таълим муҳити)– бу ўқитувчилар томонидан махсус тайёрлаган сифатли on-line курсларини сайтлар орқали бошқариш тизими (E-learning) жорий этилди. Бу тизим одатда, виртуал таълим муҳити (Virtual Learning Environments - VLE) деб ҳам юритилади.

Мазкур тизим қуйидаги педагогик-ташкилий имкониятларга эга:

- бажарилган ишларни таҳрирлаш ва баҳолаш имкониятларининг соддалиги;
- натижаларни автомат назорат қилиниши ва қайта алоқа қилишнинг қулайлиги;

– талабаларнинг анкета-сўров натижалари орқали фан (курс) эҳтиёжи аниқланиши;

– бажарилган амалий вазифаларнинг электрон ҳисоботлари олиб борилиши;

– тизимнинг соддалиги, самаралилиги ҳамда унда турли web-браузерлар мавжудлиги;

– фан (курс)ларнинг бир неча қисмларга ажратиб ўқитиш имконияти мавжудлиги каби педагогик ва ташкилий-диогностик имкониятларга эга.

Масофавий таълим платформасида ўқув курсларнинг бошқарилиши ва таълим ресурсларининг имкониятлари сифатида:Лекция;Семинар; Иш дафтарлари;Тестлар;Ресурслар; Сўровлар;Анкета-лар; Вазифалар; Форумлар; Чат; Амалиёт машғулотларини олиб бориш шароитларини келтириш мумкин.

Moodle (Modular Object-Oriented Dynamic Learning Environment – Модулли объектга йўналтирилган динамик таълим муҳити)нинг яна бир қулайлиги талабалар билан қайта алоқа ўрнатиш имкониятларининг мавжудлигидир. Булар қуйидагилар: «Чат», «Опрос», «Форума», «Учебная работа», «Тесты» модуллари ҳамда «Анкетирование»модули.

Шунингдек, мазкур тизимнинг ижобий жиҳатлари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин:

– вазифалар ва тестларнинг масофадан (ёки Интернет орқали) берилиши

– тестларнинг автоматик текширилиши ва натижаларнинг дархол талабага етказилиши

– тестларнинг қулай таҳлил қилиниши ва кўп вариантда қўлланилиш имконияти (осон, ўрта ва қийин даражадаги тестларнинг танловга кўра танланиши);

– талабалар ишларинингтўлиқ назоратга олинishi (вақти, жойи, давомийлиги)

– бажарилган ишларнинг оператив баҳоланиши ва талабалар билан қайта алоқанинг ўрнатилиши;

– ўқитувчи ва талаба орасида индивидуал муносабатнинг ўрнатилиши (индивидуал ёндашув)

– ўқитувчи ва талабалар ота-оналари учун талаба бажарган вазифаларнинг қачон ва қандай бажарганлигини кўриб бориш им-

конияти.

Шу билан бирга тизимнинг ўзига хос салбий жиҳатлари сифатда куйидагиларни келтириб ўтиш мавжуд:

- вазибалар ва тестларни тайёрлаш учун вақтнинг нисбатан кўпроқ сарфланиши;
- талабаларга берилган индивидуал вазибаларни текширишларга ва қайта алоқани ўрнатишга вақтнинг кўп сарфланиши;
- тизим билан ишлашдаги ташкилий ҳамда электрон топшириқлар ҳажмига боғлиқ ҳолда интернет тизимидаги техник муаммолар;
- мунтазам равишда фан (модул)ларнинг янгилаб турилиши;
- электрон таълим тизим билан ишлаш жараёнида ёшларнинг электрон мобил қурилмалар билан ишлаш кўникмасига эга эмаслиги, Moodle га жойлаштирилган материаллар билан ишлашларидаги кийинчиликларни келтириб ўтиш мумкин.

ОТМ администратори

Мажмуа фаолиятининг умумий назоратини олиб бориш	Статистик маълумотларни жамлаш ва раҳбариятга тақдим этиш	Мажмуа фаолиятини юритишда амалий ёрдам курсатин	Мажмуага бирламчи маълумотлар (факультет, кафедра ва гуруҳлар)ни киритиш	Профессор-ўқитувчиларга логин ва парол (капит)лар тақдим этиш
--	---	--	--	---

КУРС ЯРАТУВЧИ (педагог-ўқитувчи)

Фанлар кесимида электрон ресурсларни жойлаштириш	Талабаларни тегинли ресурслардан фойдаланиш учун рухсат беради	Ресурсларни мунтазам янгилаб боради	Тугалланган фанларни базалан олади (Учунриб таппайди)
--	--	-------------------------------------	---

ТАЛАБА

Мустақил тарзда мажмуа жойлашган веб-сайтда рухсатдан ўтади (ёки олинган ўтказилган бўлади)	Қилиув тизими орқали зарур фан ёки профессор-ўқитувчининг излаб топиб, ресурслардан фойдаланишга рухсат сурайди	Профессор-ўқитувчининг тегинли рухсатидан сунг очик ресурслардан фойдаланиш имкониятга эга бўлади
---	---	---

2.4.2-расм. “Moodle” объектга йўналтирилган динамик таълим муҳити (мажмуаси)нинг ташкилий қисмлари

Электрон таълим тизим асосидаги талабалар фойдаланадиган электрон мажмуанинг асосий вазифаси электрон таълим администратсияси, профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар ўртасидаги турли хил электрон ресурслар алмашилиш, мажмуага вазифа ва масалаларни жойлаштириш орқали таълим бериш самарасини оширишдан иборат бўлиб, мазкур электрон мажмуа бир қатор ташкилий қисмлардан иборат бўлади (3.2.2-расм).

Институтнинг масофавий таълим шакли тажрибаси асосида талабаларнинг мустақил таълим кўникмасини шакллантиришда фаолият даражаларини белгиловчи меъзонлар ҳамда мустақил таълимни шакллантириш йўналишлари белгилаб олинди.

Бунда электрон таълим тизими тўлдирилиши учун профессор ўқитувчилари томонидан куйидаги материаллар тайёрланиши зарур бўлади:

- “Йўл кўрсатувчи” матнлар (аниқ мақсад ва вазибалари, мавзунинг ўрганиш зарурлиги ҳамда амалиётда қўлланилиш соҳалари)
- Маърузалар матни
- Кўргазмалар материаллар (анимация, видеоролик, рангли тусунтириш расмлари ва б.)
- Амалий машғулотлар, яъни мисол ва масалалар ечимларидан намуналар ҳамда топшириқлари
- Семинар машғулотлари материаллари
- Лаборатория машғулоти таснифлари
- Уй вазибалари учун топшириқлар
- Мустақил ўқиш учун материаллар
- Фанга оид мактаб дарслиги
- Тестлар
- Глоссарий (таянч атамалар)
- Асосий (ва қўшимча) электрон адабиётлар (бетлари кўрсатилган ҳолда)
- Амалиёт учун индивидуал топшириқлар.


Институтдаги электрон таълим платформаси (MOODLE) га бирламчи маълумотлар ОТМ нинг администратори томонидан жойланиши, платформага ўқув материалларини жойлаш ва талабаларнинг ундаги ишлашларини назорат қилишлари учун профессор-ўқитувчиларга кириш имконияти берилиши платформада ишлаш жараёни тизимини (3.2.3-расм) ташкил этиди.

Иш жараёнининг схематик кўриниши



3.2.3-расм. MOODLE тизими иш жараёнининг схематик кўриниши

Профессор-ўқитувчи ва талаба орасида ўзаро мулоқот. Файллар ва хабарлар алмашинуви



Институтда талабаларнинг назарий ва амалий аудитория машғуллари билан биргаликда, уларнинг мустақил таълимини электрон таълим тизими (MOODLE) ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, у уч хил шаклда йўлга қўйилган:

1. Талаба талабага ўргатиш технологияси. Мустақил таълимнинг талаба-талаба устоз тамойили асосида ўргатиш технологиясида талабалар билимларни бир-бирига ўргатадилар. Бунда талабаларнинг электрон таълим платформаси билан ишлаш кў-

никмаларини ўзлаштириш юқори самара беради. Бу жараён талабалар ўзларининг ташаббуслари билан дарсдан бўш пайтларида гуруҳларда баҳс-мунозара шаклида ёки фан янгиликлари бўйича турли хил чат, семинар, форум ва маърузалар ташкил этиш орқали амалга оширилиши орқали йўлга қўйилади.

2. Мустақил таълим (Аудиториядан ташқарида, профессор-ўқитувчилар иштирокисиз). Аудиториядан ташқарида амалга ошириладиган мустақил таълимда талабалар замонавий адабиётлар ва Интернет сайтлари орқали берилган топшириқлар бўйича конспектлар, рефератлар, адабиётлар шарҳи ёки мақолалар бўйича аннотациялар шарҳи, презентациялар, эсселар, ижодий ишланмалар тайёрлайдилар.

3. Мустақил таълимни ташкил этишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш. Бу жараён институт компьютер серверига электрон таълим муҳитида таълим йўналишлари, гуруҳлар ва фанлар кесимида маъруза, амалий, лаборатория ва семинар ҳамда мустақил топшириқлар жойлаштирилган бўлиб, талабалар учун институтнинг локал тармоғи орқали ушбу маълумотлардан фойдаланишга имкониятлар яратади. Бу ҳар бир фан ва мавзу кесимида талабаларга олдиндан тайёргарлик кўриш, мавзу билан танишиш, дарсларга олдиндан тайёргарлик кўриб келиш ва мавзу юзасидан пайдо бўлган саволларга ориентир олиш имконини беради ҳамда талабаларда мавзуларни мустақил ўқиш кўникмаларини шакллантиради. Бир сўз билан айтганда, талабалар ўзлари тахсил олаётган йўналишлардаги барча фанлар, электрон ресурслар-адабиётлар, амалиётлар билан олдиндан таниш бўладилар. Бу эса ўз навбатида таълим бериш сифатини янада оширишга сабаб бўлади. Шунингдек, бу орқали талабалар мустақил таълим олишда дунёнинг етакчи университетларининг очик on-line курсларидан фойдаланиши кўникмалари аралаш таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик компетентлигининг ривожланганлик даражасини белгилайди.

Шундай қилиб яратилган педагогик шарт-шароитлар аралаш таълим шароитида педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

III БОБ. АРАЛАШ ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИ

3.1. Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш модели

Тадқиқот ишининг ушбу параграфида мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг 5111000 – “Педагогика ва психология (Умумий педагогика ва уни ўқитиш методикаси) бакалариат ва магистр таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабаларнинг педагогик компетентлиги (мазмунининг предмет тузилмаси, унинг таркибий қисмларини жорий этиш, педагогик компетентликни ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари) таҳлил этилди. Бунда тажриба-синов ишининг таъкидловчи босқичи натижалари келтирилган бўлиб, улар аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришга эҳтиёж ва талаблар мавжудлиги ҳақидаги назарий хулосаларни тасдиқлайди. Зеро, ҳозирги шароитида олий таълимни модернизациялашнинг энг биринчи галдаги вазифаси мамлакат тараққиётининг ҳаётий эҳтиёжларига жавоб берадиган таълимнинг янги замонавий сифатига эришишдир. Педагогик нуқтаи назардан қаралганда, ушбу вазифалар талабаларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш, уларда мустақил билим олиш кўникмаларини, ўзгарувчан ижтимоий шарт-шароитларга мослашиш қобилиятини шакллантиришга қаратилгандир.

Аммо бизнинг назаримизда таълим мазмунини ўзгартирмай ёки дифференциацияламасдан ушбу масалаларни ҳал этиб бўлмайди. Талабаларнинг билим олишга ва билишга бўлган эҳтиёжлари, қизиқишлари ва қобилиятларига қараб, ўқитишнинг мазмуни, ташкилий шакллари, методларининг вариативлигини таъминлаш, шубҳасиз, таълимнинг барча босқичларида муҳим аҳамиятга эга, аммо талабаларни касбий фаолиятига тайёрлаш босқичида, уларда педагогик компетентликни ривожлантириш жараёнида айниқса долзарб ҳисобланади. Айнан шунинг учун ҳам, олий таълим тизимига ўқитишнинг янги шакллари жорий этиш, мослашувчан

таълим тизимини ривожлантириш, талабаларнинг узлуксиз таълим олишини таъминлаш - таълимнинг замонавий янги сифатига эришишнинг зарурий шарт ҳисобланади.

Дастлаб анъанавий кундузги таълим ва унинг функцияларини кўриб ўтиш мақсалга мувофиқ. Тараққийпарвар дидактикада ўқув жараёнининг учта асосий функцияси - таълимий, ривожлантирувчи ва тарбиявий функциялари алоҳида ажратиб кўрсатилади. Таълим функциясининг моҳияти шундан иборатки, бунда ўқув жараёни энг аввало таълим олувчиларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилади. Ўқитишнинг таълимий функциясини таҳлил қилиб, у билан ўзаро узвий боғлиқ бўлган ривожлантирувчи функциясини аниқлашга ҳаракат қиламиз.

Ўқитишнинг ривожлантирувчи функцияси моҳияти шундан иборатки, ўқитиш жараёнида билимларни ўзлаштиришда талаба шахсининг барча соҳалари, шунингдек шахснинг ўзи фаолияти давомида ривожланиб боради. Бунда ўқув жараёни аълим олувчиларнинг шахсини ривожлантиришга атайлаб йўналтирилади, яъни таълим мазмуни шундай тарзда танланадики, бунда таълим жараёнини ташкил этиш учун дидактик тизим барпо этилади ва у ривожлантириш хусусиятига эга бўлади.

Ўқитишнинг тарбиявий вазифаси шундан иборатки, машғулотлар жараёнида юксак ахлоқий ва эстетик тасаввурлар, дунёқарашлар тизими, жамиятдаги хулқ-атвор меъёрларга, унда қабул қилинган қонун-қоидаларга риоя қилиш қобилияти шаклланади. Ўқитиш жараёнида бошқа сифатлари қатори, талабларда шахсий эҳтиёжлар, ижтимоий хулқ-атвор мотивлари, фаолият кўникмалари, кадриятлар ва кадриятга йўналганлик, дунёқараш шаклланади. Ўқитиш функциялари ўқув жараёнининг барча дидактик ташкил этувчиларида, хусусан, ўқув вазифалари комплексида, ўқитиш мазмунида, методлари, шакллари, ўқув оситалари тизимида, шунингдек, ўқув жараёнининг ҳиссий соҳасида жорий этилади.

Энди аралаш таълимнинг муҳим компоненти бўлган масофавий ўқитиш ва унинг вазифаларини муҳокама қилишга ўтамиз. Ҳозирги вақтда «масофавий таълим» ибораси бутун дунё таълими лексиконидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Кейинги ўн йилликларда масофавий таълим ва ахборот маданияти жаҳоншумул ҳодисага айланди ҳамда кўплаб мамлакатларнинг таълими мазмунини ўзгартириб

юборди. Шу боис республикамиздаги олий таълим муассасаларини Интернет тармоғига улаш ва уларда электрон алоқаларни йўлга қўйиш масаласига эътибор анча кучайтирилди. Буларнинг барчаси республика олий таълим муассасаларига янги педагогик ва ахборот технологияларини, жумладан, масофавий таълимни жорий этиш, Интернет орқали форум, видеоконференциялар ўтказиш, электрон машғулотлар тизими ҳамда ўқув қўлланмалар яратиш ва уларни олий таълим жараёнида қўллашга қаратилган тадбирларга дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди Олий таълим соҳасида мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича янгиланган давлат олий таълим стандартлари ва ўқув дастурлари жорий қилинди¹. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 8 октябрдаги Ф-4724-сон фармойиши билан ташкил қилинган Ишчи гуруҳ томонидан олий таълим тизимидаги ҳолатни ўрганиш натижаларига кўра, бир қатор олий таълим муассасаларида ҳали ҳам илмий-педагогик салоҳиятнинг пастлиги, таълим жараёнларини ахборот-услубий ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш замонавий талабларга жавоб бермаслиги, уларнинг моддий-техника базасини тизимли янгилашга эҳтиёж мавжудлиги, замонавий илғор педагогик ва янги компьютер, ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, Интернетнинг таълим жараёнига сушт жорий этилаётганлиги таъкидлаб ўтилган (.....).

Ҳозирги замон жамиятини ахборотлаштириш таълим тизими олдида шундай вазифаларни қўймоқдаки, уларни ҳал этишда олий таълим муассасалари муҳим ўрин эгаллайди. Жамиятни ахборотлаштириш муаммоси олий таълим муассасалари олдида талабаларни янги вазиятларда (таълим жараёнини ахборотлаштириш шароитида) ишлашга, аралаш таълим технологиялари ва масофавий таълим шакллари амалда жорий этишга ўргатиш, уларнинг педагогик компетентлигини замон талаблари даражасида ривожлантириш масаласини қўйди. Бундан кўринадики, олий таълим муассасалари таълим олаётган талабаларнинг аралаш таълим шароитида

ишлашга тайёргарлигини оширишлари ва масофавий таълим шакллари йўлга қўйишлари заруратга айланмоқда.

В.И.Овсянников, В.П.Кашицин ўзларнинг «Россиядаги масофавий таълим: муаммо қўйиш ва ташкил этиш тажрибаси» номли китобида масофавий таълим, масофавий ўқитиш ва масофавий таълим технологияларига турлича таърифларни келтириб ўтишган. Масофавий таълим (МТ) - бу «анъанавий, янги ахборот ва телекоммуникация технологиялари, техник воситаларнинг кенг спектридан фойдаланишга асосланган ўқитишнинг универсал гуманистик шакли бўлиб, бунда таълим стандартларига жавоб берадиган ўқув фанларини эркин танлашлари, ўқитувчилар билан мунтазам равишда мулоқотга киришлари учун таълим олувчиларга барча шарт-шароитлар яратилади, ўқитиш жараёни уларнинг жойига ва вақтига боғлиқ бўлмайди».

“Масофавий таълим” ва “масофавий ўқитиш” атамалари ўтган асрнинг 90-йилларидан, яъни масофавий таълим тизими шаклланган вақтдан бошлаб, педагогика фанида мунтазам қўлланиладиган бўлди. Айни вақтда масофавий таълим тизими такомиллашган бўлишига қарамай, “масофавий таълим” ва “масофавий ўқитиш” каби атамаларнинг моҳияти борасида турлича илмий қарашлар мавжуд. Педагогик илмий тадқиқот ишлари ва ўқув-методик адабиётларда масофавий таълим тушунчасининг тулича таърифларини учратиш мумкин.

Масофавий таълим - бу талабанинг муайян таълимий даражага эга бўлиши ва уни амалда тасдиқлаши учун масофадан ўқитиш жараёни жорий этиш тизими бўлиб, бу унинг кейинги ижодий ва меҳнат фаолияти учун асос бўлиб ҳисобланади.

Масофавий таълим технологиялари (МТТ) деганда асосан талаба ва ўқитувчи ўртасида билвосита (масофадан туриб) ёки муайян даражада ахборот ва телекоммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган таълим технологиялари» деб тушунилади.

Масофавий ўқитиш-талабанинг мустақил билим олиш тамойилига таянувчи таълим жараёнининг янги тузилмаси ҳисобланади. Таълим муҳити шу билан характерланики, таълим олувчилар асосан ёки бутунлай фазо (ёки) вақт жиҳатдан ўқитувчидан узоқда ва айни вақтда улар истаган пайтларида телекоммуникация воситалари ёрдамида мулоқот қилиш имконига эга бўладилар.

¹ <https://asr.uz/RU/4371/>

Масофали ўқитиш (distant education) - ўқув жараёнининг мақсади, мазмуни, услублари, ўқитиш воситалари ва Интернет технологияси ёрдамида тингловчи ва ўқитувчилар масофадан туриб интерфаол мулоқот қилиш жараёнидир.

Масофавий таълим- талабаларни илмий фикрлашга ўргатиш, ўқув фанига қизиқишини кучайтириш, касбий билимларини чуқурлаштириш, назарий ва амалий машғулот мобайнида фаоллигини кучайтиришда уларнинг дастурий билим, тасаввур ва кўникмалари асосида мустақил ишлаш самардорлигини ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Масофали таълимда ўқитиш модели (ягоналик модели, иккиланганлик модели, аралаш модел, консорциум, франчайзинг, валидация, узоклаштирилган аудиториялар ва лойиҳалар), технологиялар (кейс, корреспондентлик таълим, радиотелевизион, тармоқли таълим ва мобил), категориялар (синхрон ва асинхрон) асосий ўрин тутди.

А.А.Андреев “масофавий ўқитиш - таълим олиш шакли (кундузги, сиртки, кундузги-сиртки, экстернат каби) ҳисобланиб, таълим жараёнида компьютер ва телекоммуникация технологияларига асосланган ҳолда ўқитишнинг анъанавий ва ўзига хос методлари, воситалари ва шаклларидан фойдаланилади” деган хулосага келган.

У.Ш.Бегимкулов ўзининг тадқиқот ишида масофавий ўқитиш-педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш амалиёти билан узвий боғлиқ эканлигини таъкидлайди¹. Масофавий таълим йироқлашган аудитория таълим муассасасида ташкил этилган ўқув курслари, маъруза ва семинарлар синхрон телекўрсатув, видеоконференция, телекоммуникация каналлари орқали талабалар йиғилган аудиторияларда намойиш қилинади.

А.А.Абдуқодиров берган таърифга кўра “Масофали таълим - масофали ўқитиш усул ва воситалари орқали таълим олиш шаклидир”. Масофали ўқитиш эса - ўқув жараёнини ташкил этишнинг янги шакллари билан бири бўлиб, талабаларни ривожланган ахборот

¹ У.Ш.Бегимкулов ўзининг тадқиқот ишида педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти. Педагогика фанлари доктори, диссертация-Т. 2017.-305-б.

ашёлари ёрдамида мустақил ўқитиш тамойилига асосланади.

Н.А.Муслимов масофавий таълимга “масофадан туриб, ўқув ахборотларини алмашиш воситаларига асосланувчи махсус ахборот муҳити ёрдамида таълим хизматларини кўрсатиш тизимидир” деб таъриф берган.

“Педагогик атамалар луғати”да масофавий ўқитишга қуйидагича таъриф берилган: “Масофавий ўқитиш - ўқув машғулотларининг барчаси ёки кўп қисми телекоммуникацион ва замонавий ахборотлаштириш технологиялари асосида олиб бориладиган масофадан туриб ўқитиш”.

Педагогика фанидан изоҳли луғатда “Масофавий таълим - масофавий таълим методларига асосланган ҳолда аҳолининг кенг қатламларига тақдим этилувчи замонавий таълим хизматлари мажмуаси. Масофавий ўқитиш – ўқитувчи ва талаба ўртасидаги тўғридан-тўғри, шахсий алоқасиз “масофадан ўқитиш” имконини яратиб берувчи замонавий ахборот ва телекоммуникацион технологиялардан фойдаланишга асосланган ўқитиш жараёнини амалга оширишнинг янги методи” деб таъриф берилган.

Масофавий ўқитиш - маълум бир масофада Интернет технологияси ёки бошқа қайтар алоқа усуллари, шунингдек барча таълим жараёнлари компонентлари - мақсад, мазмун, метод, таълимнинг ташкилий шакллари ҳамда ўқитиш усуллари асосланган таълим олувчи ва таълим берувчи ўртасидаги ўзаро муносабат

“Масофавий таълим тизимининг анъанавий таълим шаклидан фарқи, унинг эгилувчанлигига боғлиқ равишда юқори ҳаракатчанлиги, тингловчиларнинг мустақил ишлаш имкониятининг катталиги, ўқув - методик таъминотнинг ранг-баранг шаклдалигида бўлиб, улар тингловчиларнинг қаердалигидан қатъий назар таълим жараёнининг самардорлигини кўтаришга имкон беради” деб ҳисоблайди А.А.Абдуқодиров.

А.Ф.Марасулов, В.Д. Мусафиров ва М.К. Зарикеевларнинг фикрича “масофавий ўқитишнинг бизга яхши маълум бўлган таълим шакллари билан ягона фарқи шундаки, бунда тьютор тингловчилар билан мулоқот вақтида Интернет таклиф этган янги ахборот технологияларидан фойдаланилади”.

Педагогик амалиётда таълим беришнинг маъруза, семинар, лаборатория машғулотлари, мустақил ишлар, курс ишлари, назорат

ишлари, синов, имтиҳон, маслаҳат каби шакллари яхши маълум. Масофавий таълим тизимида уларнинг алоҳида ўрни бор.

Масофавий ўқитиш анъанавий таълим шаклларида куйидаги характерли хусусиятлари билан ажралиб туради: эгилувчанлик (талабаларнинг машғулотларда қатнашмаслик, доимо махсус ўқув қўлланмалар тўпламига эга бўлиш, ўқитувчилар ва курсдошлари билан мунтазам мулоқотда бўлиш имконияти); мослашувчанлик (билими ва тайёргарлиги даражасидан келиб чиқиб, ҳар бир талаба учун индивидуал ўқув режасини тузиш); модуллиқ (масофавий таълим маълум бир предмет соҳасидаги аниқ курсга бирлаштирилган алоҳида модуллардан иборатлиги, гуруҳ ёки шахснинг таълимга бўлган индивидуал эҳтиёжларини қондириш, доимий касбий ривожланишни таъминлаш; параллеллик (анъанавий кундузги, сиртки, масофавий таълимни параллел равишда олиб бориш имконияти); интерактивлик (асосан талабаларнинг бир-бирлари ва ўқитувчи билан доимо ўзаро алоқада бўлиши, юзага келадиган муаммоларни «он-лайн» режимида компютер, Интернет, электрон таълим ресурсларидан фойдаланган ҳолда ҳал қилишига имкон берадиган махсус технологиялар ва ўқув қўлланмаларини танлаш ва улардан фойдаланиш имконияти); мувофиқлаштириш (барчасини мувофиқлаштириш ўқитувчининг зиммасида: ўқув материаларини ўқиш ва назорат қилиш, фан бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш, талабаларнинг билиш фаолиятини мувофиқлаштириш, ўқитилаётган курсга тузатишлар киритиш); назорат (ҳар қандай таълим жараёнининг ажралмас ва мажбурий қисми: масофавий ўқитиш жараёнида масофавий назорат усуллари, шунингдек анъанавий кундузги таълимдагидек синовлар, имтиҳонлар, семинарлар, коллоқвиялар, суҳбатлар, амалий ва лаборатория машғулоти ва компютер синов тизимларидан фойдаланилади).

Масофавий таълимни ўқув жараёнида қўллаш предмети бўйича қатор назарий тадқиқотларни талқин этиш асосида биз куйидаги хулосага келдик: масофавий ўқитишнинг мақсади аралаш таълим шароитида талабаларда педагогик компетентликни ривожлантириш модели асосида уларнинг педагогик билим, кўникма ва малакалар тизимини эгаллашларини таъминлашдан иборат. Шунингдек масофавий таълим талабаларда дастлабки педагогик меҳнат тажрибасини эгаллашини қўллаб-қувватловчи, интегратив топшириқлар

ва машқлар тизимини ўз ичига қамраб олади. Таълим мазмуни методлар, ташкилий шакллар ва бевосита уларни амалга ошириш жараёнидан иборат. Масофавий таълимнинг юқори дидактик имкониятини ҳисобга олиб, масофадан ўқитиш технологияларининг куйидаги фаолиятини функцияларини ажратиш кўрсатишимиз мумкин (уларнинг ҳар бири ўқув жараёнидаги фаолият методларидан бирига мос келади).

- тадқиқот - талабалар, ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва бошқа илмий ходимларнинг биргаликдаги турли хил тадқиқот ишларини ташкил этиш;

- маслаҳат - талабаларга тезкор маслаҳатлар беришни таъминлаш;

- тезкорлик - ўрганилаётган мавзу бўйича маълумотлар, ғоялар, режаларни тезкор алмашинув;

- коммуникатив - талабалар ва таълим берувчиларда мулоқот кўникмаларини, мулоқот маданиятини шакллантириш;

- ахборот - ҳар хил манбалардан маълумотларни олиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, маълумотларни қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш кўникмаларини ривожлантириш;

- ривожлантириш – турли хил маълумотлар билан танишиш асосида талабаларнинг маданий, гуманитар соҳаларда ривожланишини таъминлаш.

Анъанавий ва масофавий таълимларнинг юқорида санаб ўтилган функцияларини ҳисобга олган ҳолда, ўқув жараёнини аралаш таълим асосида ташкил этиш, яъни кундузги таълимни масофавий таълим технологиялари ҳамда мустақил ўрганиш билан биргаликда жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида хулосага келиш мумкин. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун анъанавий кундузги таълимнинг усувор жиҳатлари билан масофавий таълим технологияларининг афзалликларини оқилона бирлаштирган тарзда ўқув жараёни моделини ишлаб чиқиш лозим. Моделлаштириш илмий тадқиқот методларидан бири бўлиб, педагогикада кенг қўлланилади ва ўрганилаётган объект ҳақида олинган ахборотлар асосида янги модел ёки эскисига ўхшаш модел яратилади.

“Моделлаштириш” тушунчасининг гносеологик маъносини тадқиқот қилишни “модель” тушунчаси моҳиятини аниқлаш-

дан бошлаш лозим. “Модель” французча “modele” ва лотинча “modulus” сўзларидан келиб чиққан бўлиб, ўлчов, намуна, меъёр деган маъноларни англатади; модель – кўп нусхада ишлаб чиқариладиган бирор буюмнинг намунаси; бирор нарсанинг тури, маркаси, конструкцияси намунаси.

Моделлаштириш ёки «педагогик моделлаштириш» замонавий педагогик тадқиқотларнинг асосий методларидан биридир. Ушбу метод туфайли педагогик воқеликнинг янги-янги объектларининг муҳим хусусиятларини излаш ва тушунтириш имконияти пайдо бўлди. Бевосита моделлаштириш - бу ўрганилаётган педагогик ходисанинг компонентлари ва ўзаро ички боғлиқликларини аниқлаш, шунингдек, аниқ хусусиятларини юқори сифатли ва миқдорий таҳлил қилиш орқали шакли, таркиби ва тузилишининг ишлаши ёки педагогик объект шаклланишини акс эттиришнинг назарий методидир.

Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш моделини қуриш ўқув жараёнининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида энг янги маълумотларни олиш, анъанавий кундузги (классик) таълим билан масофадан ўқитиш ва мустақил ўрганиш ўртасидаги ўзаро таъсир моделларини аниқлаш ва кейинчалик уларни такомиллаштириш йўллари аниқлаш имконини беради.

Замонавий фан методологиясида модел деганда «табиий ёки ижтимоий воқеликнинг маълум бир бўлагининг аналог (схемаси, тузилиши, белгилар тизими), инсоният маданияти маҳсули, концептуал-назарий таълим ва шунга ўхшашлар, моделнинг оригинали тушунилади.

О.И. Клопова ва В.Н. Лисачкинанинг фикрича, «педагогик модел – бу жараёнлар, уларнинг ўзаро алоқа ва боғлиқликлари тенг (бир қийматлили, изоморф) тарзда акс эттирадиган тизим. Моделлаштириш – оламни билиш ва ўзгартириш методларидан биридир. “Педагогика. Большая современная энциклопедия” китобида кўрсатилишича, таълим ва психологияда моделлаштириш муаммо сифатида икки аспектда қараб ўтилади: 1) ўқитиш жараёнида талабалар ўзлаштирилиши лозим бўлган таълим мазмуни ва улар эгаллаши зарур бўлган билиш усули сифатида; 2) ўқув фаолиятининг таркибий элементи ҳисобланган асосий ўқув амалларидан

бири сифатида.

В.А. Штофф моделлаштиришни тадқиқот позициясидан кўриб чиқади ва уни қуйидагича таърифлайди: «Модел деганда объектнинг ўрнини боса оладиган шундай хаёлий тасаввур қилинган ёки амалда реал жорий этилган тизим тушунилади».

Олий таълимни ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ҳамда илм-фан ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ҳолда ташкил этиш, битирувчиларда педагогик компетентликни иш берувчилар талаблари асосида ривожлантириш долзарб педагогик муаммолардан бўлиб қолмоқда. Олий таълим муассасаларида 3450302 - «Педагогика ва психология» таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалар ва ўқитувчилар билан сўровнома ўтказиш асосида умумпедагогика ва махсус фанларни ўқитиш жараёни ҳолати, муаммолари ўрганилди ва қуйидагилар аниқланди:

битирувчиларнинг педагогик компетентлиги даражаси ҳозирги замон педагогик фаолият талабларини ҳамма вақт ҳам қаноатлантиравермайди, бунинг асосий сабаби, амалий педагогик фаолиятга тайёрлаш методикасининг етарли даража такомиллаштирилмаганлиги, уларда узлуксиз ва тизимли равишда педагогик компетентликнинг ривожлантирилмаганлиги, умумий ўрта таълим, профессионал таълим ҳамда олий таълим ўртасида муайян узилиш мавжудлиги;

олий олий таълим муассасаси талабаларида аралаш таълим шароитида педагогик компетентликни ривожлантиришдаги қийинчиликлар қуйидаги омиллар билан боғлиқ: “педагогик билим”, “педагогик компетентлик” ва “педагогик малакалар” каби тушунчаларининг аралаш таълим нуқтаи назаридан талқин этилмаганлиги ва амалиётга жорий қилинмаганлиги педагогик компетентликнинг ривожланганлиги даражасини аниқлаш мезонларининг ишлаб чиқилмаганлиги, уни ташхислаш (диагностика) методининг такомиллаштирилмаганлиги; аралаш таълим шароитида талабаларда педагогик компетентликни ривожлантириш бўйича методик ишланмалар, қўлланмалар, методик кўрсатмалар ва воситаларнинг етарли эмаслиги; таълим муассасаларида тайёр методик кўрсатмалар бўйича амалий ишларни ташкил этишнинг анъанавий методи таълим олувчиларда педагогик компетентлигини замон талаблари даражасида ривожлантириш имконини берилмаслиги.

Педагогик компетентликни ривожлантиришнинг методик тизими яратишда энг аввало қуйидаги масалаларни ечиш зарурати туғилди:

- талабаларнинг педагогик фаолиятга қизиқишларини, қобилияти бор-йўқлигини аниқлаш;

- талабаларга педагогик фаолият амалиётини ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур бўладиган билим ва кўникмаларни эгаллашларига имкон берадиган “Аралаш таълим шароитида педагогик компетентликни ривожлантириш методикаси” ўқув курсининг дастурини ишлаб чиқиш;

- талабаларнинг тайёргарлиги, ўзига хос хусусиятлари, билим соҳасига қизиқишлари доираси ва машғулотларни ўтказиш учун яратилган шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда, уларни ўқув жиҳозларини ишлатишга ёки виртуал лаборатория, компьютер ва “Simulator” ўқув транажёрлари имкониятларидан фойдаланишга ўргатиш.

Аралаш таълим шаротида талабаларда педагогик компетентликни ривожлантиришда мазкур педагогик жараён иштирокчилари - талабалар педагогик фаолиятнинг ўзига хослиги, унинг таркибий қисмлари мазмуни, ўқув жиҳозлари ва виртуал таълимга оид дастурий воситалар, мультимедиа технологиялари, электрон таълим ресурсларидан фаолият объекти сифатида фойдаланиш назарда тутилди. Аралаш таълим шаротида ўқитишда ўрганилаётган педагогик ҳодиса ёки жараёнлар педагогик фаолият ҳақидаги ахборотлар ҳам талаба фаолиятининг объекти ҳисобланади.

Аралаш таълим шаротида талабаларда педагогик компетентликни ривожлантиришнинг педагогик ва ўқув-методик таъминотининг зарурий шартларидан бири - бу олий таълим муассасаси ўқитувчисининг мазкур жараёнга методик тайёргарлиги ҳисобланади. Олий олий таълим муассасалари талабаларида педагогик билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш, амалий-касбий кадрлар тайёрлаш мазмунини янада такомиллаштириш масаласи, энг биринчи навбатда, ўқув ва педагогик фаолиятга оид амалий машғулотларни ташкил этиш ҳамда ўтказишга янгича ёндашувни тақозо этади. Бунинг учун эса таълим муассасаларида педагогик фаолиятга бўйича ўқув амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказишнинг янги моделини ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Олий олий таълим муассасаларида мутахассисликлар бўйича индивидуал педагогик фаолият таълими машғулотларини мазкур модель асосида ташкил этиш ва ўтказишда қуйидагилар назарда тутилади: педагогик фаолиятнинг мураккаблигини ва унинг талабалар томонидан эгалланиши даражаларини ҳисобга олиб, ўқув режаларига кўшимча таълим сифатида “Педагогик компетентлик” номли махсус курсни киритиш, уни ўрганиш соатларини семестрлар бўйича тақсимлаш (тизимлаштириш); индивидуал педагогик фаолият машғулотларини бошлашдан олдин умумпедагогик ва махсус фанлар бўйича талабаларнинг назарий билимларини баҳолаш учун “Педагогик амалиётга кириш тести” ни ташкил этиш; “Педагогик амалиётга кириш тести” натижаларига асосан талабаларнинг фанлар бўйича олган назарий билимларини чуқурлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш; индивидуал педагогик фаолият машғулотлари якунида иш берувчи муассаса вакиллари иштирокида талабаларнинг педагогик компетентликни баҳолаш; индивидуал педагогик фаолият машғулотларини иш берувчи муассасанинг ўзида тажрибали педагог-мураббийлар томонидан ташкил этиш; индивидуал педагогик фаолият машғулоти натижаларига қараб, уларни мазмунан янада такомиллаштириш ҳамда талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва шундан кейин навбатдаги индивидуал педагогик фаолият машғулотига тайёргарлик кўриш; амалий машғулотларда фаол иштирок этган ва касб сирларини яхши ўзлаштирган талабаларни рағбатлантириш механизмини ривожлантириш (таълим муассасаси ва иш берувчи таълим муассасалари ҳамкорлигида амалга оширилади).

Мутахассисликлар бўйича индивидуал педагогик фаолият машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишга янгича ёндашув ўқитувчи ва тьютер-педагоглар ҳамда мактаб ёки педагога коллежлари вакиллариининг ўзаро ҳамкорлигини изчил йўлга қўйишни, уларнинг малакасини замон талаблари даражасида оширишни талаб этади.

Аралаш таълим шароитида талабаларда педагогик компетентликни ривожлантириш методлари хилма-хилдир. Уларнинг айримлари тадқиқот ишининг 3.3-бандида ҳақида сўз юритилади.

Айни жараён ва унинг психологик-педагогик асослари тўғрисидаги билимларни тизимлаштириш асосида аралаш таълим шароитида

тида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг мазмуний моделини яратиш, анъанавий кундузги, масофавий таълим ва мустақил ўрганишнинг ўзаро таъсирининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида энг янги маълумотларни олишга, уларнинг ўзаро алоқадорлигини, қонуниятларини аниқлаш ҳамда ушбу таълим жараёнини кейинчалик шакллантириш ва такомиллаштириш йўллари топишга имкон беради. Педагогик ҳодисаларга тизимли ёндашиш, аралаш таълимнинг интегратив жараёнларини бирлаштиришга имкон беради. Бир бутунлик ва изчиллик туфайли кундузги ва масофавий таълимнинг ўзаро таъсирларининг таълимий, ривожланиш, дидактик, ахлоқий ва бошқа кўринишларида кўп йўналишларга эга эканини тушуниш мумкин бўлади.

Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш моделини яратишда биз ҳозирги замон шароитлардаги устувор методологик ёндашувларга таяндик:

- компетентли ёндашув - бу таълим мақсадларини аниқлаш, таълим мазмунини танлаш, ўқув жараёнини ташкил этиш ва таълим натижаларини баҳолашнинг умумий тамойиллари тўплами;

- тизимли ёндашув аралаш таълим шароитида талабаларда педагогик компетентликни ривожлантириш жараёнини унинг кўп даражали ташкил этилувчиларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиш тизимини ўз ичига олади;

- шахсга йўналтирилган ёндашув аралаш таълим шароитида талабаларда ижтимоий аҳамиятга эга сифатларни, педагогик компетентликни, касбий аҳамиятга эга компетенцияларни ва индивидуаллигини ривожлантиришни назарда тутди;

- фаолиятвий ёндашув аралаш таълимда талаба шахсини ривожлантиришда фаолиятнинг турли шаклларида фойдаланишни ўз ичига олади. Ушбу ёндашув моделни лойиҳалаш стратегиясини белгилайди ва таълимий ўзаро таъсир фаолиятида шахснинг энг мослашувчан «ривожланиш траекторияларини» ва ўзининг имкониятларини намоён этиш йўллари белгилаб беради;

- интегратив ёндашув процессуал ва натижавий элементларни, фаол таълим тизимини ўз ичига олади ва шу билан уларни бошқариш имкониятини беради.

Педагогик адабиётлар ва илмий-тадқиқот ишларда ушбу ёндашувлар батафсил таърифлангани ва баён этилгани боис биз улар

ҳақида бир-бир тўхталиб ўтишни лозим топмадик.

Олиб борилган тадқиқотлар аралаш таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларда педагогик компетентликни ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш имконини берди (3.1.1-расм).

Аралаш таълим шароитида талабаларда педагогик компетентликни ривожлантириш жараёнининг модели (ташкилий-педагогик) тузилмаси қўйидаги компонентлардан ташкил топган:

мақсад (айни жараённинг мақсад ва вазифалари);

2) мазмун (таълим олувчилар ўқув-педагогик фаолиятининг назарий, методик ва технологик жараёнлари);

3) процессуал;

4) ташхислаш-натижавий.

Ижтимоий буюртмада талабаларни аралаш таълим шароитида амалий ишга тайёрлаш, электрон таълим ресурслари, Интернет тармоқлари, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш каби педагогик фаолият турлари эгаллашга оид малака талабларини ўзлаштирган ўқитувчилар тайёрлаш назарда тутилади.

Мақсад олий таълим муассасалари Педагогика ва психология таълим йўналиши (мактаб менежменти) нинг малака талабларида белгиланган педагогик таълим мазмунининг зарур ва етарли ҳажмини эгаллаган, педагогик таълим дастурларини муваффақиятли ўзлаштирган, “Аралаш таълим шароитида педагогик компетентликни ривожлантириш методикаси” махсус курсларида ўз билимини чуқурлаштириб, педагогик компетентликни пухта эгаллаган бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш вазифаларидан келиб чиқиб, талабаларнинг педагогик компетентлиги компонентлари (мотивацион, когнитив, фаолиятвий, технологик, интерфаол) мазмуни ишлаб чиқилди.



3.1.1-расм. Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш модели

Бўлажак ўқитувчиларда педагогик компетентликни аралаш таълим шароитида ривожлантиришнинг энг мақбул педагогик шарт-шароитлари сифатида қуйидагилар танланди: аралаш таълим асосида интегратив таълим муҳити (анъанавий, масофавий ва мустақил таълим)ни яратиш; талабаларнинг мустақил таълим олишга тайёргарлиги, ўқитишнинг аралаш моделининг мажбурий элемен-

ти мавжудлиги; талабаларда масофадан мулоқот қилиш қобилиятини шакллантириш; педагогик компетентликни ривожлантириш бўйича қўйилган масаларни биргаликда ечиш ва ишончли мулоқотни, ўзаро фойдали ҳамкорликни назарда тутувчи ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлаш; педагогик лойиҳалашнинг ресурс ва методик таъминотини таъминлашга йўналтирилган махсус аралаш таълим муҳитини яратиш.

Аралаш таълим шароитида талабаларда педагогик компетентликни ривожлантириш жараёнининг мақсад компоненти ўз ичига аралаш таълим шароитида талабаларда педагогик компетентликни ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш, илмий-педагогик жиҳатдан асослаш ва унинг самарадорлигини тажриба-синов асосида текшириб кўришни қамраб олади.

Мақсаддан келиб чиқиб, тадқиқотнинг қуйидаги вазифалари белгиланди: психологик-педагогик адабиётларни таҳлил қилиш асосида "аралаш таълим шароитида талабаларда педагогик компетентликни ривожлантириш" тушунчасининг маъносини аниқлаш; талабалар педагогик компетентлиги компонентларини аниқлаш; аралаш таълим шароитида талабаларда педагогик компетентликни ривожлантириш моделини самарадорлигини тажриба-синов асосида текшириб кўриш; талабаларда педагогик компетентлик ривожланганлигини аниқлаш бўйича мезоний-диагностик аппаратини ишлаб чиқиш.

Аралаш таълим шароитида талабаларда педагогик компетентликни ривожлантириш жараёни моделининг мазмуний компоненти Ўзбекистон Республикаси Олий таълим Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва таълим дастурлари билан белгиланади, шунингдек, фанларнинг назарий асосларини ва умумий касбий фанларни ўз ичига олади. Ўқитишнинг мазмуни - бу билим, кўникма, малака ва зарурий компетенцияларни ўз ичига олади, одатда, улар илмий билишнинг прогрессив ҳолатига мос келади, илм-фан, ижтимоий муносабатлар ва ишлаб чиқаришнинг кўшма асослари сифатида педагогик жиҳатдан қайта ишланади.

Процессуал компонентаралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган оқилна воситалар, методлар ва машғулоти бошқариш методларидан фойдаланишни назарда тутди. Ушбу компонентнинг аф-

зал жиҳати қўйилган мақсадларга мантқан мувофиқ ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш ҳисобланади.

Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш жараёни касбий тайёргарлик мазмунини лойиҳалашни назарда тутди. Касбий тайёргарлик тизимли объект сифатида тизимнинг компонентлари шаклланиши босқичлари ва характеристикасини ўз ичига олади, ўқитиш асосларига ҳамда талабаларнинг касбий эҳтиёжлари мазмунига мос ҳолда қурилади.

Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш моделини мақсадга йўналтирилган ҳолда жорий этиш “Аралаш таълим шароитида педагогик компетентликни ривожлантириш методикаси” махсус курсини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш воситасида амалга оширилади ва бунда ўқитишнинг одатдаги барча методлари ва шакллари, шу жумладан, инновацион (тадқиқотчилик, ижодий масалаларни ечиш, кейс усуллари, ўқитишнинг ижодий усуллари – ақлий ҳужум, эвристика, лойиҳалаш, иш биларманлик, ролли ва интерфаол ўйинлар, аралаш таълим мавзусида эсселар) шаклларида фойдаланилади; амалий топшириқларни танлаш: график диктантлар, кластерлар, «синквейнлар», ўқув жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш, шахсий топшириқлар блоки, ижодий ишлар ва бошқалар.

Талабаларнинг ўқув фаолиятини фаоллаштириш ва уни бошқариш воситаси сифатида ижодий топшириқларни шакллантириш жараёнининг ҳар бир компонентида фойдаланишга, машғулотларни аниқ режалаштириш, талабаларнинг мустақил иши, уни ташкил этиш, ўқув жараёнида қайтар алоқаларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Талабалар билан «Аралаш таълим шароитида педагогик компетентликни шакллантириш методикаси» курси мавзуларини ўрганаётганда ўқитишнинг ҳам анъанавий, ҳам кундузги, ҳам инновацион методлар қўлланилди. Бу эса ДТС янги авлоди томонидан қўйилган вазибаларни сифатли ва тизимли бажаришга, талабаларнинг янги билим, кўникма ва малакаларни, компетентликни индивидуал равишда муваффақиятли ўзлаштиришларига, шу жумладан, ўқув материалларини ўзлаштириш жараёнини ташкил қилиш, яъни мустақил ишлаш қобилиятини ривожлантиришларига имкон яратади.

Шуни таъкидлаш керакки, бунда ўқитувчи машғулотларни бевосита аудиторияда, яъни кундузги анъанавий шаклда, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва Интернет имкониятларидан фойдаланган ҳолда, масофадан туриб ташкил қилади. Бунда талабалар машғулотнинг мавзуси, мақсад ва вазибаларини шакллантириш, уларнинг долзарблигини аниқлаш жараёнининг бевосита иштирокчиларига айланадилар; кўзланган мақсадга эришиш йўлларини режалаштиришда фаол қатнашади; белгиланган режа асосида ўқув машғулотларини ташкил этади, шунингдек назоратни (ўзини ўзи назорат қилиш ва ўзаро бир-бирларини назорат қилиш) амалга оширишади; қийинчиликларни мустақил баргараф этади ва ўқув фаолиятига тузатишлар киритадилар; эришган натижаларига кўра ўзларининг фаолиятига баҳо берадилар.

Машғулот бошида ўқитувчи илгари ўтилган материалларни “эвристтик саволлар методи” ёрдамида такрорлайди ва фаоллаштиради. Ушбу методнинг моҳияти етти асосий муҳим саволга жавоб топишдан иборат: «Ким?», «Нима?», «Нима учун?», «Қаерда?», «Нима?», «Қандай?», «Қачон?» Ҳар бир гуруҳ аъзосининг ушбу саволларга берган жавоблари ва қисқа мунозаралари ғайриоддий ғоялар туғдиради ва муаммо ечимларини топиш учун имкон яратади.

Талабаларнинг аудиторияда реал иштирок этиши ёки аудиториядан юзлаб километр узоқликда бўлишидан қатъи назар, ишлар шундай тарзда ташкил қилинганида Веб-технологиялар ёрдамида талабалар ўтилган ўқув материални муҳокама қилиш ва мустаҳкамлаш жараёнида фаол қатнашадилар.

Шундан сўнг ўқитувчи янги ўқув материални тақдим этиш мақсадида маъруза-мунозара ўтказади, ўқув жараёнини жонлантиради, иштирокчиларнинг билиш фаоллигини фаоллаштиради ва бу жуда муҳим бўлиб, ўқитувчининг жамоавий фикрини бошқариш имконини беради. Ўқитувчи томонидан муҳокама учун саволларнинг тўғри танланиши ва уни оқилона ва мақсадга мувофиқ бошқариш орқали самарали натижаларга эришилади. Шуни таъкидлаш жоизки, ўқитувчи маъруза материални тақдим этишда нафақат талабаларнинг ўзининг саволларига берган жавобларидан фойдаланади, балки таълим жараёнида замонавий ахборот-коммуника-

ция технологияларини қўллаш бўйича икки гуруҳнинг бир-бирига қарама-қарши фикрлари бўйича эркин ахборот алмашиш имкони-ни яратади

Машгулотнинг кейинги босқичи – ўзлаштирилган материални олинган билимларни амалда мустаҳамлашдан иборат бўлиб, бун-да ўқитувчи талабаларга маълум вақт давомида ЭОР (электрон таълим ресурслари), симулятор дастурлари, электрон кутубхона-лар, маълумотлар базалари, Интернет тармоғида жойлаштирилган мультимедиа файллари ва бошқалардан фойдаланган ҳолда таклиф қилинган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари арсе-нали билан танишишни таклиф этади.

Белгиланган вақтдан сўнг талабаларнинг ҳар бир гуруҳи кичик мультимедиа тақдимотини тайёрлаб, уни тақдим этиши ва ўз нуқтаи назарини, фикрлари ва ғояларини баён этишлари керак, муҳокама жараёнида рақиб гуруҳлар танқидчи вазифасини бажаради.

Машгулот натижаларини умумлаштириш учун ўқитувчи гу-руҳда ўзаро баҳолашларни ташкил этади ва таҳлил қилишларини уюштиради.

Шунингдек, талабаларга уйда мустақил бажаришлари учун амалий топшириқлар берилади, бунда улар маълум бир мавзу бўй-ича кейс-стади тайёрлайдилар, ўқитувчига электрон почта орқали уни текшириши учун юборадилар ва веб-семинарга тайёргарлик кўриб, унда қатнашиш вақти ва шартлари ҳақида хабар беради.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир талаба (аудиторияда ва масо-фадан ўқитишда) олган билимларининг сифатини текшириш учун он-лайн синовдан ўтказилади, натижалари ўқитувчининг компю-терига келиб тушади. Ўқитувчи, ўз навбатида, ҳар бир талабанинг машгулотлардаги иштироки ва унинг натижаларини ва олинган тест натижаларини таҳлил қилиб, унга баҳо беради.

Аралаш таълим технологиясидан фойдаланишнинг афзалликла-ри тўғрисида қисқача хулоса чиқариб, шуни айтишимиз мумкинки, у ўрганилаётган ўқув материални интенсив ва пухта ўзлаштириш-га, мураккаб муаммоларни ҳал қилиш кўникмаларини ривожлан-тиришга, прогрессив методлардан фойдаланиш - ҳамкорликда ўр-ганиш, кичик гуруҳларда ишлаш учун катта имкониятлар яратади. Ушбу методни жорий этишнинг асосий вазифаси талабаларнинг ўқув материални самарали ўзлаштиришларини таъминлаш, турли

позицияларни эгаллаш қобилиятини ривожлантириш, умумий иш жараёнида ҳамкорликда ишлаш ва муаммони ҳал қилиш қобилия-тини ривожлантиришдан иборат.

Таълимнинг ҳозирги босқичида олий таълим муассасаларида қўлланилаётган ўқитишнинг инновацион методлари деганда, шу-нингдек, юқори ахлоқий аҳамиятга эга кадриятлар ҳисобланадиган методлар ҳам назарда тутилади.

Ташхислаш-натижавий компонент аралаш таълим шароити-да талабаларнинг педагогик компетентлигининг ривожланганлиги даражасини ва мақсадга мувофиқ ҳолда ташкил этилган ишлар натижасида юзага келган ўзгаришларни аниқлашга имкон беради. Талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожланганлигининг кўрсаткичлари ва даражалари айни компонентни тавсифлайди, шу-нингдек, ўқув жараёнини куриш тамойиллари ва талабалар тар-киби ҳисобга олинади. Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигининг ривожланганликдаражаларини аниқлаш натижаларидан педагогик тажриба-синов ишларининг кейинги босқичларида фойдаланилди.

Аралаш таълим шароитида талабалар педагогик компетентли-гининг қуйидаги компонентлари ва даражалари аниқланади:

- **мотивацион компонент** - бу талабаларнинг ўзларининг кел-гуси фаолиятига қатъий қизиқларини, масофавий ўқитиш воси-таларидан фойдаланишга бўлган ижобий муносабатини, янги ахборот-коммуникация технологияларини фаолиятида қўллашни ривожлантириш истаги, аралаш таълим шароитида замонавий ме-тодлар, услубларни ўзлаштиришга, ўқув жараёнида юзага кела-диган ностандарт масалаларни ечишда муваффақиятга эришишга интилиши;

- **когнитив компонент** - талабанинг аралаш таълим муҳити-да ишлаш, барча Интернет хизматлари, электрон таълим ресур-слари (ЭТР)дан самарали фойдаланишда зарур бўладиган асосий психологик, педагогик ва махсус билимларни эгаллаш, ўз-ўзини такомиллаштириш ва педагогик тажриба орттириш ҳақидаги би-лимлари, кўникмалари ва малакалари тизими;

- **фаолиятий компонент** - бу талабаларнинг аралаш шарои-тида шароитида, шу жумладан, ўқув ва методик адабиётлар, Ин-тернет хизматлари, шахсий компютерлар, махсус дастурлар билан

ишлашда касбий-педагогик билимларини амалда қўллашидан иборат бўлиб, ўқув-билиш вазифаларини ҳал этишлари учун уларда юқори даражадаги билимларни шакллантиришни, талабаларнинг индивидуал тадқиқот фаолиятини ташкил этиш учун юксак касбий компетенцияларни шакллантиришни назарда тутди. Ушбу компонент касбий муаммоларни ҳал қилиш жараёнида талабаларнинг қизиқишларни, билимларни, мотивларни, қадриятини йўналишларини реал ҳаракатларга айлантиришга имкон беради;

- **технологик компонент** - аралаш таълимнинг технологик ишланмаларини амалга оширишга имкон берадиган замонавий методлар, услублар ва воситаларни эгаллаш; замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, талабанинг аралаш таълим муҳитида босқичма-босқич олдинга силжишини режалаштириш ва амалга ошири усулларини ўзлаштиришни ўз ичига олади;

- **интерфаол компонент** - бу бутун ўқув жараёни давомида талабалар ва ўқитувчининг бир-бири билан доимий равишда юзма-юз ва масофадан ўзаро мулоқотга киришиши, ушбу жараён иштирокчилари ўртасида ахборот алмашинуви, таҳлиллар амалга оширилади. Аралаш таълим жараёнида мулоқот қобилиятлари ва кўникмалари ривожланади, ҳамкорлик ўрнатилади, яхши ҳиссий алоқа ўрнатилади, умумий таълим қобилиятлари ва кўникмалари ривожланади ва ўз-ўзини тарбиялашга, мустақил таълим олишга эҳтиёжлар шаклланади; шахснинг ижодий хусусиятлари тарбияланади; билиш борасида мустақиллиги ривожланади. Интерфаол таълим талабаларнинг мустақил билиш фаолиятини фаоллаштирилади ва шунинг учун талабаларнинг шахсининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Аралаш таълим шароита талабалар педагогик компетентлиги компонентларининг ривожланганлиги даражалари қуйидагилардан иборат: **паст, ўртача, юқори.**

Аралаш таълим шароитида талабалар педагогик компетентлиги компонентлариривожланганлигининг **паст даражаси** келгусидаги касбий фаолиятига мотивация пастлигини, масофавий ўқитиш воситаларидан фойдаланишга ижобий муносабатнинг ривожланмаганлигини, аралаш таълим шароитида ишлаш учун уларнинг етарлича билим, кўникма ва малакага эга эмаслигини билдиради. Интернет хизматларининг барча турларидан фойдаланиш учун та-

янч психологик, педагогик ва махсус билимларнинг етарли эмаслиги, шунингдек амалий фаолият ва аралаш таълимни технологик ривожлантириш учун касбий-педагогик билимлари даражасининг пастлигини кўрсатади. Ўқув жараёнида янгиликларни билишга бефарқлик, ўз-ўзини ривожлантиришга, мустақил таълим олишга, интилиш намоён бўлмаглигини ва шунинг учун талабаларнинг аралаш таълим шароитида ишлашга тайёр эмаслигини билдиради.

Аралаш таълим шароитида талабалар педагогик компетентлиги компонентлариривожланганлигининг **ўртача даражаси** касбий муаммоларни ҳал қилиш учун талаб қилинадиган билим, кўникма ва малакаларнинг етарли даражада ўзлаштирилганлигини ва уларни амалда онгли равишда қўллаш олишини, аралаш таълим жараёнида самарали ташкил этишини, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнида қўллаш билишини, ўқув жараёнида юзага келган ностандарт масалаларни мустақил ҳал қилишда муваффақиятга эришишини, ўз-ўзини тарбиялашга, мустақил таълим олишга интилишини, индивидуал тадқиқот фаолиятини ташкил эта олиши, мулоҳаза юртиши ва ўзининг фаолияти натижаларини таҳлил қила олишини билдиради.

Талабалар педагогик компетентлиги компонентлари ривожланганлигининг **юқори даражаси** касбий тайёргарлиги анча ортганлиги билан характерланади, бу бўлажак ўқитувчига касбий фаолиятда ўзининг имкониятларини намоён этиши, хусусан, аралаш таълим муҳитида ишлаш учун имкон туғдиради. Таланган касбига бўлган эҳтиёж, инновацион фикрлаш тарзи аниқ намоён бўлади, ижодкорлиги ривожланади, мақсадини режалаштириш ва амалга ошириш методларини ўзлаштириши, босқичма-босқич олдинга силжиши, ташаббускорлиги ва фаоллиги, ўзини ўзи ривожлантиришга интилиши, мустақил ўрганиш қобилияти, рефлексиф қобилияти, педагогик тажрибаси ортганлиги намоён бўлади.

Амалиётга йўналтирилган ҳолда ишлаб чиқилган ушбу модел аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш учун асос ҳисобланади.

3.2. Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг ўқув-методик таъминоти

Аралаш таълим шароитида турли босма нашрлар (дарсликлар, ёшланмалар, методик тавсичлар, йўриқномалар) ва ахборот-коммуникацион технологиялари воситаларидан фойдаланилади. Шундй қилиб, қанда босма нашрлардан ва қандай ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланиш аралаш таълимнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб танланади. Масалан, босма воситаларга асосланган анъанавий ўқитиш талабаларни ўқув ва методик қўлланмалар билан таништиришда фойдаланилади, интерактив аудио ва видео конференциялар аниқ вақт мобайнида мулоқотда бўлиш имконини беради, ахборот-коммуникация технологияларидан масофадан ўқитиш, видео конференцияларни ташкил этиш ва масофадан таълим олувчиларга электрон почта маълумотларини юбориш учун, шунингдек талабалар билан қайтар алоқани таъминлаш ҳамда бир гуруҳ талабалар билан доимий алоқада бўлиш мақсадларида фойдаланилади. Видеотасмаларга аввалдан ёзиб қўйилган видеоматризалар талабаларга матризаларни эшитиш ва видеолавлаларни кўриш орқали ўрганилаётган объектни реал тасаввур қилиш имкониятини яратади.


Аралаш таълимни ташкил этишда асосий эътибор аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришга қаратилган ўқув-методик таъминотни яратишга қаратилиши лозим. Чунки яратилган ёки аралаш таълим шароитида фойдаланиладиган ўқув-методик таъминотнинг сифати – аралаш таълим сифатини таъминлашнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг ўқув-методик таъминоти авваламбор Давлат таълим стандартлари талабаларидан келиб чиққан ҳолда, таълим йўналишларининг ўқув режаси ва дастурлари, малака талабаларига таяниб яратилади. Педагогика олий таълим муассасаларининг “Педагогика ва психология” таълим йўналишида ўқитиладиган “Умумий педагогика” фанини ўқитиш учун жами 144 соат ажратилган бўлиб, матриза учун 100 соат, амалий иш учун 44 соат вақт ажратилган. “Информатика ва ва ахборот-коммуникация

технологиялари” фанини ўқитиш учун жами 130 соат ажратилган бўлиб, матриза учун 100 соат, амалий иш учун 30 соат вақт ажратилган. “Умумий педагогика” ўқув фани талабаларнинг педагогик билимларини кенгайтирса, “Информатика ва ва ахборот-коммуникация технологиялари” фани аралаш таълим шароитида талабаларнинг мустақил таълим олишга тайёргарлигини таъминлашга ёрдам беради. Бундан ташқари, қўшимча фан сифатида 28 соатга мўлжалланган “Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси” махсус ўқув курси ҳам киритилади. Лекин аралаш таълим муддати ушбу вақт билан чегараланиб қолмай, талабанинг имконияти ва таълим олиш шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда, мустақил таълим муддати ва вақти индивидуал ҳолда, эркин тарзда белгиланади.

“Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси” ва “Аралаш таълим шароитида талабаларни мустақил таълим олишга тайёрлаш методикаси” махсус ўқув курсларини лойиҳалаш, ишлаб чиқиш, етказиш ва таълим жараёнини олиб бориш турли мутахассисларнинг вазифаларидир. Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг ўқув-методик таъминотини яратиш бир неча мутахассислардан иборат ишчи гуруҳнинг вазифаси ҳисобланади.

Аммо бу билан “Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси” махсус ўқув курсини ишлаб чиқувчилар гуруҳини чеклаб қўйилмайди. Гуруҳнинг таркиби “Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси” курсининг характери ва уни ўрганишда фойдаланиладиган технологияларга, режалаштирилган муддат ва молиялаштириш ҳажмига боғлиқ равишда белгиланади. “Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси” махсус ўқув курсини ишлаб чиқадиган гуруҳ аъзолари унинг мазмунини шакллантирадиган педагоглар ҳамда уни ташкил этиш ва ўрганишда фойдаланиладиган технологиялар бўйича мутахассислардан иборат бўлиши бўлиши мумкин. Г. Юлдашевнинг эътирофи этишича, махсус ўқув курсини ишлаб чиқувчилар гуруҳининг таркиби куйидагилардан иборат бўлиши лозим (3.2.1-расм):



3.2.1-расм. Курсни ишлаб чикувчилар гуруҳи таркиби

Унинг фикрича, махсус ўқув курсини ишлаб чикувчилар гуруҳи раҳбарини “менежер” деб ҳам аташ мумкин ва у асосан ташкилий ишлар билан машғул бўлади. Менежернинг курс бўйича мутахассис бўлиши шарт эмас, лекин мазкур йўналиш бўйича асосий маълумотларга эга бўлиши мақсадга мувофиқ.

“Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси” курси мазмунини ишлаб чиқиш бўйича мутахассислар гуруҳига бир неча фан ўқитувчилари, методистлар ва муҳаррирни киритиш мумкин. Чунки педагогик амалиёт, тажрибалар ва кузатишлар шуни кўрсатадики, икки ёки ундан ортиқ кишидан иборат бўлган муаллифлар гуруҳи якка тартибда ишлайдиган муаллифга кўра курсни сифатлироқ ва мазмунлироқ яратади.

Методистнинг вазифаси аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришга оид ўқув-методик материалларни танлаш, талабалар билимини назорат қилиш

тури ва шаклини аниқлаш, ўқув материалларининг мазмуни тузилмасини ишлаб чиқишда ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатиш ҳамда курс мазмунини баён этишнинг шакли ва усули бўйича керакли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Муҳаррир эса ўқув материалларини орфографик ва грамматик жиҳатдан ўрганиб чиқади ва таҳрирлайди.

Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш технологиясига қараб, технология соҳасида тажрибага эга бўлган мутахассислар лойиҳалаш ишларига жалб этилади. Г. Юлдашевнинг таъкидлашича, технология бўйича ташкил этиладиган мутахассислар гуруҳига оператор, графика бўйича дизайнер, аудиомуҳандис, видеомуҳандис, дастурловчи ва веб-дизайнерни киритиш мумкин. Оператор матнни компьютерга киритади. Лекин ҳозирда курс мазмунини ишлаб чикуви муаллифларнинг ўзлари матннинг электрон вариантыни тақдим этмоқдалар. Шунинг учун баъзи ишчи гуруҳларида оператор вазифасини фан бўйича ўқитувчиларнинг ўзлари бажаришмоқда. Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш курси материалларида кўргазмалилик ва амалиётга йўналганлик даражаси муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун, графика бўйича дизайнернинг вазифаси ўта масъулиятлидир. Графика бўйича дизайнер матн, расм, чизма, 2 ва 3 ўлчовли графикалар ва диаграммаларни керакли форматга келтириб, ўқув материалларига ишлов берилиб, улар талабаларни ўзига жалб этувчи чиройли кўринишда тақдим этилади.

Агар ўқув-методик таъминотда аудио- ва видеоматериалларнинг бўлиши, лойиҳалаш ишлари ёки электрон қўлланманинг ишлаб чиқилиши назарда тутилса, у ҳолда гуруҳ ишига аудиомуҳандис ва видеомуҳандислар ҳам жалб этилади. Аудиомуҳандис овоз ёзиш, унга ишлов бериш билан шуғулланса, видеомуҳандис видеолавҳаларни ёзиш, уларни қайта ишлаш ва монтаж ишлари билан шуғулланади. Ўвқа материалларни тўплаб электрон қўлланма ҳолатига келтириш ёки уларни веб-саҳифага жойлаштириш дастурловчи ва веб-дизайнернинг вазифасига киради. Дастурловчи ва веб-дизайнер аудиомуҳандис ва видеомуҳандис томонидан тайёрлаган ўқув материалларини электрон қўлланмага киритиш, матнда гипермуружаатлардан фойдаланиш, тест дастурлари ва бошқа да-

стурларни қўллаган ҳолда, талабаларнинг курсни ўзлаштиришини осонлаштириш ва кўргазмалиликни ва амалий йўналганликнинг юқори даражани таъминлаш билан шуғулланади.

“Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси” курсини ишлаб чиқувчилар гуруҳига аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг ўқув-методик таъминотини тўлиқ яратиш масъулияти юклатилади.

Тадқиқот ва таҳлиллар натижасида аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг ўқув-методик таъминотини яратиш технологияси ишлаб чиқилди (2.3-расм).

Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг ўқув-методик таъминотини яратиш технологияси қуйидаги босқичлардан иборат:

I босқич - лойиҳалаш;

II босқич - тайёрлаш;

III босқич – баҳолаш ва татбиқ этиш.

Биринчи босқич	“Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси” махсус курсига оид ўқув материалларини тўплаш, ўрганиш, таҳлил этиш, тизимлаштириш			
	Курснинг ўқув режаси ва дастурини ишлаб чиқиш		Курснинг тузилмаси ва мазмунини ишлаб чиқиш	
	Курс бўйича таълим бериш методларини ишлаб чиқиш(анъанавий, масофавий, мустақил таълим шароитида)	Талабаларга ўқув маълумотларини тақдим этиш шаклларини танлаш	Ахборот элтувчи воситаларни танлаш	Талабаларнинг билими, амалий иши, мустақил таълимни назорат қилиш тизимини ишлаб чиқиш
	КУРСНИ ЛОЙИҲАЛАШ		Намунавий модулни ишлаб чиқиш	
	Курснинг намунавий модулни ташқи тақризга бериш		Курснинг намунавий модулни ички тақризга бериш	
	Курс лойиҳасини ДТС, маслака талаблари асосида қайта ишлаб чиқиш бўйича қарор	Курс лойиҳасини институтнинг илмий-методик кенгашига тақдим этиш	Курс лойиҳасини қабул қилмаслик бўйича қарор	

Иккинчи босқич	Курс материалларини тайёрлаш		
	Курс материалларига услубий ишловбериш ва таҳрирлаш	Графикали материалларни ишлаб чиқиш	Мультимедиали таркибий қисминини ишлаб
Учинчи босқич	Курс материалларини чоп этиш, аудио- ва видеотасма ҳамда компакт-дискларга ёзиш, веб-саҳифага жойлаштириш		
	Курс материалларини баҳолаш	Таҳриба-синов ўтказиш	Таҳриба-синов натижаларини баҳолаш
	Қайта ишлаб чиқиш	Курс материалларини расмийлаштириш ва қўпайтириш	
Яқуний хулосалар чиқариш			

2.3-расм. Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг ўқув-методик таъминотини яратиш технологияси

Лойиҳалаш босқичида аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини такомиллаштиришнинг таъминотини яратиш учун, энг аввало, аралаш таълим курси мазмуни лойиҳаланади. Аралаш таълимни лойиҳалашда қуйидаги ишлар амалга оширилади: ўқув материалларини тўплаш ва ўрганиш; аралаш таълим курсининг ўқув режасини ишлаб чиқиш; курснинг ўқув мақсадлари ва тузилмасини ишлаб чиқиш; курс материалларида қўлланиладиган дидактик методларни танлаш; маълумотларни тақдим этиш шаклларини танлаш; ахборот ташувчи воситаларни танлаш; назорат тизимини ишлаб чиқиш; намунавий модулларни ишлаб чиқиш; курс лойиҳаси ва намунавий модуллар бўйича тақриз олиш; институтнинг илмий-методик кенгашига курс лойиҳаси ва намунавий модулларни муҳокама қилиш учун топшириш.

Тайёрлаш босқичида лойиҳаланган вазифалар амалга оширилади. Тайёрлаш босқичи ўқув материалларини ишлаб чиқиш, методик ишлов бериш ва таҳрирлашни, уларни ахборот базасида акс этишини ўз ичига олади. Курс материалларини тайёрлаш бўйича қарор қабул қилингандан сўнг, ишчи гуруҳи аралаш таълим курсининг ўқув-методик таъминотини яратишнинг кейинги босқичи – тайёрлаш босқичи бўйича ўз ишини бошлайди.

“Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси” материаллари шакллантирилганидан сўнг, қуйидаги ишлар амалга оширилади: курс мате-

риалларига методик ишлов бериш ва таҳрирлаш; курс материалларидаги графикали материалларни, ЭЎММ ва мультимедиали таркибий қисмини ишлаб чиқиш; курс материалларини чоп этиш, аудио- ва видеотасма ҳамда компакт-дискларга ёзиш, таълим муассасасининг веб-саҳифага жойлаштириш.

Электрон материалларда фойдаланиладиган графикаларни ишлаб чиқишда Adobe PfotoShop, Corel Draw, Corel Xara, анимация ва мультимедиаларни ишлаб чиқишда Macromedia Flash, Disreet 3D Studio MAX, Adobe Image Ready, Gif Animator, аудиоматериаллар яратишда Sound Recorder, Wave Lab каби дастурлардан фойдаланилади .

3. Баҳолаш ва татбиқ этиш босқичида аралаш курс материаллари экспертлар томонидан баҳоланиб, тажриба-синов ишлари амалга оширилади ва натижалар баҳоланади. Ижобий натижаларга эришган тақдирдагина, курс материаллари расмийлаштирилиб, таълим жараёнига татбиқ этилади.

Аралаш таълим ўқув жараёни нормал амалга оширишда унинг ўқув-методик таъминоти муҳим роль ўйнайди. У иккита компонентни ўз ичига олади: ўқув-методик ҳужжатлар ва ўқув-методик ўқув воситалари.

Ўқув-методик ҳужжатларнинг асосий мақсади аралаш таълимни режалаштиришнинг мазмуни ва асосларини аниқлашдан иборат. Ўқув-методик ўқув воситалари - аралаш таълимнинг оптимал ишлашини таъминлайдиган моддий объектлар. Шу боис, бу ерда фақат аралаш таълимни ўқув-методик воситалар билан таъминлашни оқилона ташкил этиш масалаларини кўриб чиқилади.

Бундай таъминотнинг асосий тамойили мажмуавийлик (комплекс) тамойили бўлиши керак. Методик жиҳатдан таъминлашни доимий равишда мажмуавий (комплекс) методик таъминотга (ММТ) айлантирилиши керак. Бу ўқув жараёнининг ўқув-методик таъминотини режалаштириш, ишлаб чиқиш, яратиш, ҳисобга олиш ва назорат қилишда ҳақиқатан ҳам илмий ёндашишга имкон беради.

Ўқув жараёнини комплекс ўқув-методик таъминотнинг моҳияти

Ўқув жараёнини комплекс ўқув-методик таъминоти деганда талабаларни тўлиқ ва сифатли ўқитиш учун зарур бўлган оптимал тизимни, ўқув-методик ҳужжатлар ва дидактик ўқув воситаларини

режалаштириш, ишлаб чиқиш ва яратиш тушунилади. Ўқув жараёнининг интеграциялашган ўқув-методик таъминоти мезонлари ва мазмунини белгилашда, биричи навбатда, давлат таълим стандарти талабларини акс эттирувчи, ўқув жараёнининг мазмуни лойиҳасини белгилайдиган ўқув фани, касб бўйича ҳозирги замон талабларига мос ишчи ўқув дастуридан фойдаланиш керак.

Ўқув-методик ҳужжатлар таълим воситалари тизими, биринчи навбатда, дастур материалнинг барча асосий мазмунини қамраб олиши керак. Бу ҳолда мажмуавийлик шу билан ифодаланадигани, ўқув дастурининг ҳар бир мавзуси (бўлими) бўйича таълим мазмунининг ҳар бир асосий масаласини ўрганиш зарур бўлган минимал ўқув воситалари ва керакли ҳужжатлар билан таъминланади ва улар ўз навбатида ўқув жараёнини сифатли ташкил этиш имконини беради. Кейинги мезон ўқув воситаларининг дидактик имкониятларини ҳисобга олишдир. Ҳар хил ўқув воситалари ҳар хил мақсадга, турли дидактик вазифа ва имкониятларга эга. Ўқув жараёнини ўқув-методик қўллаб-қувватлашга комплекс ёндашув, уларнинг хусусиятлари ва имкониятлари, шунингдек, одатий амалий вазиятларда қўлланилишини ҳисобга олган ҳолда, тегишли ўқув воситалари комплексини режалаштириш ва яратишни ўз ичига олади.

Ўқув жараёнининг ўқув-методик таъминотга комплекс ёндашув, шунингдек, ўқув воситалари таълим жараёнининг барча босқичларида ўқитувчининг ҳам, ишлаб чиқариш устасининг ҳам, методистнинг ҳам, тьюторнинг ҳам, талабаларнинг ҳам таълим фаолиятини таъминлашни талаб қилади. Аралаш таълимга нисбатан қўллайдиган бўлсак, булар: талабалар ҳаракатларининг йўналган қўллаш, талабаларда шаклланаётган ва шаклланган кўникма ва малакаларни назорат қилиш ва баҳолаш.

Ўқув жараёни учта асосий функцияни бажаради: таълим, тарбия ва ривожлантириш. Ўқув-методик таъминотга комплекс ёндашув педагогик жараёнининг барча асосий функцияларини биргаликда жорий этишни назарда тутди.

Ўқув жараёнини ўқув воситалари ва ўқув-методик ҳужжатлар билан таъминлашда иқтисодий омилни ҳисобга олиш керак, бир

томондан, ўқув воситалари мажмуасини режалаштиришда иқтисодий жиҳатдан асосли ёндашувда касбнинг оммавийлиги ва истиқболлиги ҳисобга олиниши, бошқа томондан эса, ўқув-тарбивий вазибаларни ҳал этишга имкон берувчи воситаларни ишлаб чиқиш ёки танлагниши лозим. Бундан ташқари ўқув-методик комплекс таркибига кирувчи воситалар ўқув жараёнида улардан фойдаланишда эргономик, гигиеник, экологик, хавфсизликталабларига жавоб бериши керак.

Бу мезонларнинг барчасини ҳисобга олиш (2-расм) - ўқув жараёнининг ўқув-методик таъминотида комплекс ёндашувнинг моҳиятини ташкил этади.

Ўқув дастури ўқув материалларининг барча асосий масалаларини қамраб олиш		Афзаллиулари ва дидактик вазибалари ва типик ўқув вазибаларидан келиб чиққан ҳолда, турли ўқув воситаларидан фойдаланиш
Ўқув жараёнининг барча асосий босқичларини қамраб олиш	Аралаш таълим ўқув-методик таъминоти тизими	Таълим жараёнининг барча функцияларининг жорий этилишини таъминлаш: таълимий, тарбиявий, ривожлантириш
Ўқитувчи ва талабаларнинг таълимий фаолиятини таъминаш		Таълим жараёнида ўқув воситаларидан фойдаланишда эргономик, гигиеник, экологик, хавфсизлик омилларини ҳисобга олиш

2-расм. Аралаш таълимнинг ўқув-методик таъминоти тизими мезонлари

Комплекс ўқув-методик таъминотни режалаштириш

Аралаш таълим бўйича ўқув-методик ҳужжатлар ва ўқув воситаларининг оптимал мажмуини режалаштириш (лойиҳалаш)ни комплекс методик таъминот паспортларини киритиш орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бундай паспорт - бу барча ўқув-методик ҳужжатлар, ўқув-методик адабиётлар, шунингдек, аралаш таълим ўқув дастурининг барча мавзуларини тўлиқ ва сифатли ўрганиш учун зарур бўлган ўқув воситалари қайд этилган ҳужжатдир.

Аралаш таълимнинг комплекс ўқув-методик таъминоти паспорти қуйидагиларга имкон беради:

дастур материални ўрганиш учун зарур бўлган ўқув воситаларининг турини, номини ва зарур бўлса, сонини аниқлаш; мавжуд ўқув воситалари ва ўқув-методик ҳужжатларини ҳисобга олиш;

етишмаётган ўқув воситаларини яратиш бўйича жорий ишларни (муддатлар, масъул шахслар ва ҳ.к.) режалаштириш;

аралаш таълимни ҳар томонлама методик қўллаб-қувватлаш режаларининг бажарилишини назорат қилиш ва қайд этиш.

Аралаш таълимни ҳар томонлама методик қўллаб-қувватлаш паспорти қуйидаги асосий бўлимларни ўз ичига олади:

1) ўқув-методик ҳужжатлар: Ўзбекистон олий таълими давлат стандарти ҳужжатлари; ишчи ўқув-дастурий ҳужжатлар (ўқув режаси ва дастурлари, аралаш шароитида талабаларда педагогик компетентликни шакллантириш методикаси курси дастури); аралаш таълим бўйича талабаларнинг ўқув ва мустақил ишлари рўйхати; ўқув аудиторияларини жиҳозлаш стандарти; педагогик амалиёти дастури; ўқув аудиториясида машғулотлар пайтида ва аралаш таълим амалиёти даврида талабаларнинг амалга оширадиган фаолияти жадваллари; гуруҳ аралаш режаси ва бошқалар.

• 2) ўқув адабиётлари: дарслик; ўқув воситалари; маълумотномалар, луғатлар, масалалар тўплами;

• 3) методик қўлланмалар: хусусий методика; методик ишланмалар; методик кўрсатмалар; педагогик тажрибаларни ўргатиш бўйича рисоалар; тўторлар ишлари ва ўқитувчилар конспектлари, маърузалари тўплами ва бошқалар;

• 4) ўқитишнинг дидактик воситалари: экран қўлланмалар (видео ва видеоклиплар, мультимедиялар, слайдлар, ленталар, код шаффофлари ва бошқалар); марказда нашр этилган ва бевосита таълим муассасасида ишлаб чиқарилган кўргазмали воситалар (табиий ва график, ҳажмли ва текис); тренажёрларда машқ бажариш бўйича кўрсатмалар; ўқув алгоритмлари; карточка-топшириқлар; ўқув-амалий ишларини оқилона танлаш учун ўқув-техник ва ўқув-технологик талаблар; типик дидактик ўйинларнинг рўйхати ва сценарийлари (ролли ўйинлар, педагогик вазибаларга оид топшириқлар ва бошқалар); лаборатория ва амалий ишлар учун кўрсатма-топшириқлар; таълим муассасасида ишлаб чиқилган кўрсатмалар ва технологик хариталар; ўрганилаётган операциялар ва типик ўқув

ишларининг бажарилишини баҳолаш мезонлари, тестлар тўплами; ахборот-коммуникация воситалари ва бошқалар.

Ўқув жараёнининг комплекс ўқув-методик таъминоти учун па-спортдан фойдаланиш, унинг мазмуни шахсий компьютер маълумотлар базасига киритилганда энг қулай ва самарали ҳисобланади.

Аралаш таълимнинг комплекс ўқув-методик таъминоти бўйича ишлар аралаш таълим шароитида ўқитувчилар ва талабаларни синовдан ўтказишда, уларнинг педагогик ва амалий меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг шакллари ва ҳажмини аниқлашда, шунингдек, умуман таълим муассасаси фаолиятини баҳолашда ҳисобга олинади.

3.3. Аралаш таълим шароитида махсус ўқув курсларини ва ўқув-методик мажмуаларни жорий этиш орқали талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси

Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришга қаратилган махсус ўқув курслари ва ўқув –методик мажмуаларининг тузилмаси ва мазмуни дидактик тамойиллар ҳамда модулли ёндашув асосида ишлаб чиқилиши лозим.

Электрон ўқув-методик мажмуалар қуйидаги талабларга жавоб бериш керак: таркибий қисимлари тузилишининг модуллиги; мазмуни тўлақонлиги; мантиқий баён этилганлиги; ўқув материалларини ўрганиш бўйича йўриқнома ва назорат топшириқларининг мавжудлиги; изоҳли луғат ва манбалар рўйхатининг тавсия этилганлиги.

Илмий-тадқиқот давомида 2017-2020 ўқув йиллари давомида Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институтида таълим сифатини таъминлаш борасида амалга ошириладиган ҳаракатлар режаси ва юқори малакали педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда профессор ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятни ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” ҳамда илмий тадқиқот ишлари режасининг 01-729-рақамли “Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асосларини яра-

тиш ва уни амалиётга жорий этиш механизмларини ишлаб чиқиш” (2018-2020 йй.) мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси доирасида “Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси” махсус ўқув курси ишлаб чиқилди ва унинг ўқув-методик мажмуаси яратилди. Ушбу ўқув курси ўқув-методик мажмуаси жорий этишининг асосий мақсади аралаш таълим шароитида олий таълим муассасалари талабаларининг педагогик компетентлигини ривожлантиришдан иборат.

“Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси курси бўйича яратилган ўқув-методик мажмуа қуйидаги таркиблардан иборат: курс лойиҳаси; анъанавий таълим; аралаш таълим; талабаларнинг мустақил таълими; курс йўриқномаси; ўқув қўлланма; видеоматериаллар; тьютор учун қўлланма; тест ва топшириқлар тўплами; электрон қўлланма.

Курс лойиҳасида аралаш таълим жараёнини ташкил этиш ва ўқув материалларини яратиш бўйича маълумотлар акс этди. Курс лойиҳаси қисқача кириш сўзи билан бошланиб, унда муаллифлар тўғрисида ва курснинг вазифаси тўғрисида маълумот берилди. Курснинг кириш қисмидан сўнг, курс тавсифи берилиб, унда курснинг бўлимлари тўғрисида қисқача маълумот, курснинг умумий ҳажми ва жадвал кўринишидаги ўқув режаси келтирилди.

“Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси” махсус ўқув курсининг умумий мақсадидан ташқари, ҳар бир бўлимнинг ўқув мақсадлари ҳам тавсифлаб берилди. Ўқув мақсадидан келиб чиққан ҳолда, курснинг режа (мундарижа)си тузилди. Унда ҳар бир бўлим ва ундаги мавзулар келтирилиб, бўлимларнинг муҳим қисмларига изоҳ берилган. Бўлимлар бўйича берилган савол ва топшириқлар ҳам жадвал кўринишида берилган. Бундан ташқари, курс лойиҳасида курс мазмунини ишлаб чиқишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати ҳам кўрсатилган.

Курс лойиҳасида “Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси” махсус ўқув курсининг материаллари таркиби аниқланиб, тегишли ўқув воситалари ва улардан фойдаланиш йўллари бўйича кўрсатма ва йўриқномалар ҳавола этилди. Курс лойиҳасининг муҳим тарки-

бий қисмидан бири талабаларнинг педагогик компетентлиги ривожланганлиги ва уларнинг аралаш таълим шароитида ишлашга тайёргарлиги шаклланганлигини баҳолаш тизимининг белгиланишидир. Баҳолаш турларининг ўтказилиш тартиби, тўйтор томонидан баҳоланадиган топшириқларнинг сони, топшириқларни баҳолаш мезонлари ва якуний баҳолаш тартиби келтирилган.

“Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси” махсус ўқув курсининг йўриқномаси курс бўлимлари материални ўрганиш қоидаларини, топшириқлар, синов ва имтиҳонлар ҳақидаги ахборотларни ўз ичига олади. Йўриқнома талабалар учун ҳам, тўйтор учун ҳам бутун иш фаолияти давомида зарур бўлади.

Йўриқномада тўртта асосий вазифа кўрсатилади:

- талабаларни курсни ўрганишга йўналтириш;
- вазифаларнинг кетма-кет берилиши;
- талабаларнинг ўқув материалларини ўрганишларида ёрдам кўрсатиш;
- баҳолаш тизими.

Йўриқномада талабаларга ўқув курси буйича қандай модулларни ва модул бирликларини ўзлаштириши лозимлиги тўғрисида тўлиқ маълумот беради. Агар талабалар қандай ўқув материалларини ўзлаштириши лозимлигини аниқ тасаввур этса ва олдиндан кўз олдига келтира олса, улар аралаш таълим шароитида билим олиш жараёнини тўғри ташкил эта олишлари мумкин.

“Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси” махсус ўқув курсида вазифаларнинг берилиши бевосита назорат топшириқлари билан боғлиқ бўлиб, йўриқномада қайси ўқув материалларни мукамал ўзлаштириш ўта муҳимлиги ва қандай топшириқларни бажариш лозимлиги кўрсатиб ўтилади. Талабалар ўқув материалида берилган вазифаларни бажариш тартиби билан танишган ҳолда топшириқларни мустақил равишда сифатли бажариш имкониятига эга бўлади.

Ўқув материалларини ўрганишдоталабаларга ёрдам кўрсатиш уларнинг курсни ўзлаштиришида дуч келинадиган қийинчиликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишни назарда тутати. Таълим олиш мақсади ўқув материали мазмунини тушуниш ва

эсда сақлаб қолишдан иборат бўлса, юзага келадиган қийинчиликларни осон енгиш мумкин. Бундай қийинчиликларни бартараф этиш учун кўрсатмалар берилади. Курс йўриқномасида ўқув қўлланмада фойдаланилган шартли белгилар бўйича тушунтиришлар ҳам келтирилади. Баҳолаш тизими талабаларга таълим жараёнида курсни ўзлаштиришда ўзларининг эришган натижаларини назорат қилиши ва баҳолашни амалга оширишини назарда тутати. Талабалар баҳолаш тизими билан мавзуларни ўрганиш ва ўзлаштиришларидан аввал танишади ва мустақил равишда ўзининг эришган билимини назорат қилади.

Ўқув қўлланма - дарсликни қисман тўлдирувчи, муайян фан дастури бўйича тузилган ва фан асосларининг чуқур ўзлаштирилишини таъминловчи, амалий машқ ва машғулотлар ечимига мўлжалланган босма.

“Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси” махсус ўқув курсини урганиши жараёнида фойдаланадиган ўқув қўлланма йўриқномаларга кўра асослироқ, бироқ мультимедиа қўлланмалардан кўра камроқ фаолликка эга бўлган ўқув материалларидан иборат. Ўқув қўлланма талабалар ўзлаштириши лозим бўлган барча маълумотларни ўз ичига қамраб олади.

“Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси” махсус ўқув курсида ўрганиладиган ўқув қўлланма тузилмаси модулли ёндошув асосида ишлаб чиқилган бўлиб, унинг таркибий қисмлари мазмуни қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: тушунтириш хати, кириш, ўқув мақсадлари, назарий материаллар, матн орасидаги савол ва топшириқлар, модул бўйича хулоса, ўз-ўзини баҳолаш саволлари ва тестлари, амалий топшириқлар, иловалар, ўз-ўзини баҳолаш саволларининг жавоблари, глоссарий, фойдаланилган ва қўшимча адабиётлар, муаллифлар ҳақида қисқача маълумот, Ўқув қўлланманинг охирида қўлланмани ишлаб чиққан муаллифларнинг ижодий ва илмий фаолияти ҳақида қисқача маълумот берилади. Бундай маълумотлар талабалар назарида ўқув қўлланманинг нуфузини оширишга ёрдам беради.

Видеоматериал. Анъанавий усулда чоп этилган босма ўқув қўлланмага қўшимча ёки ёрдамчи воситалар сифатида видеомате-

риаллар, мультимедиали дастурий педагогик воситалар ҳам тақдим этилади. “Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси” махсус ўқув курси бўйича ишлаб чиқилган видеоматериалдан унинг тегишли бўлимларини ўрганаётганда фойдаланилади. Видеоматериалда “Кейс-стади” методининг оғзаки ва ёзма шакллари, “Ролли ўйин” методини қўллаш, кичик гуруҳларни шакллантириш йўллари, таълим воситаларидан бири бўлган “СУМ”нинг тузилиши ва ундан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар берилади.

Тьюторлар учун қўлланма. “Аралаш таълим шароитида талабалар ларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси” махсус ўқув курс бўйича тьюторлар учун қўлланма ишлаб чиқилади ва унда тьюторнинг вазифалари ҳамда амалга оширадиган ишлари ҳақида тўлиқ маълумот берилади. Тьюторлар учун қўлланмада талабаларнинг билимини, педагогик компетенлигини, аралаш таълим шароитида ишлашга тайёргарлиги даражасини баҳолаш тизими, тьютор сессияларини ўтказиш муддатлари ва курснинг ўқув режаси акс этади. Бундан ташқари, тьютор учун сессияларни ташкил этишда фойдаланиладиган керакли формуларлар ва баҳолаш варақалари илова тариқасида хавола килинади. Қўлланмада оралиқ назоратлар бўйича топшириқларнинг жавоб намуналари келтирилади. Тьютор ушбу жавоб намуналаридан фойдаланган ҳолда талабаларнинг ёзма ишларини текшириши ва баҳолаши мумкин.

Электрон қўлланма. Компакт-дискда ўқув қўлланманинг электрон варианты, видеоматериаллар, тест саволлари, бажарлиши натижаларини тьютор баҳолайдиган топшириқлар тизими келтирилади. Видеоматериаллар 3 ва 4 бўлимлари бўйича берилган ўқув материални тўлдириб, бир неча таълим методлари ва таълим воситалари тўғрисидаги видеоларҳалар илова этилади.


Талабалар электрон қўлланма ўқув материалининг керакли саҳифаларини босмадан чиқариши, видеоларҳаларни кўриши ва ўрганиши учун фойдаланиши мумкин.

“Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси” махсус ўқув курсни ташкил этиш учун аралаш таълим моделлари ва технологиялари танлаб олиниб, унда кейс-технологияси ва тармоқ технологияси-

дан биргаликда фойдаланилади. Бунинг учун талабаларга керакли ўқув-методик материаллар жамламаси (кейс) берилади ва ушбу материаллар аралаш таълим асосида ўқитиш бўйича тегишли веб-саҳифага жойлаштирилади.

“Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси” махсус ўқув курси бўйича талабалар ҳам интернет тармоғи орқали педагогика олий таълим муассасалари веб-сайтларининг электрон рўйхатидан ўтиши учун ўз анкета маълумотларини киритади. Рўйхатдан ўтган талабаларга бошланғич тест синовларидан ўтиш вазифаси топширилади. Бошланғич тест синовларини топширган талабаларга курс модулларини ўзлаштиришга рухсат берилади.

Талабаларнинг билими ва тайёргарлигини баҳолашда бошланғич, оралиқ ва якуний назорат турларидан фойдаланилади (3.1-расм).



3.1-расм. Талабаларнинг билими ва тайёргарлигини баҳолаш механизми

“Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси” махсус ўқув курси бўйича ўқув-методик мажмуадан фойдаланиш учун талабалар аввал курс йўриқномаси билан танишиб чиқадиладар. Курс йўриқномасида аралаш таълим жараёни бўйича тўлиқ маълумот берилган бўлиб, талабалар ўқиш тартиби ва баҳолаш тизими ҳақида маълумотга эга бўладилар. Талабалар ўз фаолиятини “Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш

методикаси” махсус ўқув курснинг ўқув режаси асосида ташкил этади (2-илова).

Талабалар “Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси” махсус ўқув курсининг ўқув режаси бўйича модулларни институтнинг веб-саҳифада тақдим этилган ва кейсларда берилган ўқув-методик материаллар асосида мустақил равишда ўзлаштирадilar.

Талабалар “Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси” махсус ўқув курси йўриқномаси билан танишиб чиққандан сўнг, ўқув қўлланмада берилган шартли белгиларга амал қилган тарзда, мавзуларни ўзлаштиришга киришади. Ўзлаштириш жараёнида улар ўқув қўлланма матнида берилган саволларга жавоб беради ва топшириқларни бажаради. Бундай савол ва топшириқлардан сўнг, албатта матнда уларнинг жавоби берилади ва талабалар ўз жавобини текшириб кўриш имкониятига эга бўлади

“Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси” махсус ўқув курснинг ўқув қўлланмасида матн орасида берилган саволларга ўз жавобларини алоҳида дафтарга қайд қилиб бориш бўйича талабаларга маслаҳатлар берилади. Чунки савол берилгандан сўнг, унга жавоб ёзиш учун махсус жой ажратилса, талабаларнинг жавоблари гўё чегаралаб қўйилган бўлади.

Ўқув қўлланмадаги ҳар бир бўлимдан сўнг, ўз-ўзини баҳолаш саволлари келтирилган. Талабалар бир бўлимни ўзлаштирилгандан сўнг, ўз-ўзини баҳолаш бўйича саволларга жавоблар беради ҳамда қўлланманинг охириги саҳифаларида берилган жавоблар билан таққослаб, ишлаб чиқилган мезонлар асосида ўз-ўзини баҳолайди .

Курснинг биринчи ва иккинчи бўлимлари ўзлаштирилгандан сўнг, талабалар ўқув қўлланма охирида келтирилган тьютор томонидан баҳоланадиган топшириқлар бўйича йўриқнома билан танишиб, биринчи оралиқ назорат бўйича берилган топшириқларни бажаради ва тьюторга жўнатади. Ўқув қўлланманинг учинчи бўлимни ўзлаштиргандан сўнг эса, талабалар иккинчи оралиқ назорат бўйича топшириқларни бажаради ва уларни ҳам тьюторга жўнатади .

Талабалар “Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси” махсус ўқув курсини ўзлаштириш жараёнида юзага келган муаммоларни тьюторга мурожаат этган ҳолда ҳал этишлари мумкин. Бунинг учун талабалар тьютор билан электрон почта, бевосита чат ёки телефон орқали боғланади.

Топшириқлар “100” балли тизим асосида баҳоланиб, баҳолаш натижалари тьютор томонидан сессияларда эълон қилинади. Барча топшириқларни бажариш бўйича юқори балл 100 баллга тўғри келади. Ўтказилган ҳар бир оралиқ баҳолаш - курснинг якуний баҳолашининг 50 фоизини ташкил этади. Жами тьютор томонидан баҳоланадиган топшириқлар баҳоси миқдори умумий баҳонинг 100 фоизини ташкил этади.

Курс йўриқномасида берилган вақтга кўра, аралаш таълим давомида иккита юзма-юз тьютор сессиялари ўтказилади. Тьютор сессиялари асосан қуйидаги мақсадларга қаратилган бўлади:

- оралиқ назорат натижаларини муҳокама қилиш;
- талабаларнинг аралаш таълим бўйича ва бошқа саволларига жавоб бериш;
- талабаларга қийин топшириқлар ва муаммоларни ҳал этиш бўйича маслаҳат ва кўмак бериш;
- амалга ошиладиган навбатдаги вазифалар тўғрисида маълумотлар ва йўлланмалар бериш.

Биринчи оралиқ назорат курснинг биринчи ярми ўзлаштирилиб бўлгандан сўнг ўтказилиб, тьютор баҳолайдиган 6 та топшириқлар бўйича муҳокама бўлиб ўтади. Иккинчи оралиқ назорат курснинг иккинчи ярмини тўлиқ ўзлаштириб бўлгандан сўнг ўтказилиб, тьютор баҳолайдиган қолган 4 та топшириқларнинг муҳокамаси бўлиб ўтади. Шунингдек, иккинчи сессия давомида якуний назоратга тайёргарлик ҳам кўрилиб, унинг ўтказилиш тартиби, саволлар мазмуни билан талабалар таништирилади. Якуний назорат иккинчи сессияда тест синовини топшириш орқали ўтказилади. Тест саволлари барча ўқув бўлимлари мазмунини қамраб олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, жами баҳолашнинг 100 фоизини ташкил этади. Ҳар бир тест саволига тўғри жавоб “20” балл билан баҳоланади. Нотўғри жавобларга балл берилмайди .

Якуний баҳолаш - оралиқ баҳолашдаги топшириқларни бажариш

ришда ва якуний тест саволларига жавобларда тўплаган балларнинг йиғиндисидан иборат бўлади. Жами юқори балл 100 баллга тўғри келади.

Тажриба-синов натижалари таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, республика худудларидаги педагогика олий таълим муассасалари илмий-педагогик кенгаши томонидан маъқулланган “Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлиги ривожлантириш методикаси курси ўқув режасининг “Педагогик компетентлик” блоки бўйича ўқув-методик мажмуа яратилди.

“Педагогик компетентлик” блоки бўйича ўқув-методик мажмуа педагогика олий таълим муассасаларида аралаш таълим жараёнида татбиқ этилди.

“Педагогик компетентлик” блоки бўйича ўқув-методик мажмуа куйидаги таркибий қисмлардан иборат: педагогик компетентлик курси бўйича намунавий ўқув режа; ўқув режа, дастур ва модулларни ишлаб чиқиш бўйича йўриқнома; ишчи ўқув режа ва “педагогик компетентлик” блоки бўйича модулли ўқув дастурлари; “педагогик компетентлик” блокни ўқитиш методикаси” ўқув-методик қўлланмаси; “педагогик компетентлик” электрон мультимедиа қўлланма; электрон мультимедиа қўлланма йўриқномаси; тьютор учун қўлланма; топшириқлар ва тест саволлари тўплами.

“Педагогик компетентлик” курси бўйича намунавий ўқув режа. “Талабаларнинг педагогик компетентлиги тизимини такомиллаштириш” лойиҳаси доирасида ташкил этилагн аралаш таълим жараёнида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш курси учун намунавий ўқув режа Тошкент вилояти Чирчиқ педагогик институтининг илмий кенгаши томонидан 2020 йил 12 июнда 55-сонли буйруғи асосида тасдиқланган “Умумий педагогика” ва “Замонавий жиҳозларни ишлатиш ва улардан таълим жараёнида самарали фойдаланиш” номли блоклардан иборат.

Ўқув режа, дастур ва модулларни ишлаб чиқиш бўйича йўриқнома. Ўқув режа, дастур ва модулларни ишлаб чиқиш бўйича йўриқнома педагогик олий таълим муассасасалари талабаларининг педагогик компетентлиги мазмунини белгиловчи ўқув режа, дастур ва модулларни ишлаб чиқишнинг ягона тартиби ва тузилмасини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжат ҳисобланади. Ушбу йўриқнома Тошкент вилояти Чирчиқ педагогик институтининг ил-


мий кенгаши томонидан 2020 йил 12 июнда тасдиқланган “Аралаш таълим шароитида педагогик олий таълим муассасасалари талабаларининг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси ўқув курси режа ва дастурлари асосида ишлаб чиқилган.

Ишчи ўқув режа ва модулли ўқув дастурлари. Олий ва ўрта махсус вазирлиги томонидан тасдиқланган намунавий ўқув режа асосида “Педагогик компетентлик” блоки модуллари ўзгартиришсиз қолдирилиб, “Аралаш таълим шароитида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш” блокнинг тайёрлов йўналишларга мос равишда ишчи ўқув режалари ишлаб чиқилди. Ишчи ўқув режа асосида модулли ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. “Педагогик компетентлик” блоки бўйича 5 та модул бўйича ўқув дастурлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар Тошкент вилояти Чирчиқ педагогик институтининг ректори томонидан тасдиқланган.

Электрон мультимедиа қўлланма. “Педагогик компетентлик” “умумий педагогика” электрон мультимедиа қўлланмаларда модуллар бўйича назарий материаллар, назорат турларини бажариш бўйича йўриқномалар, назорат саволлари ва топшириқлари, якуний тест саволлари, модуллар бўйича амалий машғулотларни ўтказиш методикаси ва Power Point такдимот дастурида ишлаб чиқилган слайдлар берилган. “Педагогик компетентлик” электрон мультимедиа қўлланма гипермуружаатли таркибий тузилмага эга бўлиб, унда гиперматн, анимациялар, аудио ва видеолавҳалардан кенг фойдаланилган (3.2-расм).

“Педагогик компетентлик” электрон мультимедиа қўлланмадан нафақат талабалар, балки уларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш ва аралаш таълим шароитида ишлашга тайёрлаш билан шуғулланувчи профессор-ўқитувчилар, шунингдек мустақил таълим олувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Электрон мультимедиа қўлланма Flash Player дастури ёрдамида гипермуружаат орқали ишга туширилиши ёки ўрнатилиши мумкин. Электрон мультимедиа қўлланма ишга тушгандан сўнг, унинг титул варағи саҳифаси очилади. Титул варақаси саҳифасида электрон мультимедиа қўлланмани ишлаб чиқишдан мақсад, институт тўғрисида маълумот, муаллифлар ҳақида маълумот, педагогик тажриба-синов ўтказиладиган олий таълим муассасалари тўғрисида қисқача матн ва видеоролик шаклида маълумотлар берилган.



3.2.-расм. “Педагогик компетентлик” электрон мультимедиали қўлланманинг гипермуружаатли таркибий тузилмаси

Курснинг титул варағида “Модуллارга ўтиш” жойи бўлиб, унга гипермуружаат қилинса, кейинги саҳифада курс мундарижаси бе-

рилади. Курс мундарижаси ўқув модуллари, йўриқномалар, тест саволлари, тақдимот слайдлари, видеоларҳалар ва қўшимча дастурлардан иборат (2.3-расм).




2.3-расм. Курс мундарижаси

Курс мундарижасидан исталган модулга кириш ёки тест саволларига кириб, талабалар курсни ўрганишдан олдинги дастлабки билимини синаб кўриши мумкин.

Курс мундарижасида барча модуллар бўйича PowerPoint дастурида тайёрланган тақдимот слайдлари берилган бўлиб, ундан аралаш таълим шароитида ўқитувчилар ушбу модуллар бўйича машғулотларни ташкил этиши ва ўтказишларида фойдаланишлари мумкин. Талабалар эса модулларнинг асосий қисмлари ёритилган слайдлардан ўқув материаллини такрорлаш мақсадида фойдаланишлари мумкин. Курс материалларига қўшимча равишда мундарижада фойдали дастурлар берилган бўлиб, талабалар дастурларни компьютерга ўрнатишлари ва улардан зарур пайтларда фойдаланишлари мумкин.

Курс модуллари бўйича маълумотларда модулнинг ўқув ва аниқ мақсадлари ҳамда калит сўзлар берилган бўлиб, калит сўзларга

гипермуурожаат қилинса, ушбу сўзга тааллуқли маълумотлар саҳифаси очилади. Модулларнинг биринчи саҳифасида модулнинг мазмуний тузилмаси берилган бўлиб, гипермуурожаат орқали истаган модул бирликлари материалларига кириш мумкин (3.4.расм).



3.4.-расм. Модулнинг биринчи саҳифаси

Электрон мультимедиали қўлланмада матнга овоз берилган бўлиб, “Модулнинг аудио файлини эшитиш” бўлимига гипермуурожаат қилиш орқали аудиомаърузаларни тинглаш мумкин

Модул бирликларидаги материаллар матн, чизма, график, жадваллар кўринишида берилган бўлиб, тасвирлар анимация орқали намоён бўлади.

Модул матни якунида ушбу модул бўйича амалий машғулотни ўтказиш методикаси ёритилган. Модулнинг ушбу қисмидан аралаш таълим шароитида профессор-ўқитувчилар фойдаланишлари мумкин.


“Модулнинг видеофайлини кўриш” бўлимида гипермуурожаат орқали модулга тегишли бўлган видеолавҳаларни кўриш мумкин. Ушбу саҳифада қуйидаги видеолавҳалар берилган:

2-модул бўйича видеолавҳалар:

- ✓ “Кейс-стади” методини оғзаки қўллаш баёни;
 - ✓ “Ақлий хужум” методини қўллашнинг ёзма баёни ;
 - ✓ “Давра суҳбати” методини ёзма қўллашнинг “конверт” методи асосида;
 - ✓ “Муаммоли вазият” методини қўллаш;
- 3-модул бўйича видеолавҳалар:
- ✓ флипчарт доскасидан фойдаланиш;
 - ✓ пинборд доскасидан фойдаланиш.

Ҳар бир модул якунида талабалар модул бўйича ўз билимини текшириб кўриши учун назорат саволлари берилган. Шу билан бирга, модул бўйича ўзлаштирган билимини амалиётда қўллаш бўйича кўникмаларини шакллантириш мақсадида амалий топшириқлар берилган (3.4-расм).

Ўз-ўзини баҳолаш саволлари саҳифасидаги “Назорат саволлари-ни бажариш бўйича Йўриқнома” ва “Мустақил ишларни бажариш бўйича Йўриқнома”га гипермуурожаат қилинса, кейинги саҳифада жавобларни баҳолаш мезонлари келтирилган бўлиб, ушбу мезонлар асосида талабалар ўз-ўзини баҳолаши мумкин.



3.5.расм. Ўз-ўзини баҳолаш саволлари ва мустақил иш бўйича вазифалар саҳифаси

Барча модуллар ўзлаштирилиб бўлгандан сўнг, “Тест саволлари” бўлимига кириб, якуний тест саволларига жавоблар берилади. “Тест саволлари” бўлимида “Тест саволларини бажариш бўйича йўриқнома”га гипермуружаат қилинса, тест саволлари бўйича баҳолаш мақсади ва мезонлари билан танишиш мумкин. Талабалар тест саволларига жавобларни белгилаб бўлгандан сўнг, “Текшириш” бўлимига муружаат қилинса, жавоблар бўйича натижалар, яъни тўплаган баллар ва тўғри жавоблар сони автоматик равишда эълон қилинади.

Электрон мултимедиали қўлланма йўриқномаси. Курснинг Педагогика компанентлик “Касбий педагогика” электрон мултимедиали блокинидан методик қўлланма сифатида фойдаланиш бўйича талабалар учун йўриқнома ишлаб чиқилди. Ушбу йўриқномада электрон мултимедиали қўлланмадан фойдаланиш бўйича керакли йўл-йўриқлар берилган бўлиб, бунда талабалар гипермуружаатлар тизими билан таништирилди. Юқорида баён этилган ўқув-методик мажмуа республикамиздаги 3 та олий таълим муассасасининг “Педагогика ва психология” таълим йўналишларида ўқув жараёнига жорий этилган бўлиб, ундан аралаш таълим курсларида самарали фойдаланилиб келинмоқда.

3.4. Аралаш таълим шароитида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва баҳолаш

Аралаш таълим шароитида ўқитувчилар талабаларни мустақил таълимга жалб этиш ва унинг натижаларини баҳолаш билан боғлиқ жиддий муаммоларга дуч келдилар. Ўқитувчилар талабаларни масофадан ўқитишда уларнинг ўзлаштириш натижаларини қандай баҳолаши билимга бўлган эҳтиёжларини қандай аниқлаши мумкин; деган савол туғилиши табиийдир.

Аралаш таълим шароитида ва берилган топшириқларнинг бажарилишини реал тарзда баҳолаш методикасини шакллантириш модели талабаларнинг ўқув мотивини ошириш, уларни мустақил ўрганишга ўргатиш ва ўзлаштириш натижаларини назорат қилиб боришнинг самарали муҳитни яратишга кўмаклашади. Шунингдек, талабаларнинг билимини узлуксиз баҳолаш тизимини шакл-

лантириш аралаш таълим шароитида ўқиш жараёнини максимал даражада ташкиллаштириш учун имкон яратади. Бунда талаба ёки талабалар гуруҳлари қаерда жойлашганлигидан қатъий назар, катта маълумотлар тўпламларини бир зумда тезкор ва аниқ тўплаш ҳамда таҳлил қилиш имкониятини берувчи янги қўшма булутли (Module) технологиялардан фойдаланиш мумкин.

Бу ўқув моделида талабаларнинг ўзлаштиришларини узлуксиз баҳолашни шакллантирувчи технологиялардан фойдаланилади. Қўшма булутли электрон жадваллар, хужжатлар, саҳифалар ва тақдимотлар электрон таълим муҳитида баҳолашни амалга ошириш имконини беради.

Баҳолаш тизимини шакллантириш, талабаларнинг ўзлаштириш даражасини баҳолаш юзасидан кўпгина илмий педагогик тадқиқотлар олиб борилган. Кўплаб тадқиқотларнинг натижаларини таҳлил қилиб хулосага келиш мумкинки, шакллантирувчи баҳолаш тизими «кўзда тутилмаган ҳолатлар (вазиятлар)»ни, яъни таълим мазмунининг баҳолашга боғлиқ равишда ўзгартирадиган критик нуқталарни таъминлайди. Пухта ўйланган шакллантирувчи баҳолаш тизими реал вақт режимида талабаларнинг эҳтиёжларини қондириш учун ўқув дастурларига киритиладиган зарурий ўзгартиришларни прогноз қилиш имконини беради. Шакллантирувчи баҳолашларда қўлланиши мумкин бўлган кўпгина технологиялар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: кўл кўтариш (саволларга аниқ жавоб бериш), хор бўлиб жавоб қайтариш (унда ўқитувчининг берган саволларга жўр бўлиб жавоб қайтариш таклиф қилинади), «ўйлаб кўриш – ҳамфикр бўлиш – жавобини бўлишиш» (жавобни гуруҳ билан бўлишадиган вазиятда талабаларнинг ўзлаштириши баҳола-нади), тезкор ёзувлар (бунда аниқ саволларга ёзма равишда жавоб берилади), чиқиш карточкалари (аудиторияни тарк этишдаги савол ёки жавоблар кўзда тутилади), ўз-ўзини баҳолаш (талабалар ўзларининг иш дафтари(вазифалари) ёки аудиторияда берган жавоблари асосида ўз тушунчаларини текшириб кўради) ва викториналар (бунда талабаларнинг тушунишларини текшириш учун савол берилади).

Ушбу методларнинг барчаси анъанавий дарс шаклида самарали бўлиб, уларнинг кўпчилиги талабалар эҳтиёжларини тезкор баҳолаш имконини беради. Масалан, карточкалар ёки дарсдан сўнг

викториналар орқали баҳолаш асосан яхши ўзлаштирмаётган талабалар учун самарали ҳисобланади. Ўқув курси юзасидан талабалар билимини таълим циклининг бошида аниқланиши мумкин, бу эса паст кўрсаткичга эга талабаларнинг ўзлаштиришда орқада қолиб кетишидан олдин таълимга ўзгартиришлар киритиш имконини беради. Шакллантирувчи баҳолаш интегратив «ҳамкорликдаги продуктив фаолият»ни ифода этиб, унда талабалар йиғилади, билимларни етказиб бериш, изоҳлаш ва тушунчаларини ўқитувчига тақдим этиш, ўқитувчи эса таълимни оптималлаштириш ҳамда тавсияларга тузатиш киритиш орқали ўқув жараёни давомида такрорланади. Шунингдек, шакллантирувчи баҳолаш талабаларга ўзининг имкониятларини намоён қилиш ва шахсий самарадорликни ривожлантирувчи, рефлексив мақсадга эга бўлган автоном (мустақил) таълим стратегияларини ишлаб чиқишдаги асосий талаб ҳисобланади.

Бугунги кунда аудитория муносабатини ўрганишнинг кўплаб тизимлари мавжуд бўлиб, таълим муассасаларида қўлланиладиган талабаларнинг маълумотларини бирлаштирадиган махсус «кликерлар», компьютер дастурий таъминоти ва смартфонлар учун илова-лар шулар жумласидандир. Бундай тизимлар орқали индивидуал жавобларни кузатиб борилади, сўров натижаларини қайди, мавзунинг асосий жиҳатларининг тушунилганлиги тасдиқланади, ҳисобот ва таҳлил учун маълумотлар тўпланади. Ушбу ихтисослаштирилган портатив тизимлар талабалар учун ўқитувчилар томонидан берилган саволларга жавобларни киритиш, уларнинг ўзлаштириш даражаси тўғрисида тезкор маълумотлар статистикасига эга бўлиш имконини беради. Бу борадаги тадқиқотлар талабаларнинг иштироки, давомати ва билим олиши яхшиланишини кўрсатди.

Бундай тизимлар жавобларни киритиш имкониятлари чекланган ва янада юқори тушуниш даражаларини баҳолашда қўллаш мумкин бўлган мураккаб матн, аудио, видео ёки график жавобларни қабул қила ололмайди. Айрим фойданиш вариантлари ҳам баҳо-ларни олдиндан тайёрлашни талаб қилади. Бу эса ўқитувчининг спонтан баҳолашни ўтказишига ҳалақит беради.

Биргаликда фойдаланиладиган ҳужжатлар ҳам ўқитувчи, ҳам талаба учун текзор фойдаланиш имконияти яратилган шакллантирувчи баҳолаш платформасини таъминлайди. Масалан, компью-

терлар билан жихозланган аудиторияларда ёки онлайн-синхрон дарсларда талабаларнинг жавобларини қайд этиш учун умумий онлайн-жадвалдан фойдаланиши мумкин. Ўқитувчилар биринчи устунда талабаларнинг исми ва фамилиясини ёзиб, иккинчи устун сарлавҳасида савол беради. Талабалар уларнинг исмлари ёнидаги ячейкада саволларга жавобни белгилайди. Бу ўқитувчига дарснинг талаба томонидан тушунилиши даражаси тўғрисида тезкор маълумот беради. Ўқитувчи ушбу жараёни ўқитиш даврида такрорлаши ва ўқувчиларни доимий баҳолаб бориши мумкин.

Ҳозирги пайтда кўпгина компаниялар онлайн-ҳужжатларни таклиф қилмоқда, Google бепул ресурслар тўпламини тақдим этмоқда. 2006 йилда Google биринчи матнли веб-процессорни ифодаловчи Upstartледастурий таъминотини сотиб олди. Бундан ташқари, Google 2Web Technologies компаниясидан Интернетдаги биринчи электрон жадвал ҳуқуқларини сотиб олади. 2007 йилда Google биринчи веб тақдимотлар дастурини ишлаб чиқди ва учаласини GoogleDrive сифатида маълум бепул ишланмалар пакети сифатида тақдим этди. Бепул Google қайд этиш ёзувини очган ҳар қандай киши автоматик равишда Google Диск ҳавола-сига эга бўлади. Фойдаланувчилар Интернетда исталган замонавий браузер ёрдамида ҳужжатлар, электрон жадваллар ва тақдимотлар яратиши ҳамда уларни турли форматларда импорт қилиши мумкин. Google ҳамда уларни автоматик равишда Google серверларида сақланади, уларнинг жойлашган манзили ёки номи зарур эмас. Ушбу ҳужжатлар «булутда» жойлашган деб таърифланади. Тегишли викитехнологиялар билан ҳолатдаги каби, ўзгартиришлар тарихи ҳар битта ҳужжат билан боғланган, шу боис фойдаланувчилар таҳририй ўзгартиришларни кўриб чиқиши, тузатиши ва/ёки бекор қилиши мумкин.

Булутдаги ҳужжатлар талабаларнинг самарали таълим ҳамжамиятлари учун ҳамкорлик ва ахборот алмашув муҳитини яратадди [8]. Ўқитувчилар ва талабалар айни бир файл билан ишлаши мумкин. Талабалар ҳамкорликдаги фаолият жараёнида уларнинг курсдошлари қандай ўзгартиришлар киритганини кўриб чиқиши, ўзгартиришлар тарихидаги параметрларни танлаш орқали ўзгартиришларни бекор қилиши ёки тиклаши мумкин. Талабалар бошланғич ҳужжатлар билан ишлаш ва курсдошларга нусхаларни

жўнатиш ўрнига, ҳужжатнинг жорий мақомида тушунмовчилик бўлмаслиги учун, бевосита оригинал билан ишлайди. Бундай веб ишланма қиммат дастурий таъминотга эҳтиёжни бекор қилади, чунки бепул юкланадиган веб-браузер барчасини бажаради.

Биргаликдага ҳужжат айланиш булутли технологияси шакллантирувчи баҳолаш учун янги имкониятларни вужудга келтиради. Интернет ҳужжатлар талабаларга эмпирик тадқиқотларнинг мураккаб ва биргаликдаги хусусиятини тушуниш имконини беради, зеро улар маълумотларни бир нечта лаборатория гуруҳлари, аудитория ёки олий таълим муассасаларидан тўплайди ҳамда таҳлил қилади [9,10]. Маълумотлар тўплашни Google шакллари сингари сўров воситалари ёрдамида соддалаштириш мумкин бўлиб, улар Google электрон жадваллари билан бевосита боғланган. Ўқитувчилар ва талабаларнинг онлайн ишлаш шароитларини ишлаб чиқиши, сўнгра таълим олувчини таълим жараёнида иштирок этишга жалб қилиш мумкин. Жадваллар лаборатория ёзувлари (қаторлари) ва аниқ саволларга жавобларни акс эттирувчи майдонлар (устунлар) ёрдамида яратилади. Сўров шакллари ва у билан боғлиқ электрон жадвалларга ҳаволалар электрон почта хабарларида, янгиликлар блоглари ёки вебсайтларда ҳужжатларнинг манзилларини кўрсатиш орқали ифода этилиши мумкин. Талабалар онлайн шаклларни тўлдирди ва биргаликда ҳамма учун очик бўлган ягона электрон жадвал файлини яратади. Бир неча секунд ичида бутун аудитория ўз маълумотларини киритиши, лаборатория гуруҳлари сонига тенг ёзувларга эга жадвал яратиши, шакл бўйича қанча савол бўлса, шунча майдонхосил қилиши мумкин. Ушбу маълумот тўплавларини ўрнатилган онлайн-воситалар ва «гибрид иловалар» (веб-иловалар гибридлири) ёрдамида таҳлил қилиш ёки Microsoft Excel каби анъанавий воситалар ёрдамида таҳлил қилиш учун ҳар битта гуруҳга юклаш мумкин. Ўйриқчи ёки тьютор ҳар битта юкланиши, иштирокчиларнинг жойлашув манзилидан қатъий назар, битта экранда осон таҳлил қилиши мумкин. Бу шакллантирувчи тескари алоқа имкониятини беради. Ушбу алоқа курсдошлар билан бўлиши мумкин, зеро натижалар барчага очик бўлади. Масалан, онлайн-ўйриқчи ёки тьюторларидан таълим ҳақидаги маълумотларини тўплаши, сўнгра уларни талаба институт ички ҳужжатларида акс этган маълумотлар билан таққослаб таҳлил қилиши

мумкин. Аудитория машғулотларини Google Hangouts (видеоконференцалоқа учун бепул илова) ёки Collaborate (Интернетда синхрон ишлаш учун Blackboard воситаси) ёрдамида ўтказиш мумкин. Ўқитувчилар ва талабалар Google жадвалида акс этадиган таълим олувчилар тўғрисидаги барча маълумотларни узлуқсиз кузатиб бориши мумкин. Ушбу мониторинг маълумотлар тўплаш учун шакллантирувчи баҳолашнинг янги даражасига кўтарилиш имконини беради, чунки кўпгина хатоларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда тузатиш мумкин бўлади.

Веб-ҳужжатлар талабаларга илм-фаннинг ўзига хос жиҳатларини ўрганишда ва катта жамоаларда ишлаш тажрибасига эга бўлишда ёрдам бериши мумкин. Ҳужжатлар веб-технологиялари (масалан, Google ҳужжатлар, Жадваллар, Шакллар ва Тақдимотлар) биргаликда ишлаш учун муҳит яратади, бироқ онлайн-ўйриқчилар, агар улар технология берадиган имкониятлардан фойдаланмоқчи бўлса, тегишли машқлар ва дарсларни ишлб чиқишлари лозим. Масалан, талабалардан маятник массаси, узунлиги ва даври ўртасидаги боғлиқликни топишни сўраши мумкин. Онлайн таълим олувчи талабалар ёки аралаш таълим жараёнида физикадан уйда ўтказилган тажрибалар натижаларини биргаликда таҳлил қилиш, қайта ишлаш учун шаклга ёки электрон жадвалга айлантириб тақдим этиши мумкин. Битта лаборатория гуруҳи томонидан тўпланган, бир нечта маълумотлар нуқталарига эга кўринмас алоқалар бутун аудитория маълумотлари кўшилгандан сўнг янада аниқлашади. Агар ҳар бир гуруҳ турли вазн ва узунликка эга маятник даврини ўлчаса, талабаларга таҳлил учун катта маълумотлар тўплавлари тақдим этилади. Талабалар электрон жадвалларда эгри чизик аппроксимацияси технологиясини қўллаган ҳолда аудитория маълумотларига мос келадиган тенгламани топишлари мумкин. Талабалар бутун маълумотлар туркумини таҳлил қилган ҳолда маятникнинг тебраниш даври массага боғлиқ эмаслиги, бироқ маятник узунлиги квадрат илдизига бевосита боғлиқлигини аниқлаши мумкин. Бундай хулосага бутун туркум маълумотлари билан ишлашда тез келиш мумкин, бироқ ҳар битта лаборатория гуруҳи барча зарур маълумотларни мустақил генерация қилиши лозим бўлса, бу кўп вақтни олиши мумкин. Бирлаштирилган маълумотлар хатони аниқлаш ва уни иш жараёнида тузатишни сод-

далаштиради. Ўқитувчилар ва талабалар лабораториянинг якуний ҳисоботини кутиш ўрнига маълумотларни улар булутдаги электрон жадвалга киритилаётган пайтда баҳолашлари мумкин. Бу пайтда хатолар тушиб қолаётган нуқталар кўринишида кўзга ташланади. Ўқитиш талабаларнинг маълумотларини киритишдан сўнг шакллантирувчи баҳолашни тезкор бажарган ҳолда талабаларнинг хато маълумотларни изоҳлашга беҳуда сарфланадиган кўп вақтини тежаши мумкин.

Аралаш таълим курсларида ҳам анъанавий, ҳам онлайн-баҳолаш воситалари қўлланилиши ҳисобидан баҳолаш воситалари ҳамда услублари янда кўпайтирилиши мумкин. Бу ўқитувчиларга уларнинг аниқ таълим натижалари учун энг мос келадиган баҳолаш услубларини танлаш имконини беради. Ўқитувчилар жойларда синов натижаларини синчиклаб назорат қилиши ва такдимотларни, намоёниш этиши ёки мунозараларни бевосита кузатишлари мумкин. Талабаларнинг ишлари рақамли шаклда онлайн жўнатилади ва кўриб чиқирилиши мумкин.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. d'Alessio, M. A., & Loraine L. L. (2013). Computer supported collaborative rocketry: Teaching students to distinguish good and bad data like an expert physicist. *The Physics Teacher*, 51(7), 424–427.
2. Bandura, A. (1997). *Self-efficacy: The exercise of control*. New York, NY: Freeman
3. Beatty, I. D., & Gerace, W. J. (2009). Technology-enhanced formative assessment: A research-based pedagogy for teaching science with classroom response technology. *Journal of Science Education and Technology*, 18(2), 146–162.
4. Bernackic, M. L., Ducettee, J. P., Majerichb, D. M., Stulla, J. C., & Varnumd, S. J. (2011). The effects of formative assessment pre-lecture online chapter quizzes and student-initiated inquiries to the instructor on academic achievement educational research and evaluation: *An International Journal on Theory and Practice*, 17, 253–262.
5. Bennett, K. R., & Cunningham, A. C. (2009). Teaching formative assessment strategies to preservice teachers: Exploring the use of handheld computing to facilitate the action research process. *Journal of Computing in Teacher Education*, 25, 99–105.
6. Black, P., & Wiliam, D. (2009). Developing the theory of formative assessment. *Educational Assessment, Evaluation and Accountability*, 21, 5–31.
7. Bodis, A. (2007). Our feature presentation. Official Google Blog. Retrieved from <http://googleblog.blogspot.com/2007/09/our-feature-presentation.html>
8. Falkner, K., & Falkner, N. J. (2012). Supporting and structuring “contributing student pedagogy” in Computer Science curricula. *Computer Science Education*, 22(4), 413–443.
9. Herr, N. & Rivas M. (2010, October). Teaching the nature of scientific research by collecting and analyzing whole-class data using collaborative Web-based documents. *Proceedings of the Association for the Advancement of Computing in Education*. Orlando, Florida.
10. Herr, N., Rivas, M., Foley, B., Vandergon, V. & Simila, G. (2011a, January). Computer supported collaborative education: Strategies for using collaborative Web-based technologies to engage all learners. Pro-

ceedings of the 9th Annual Hawaii International Conference on Education. Honolulu, Hawaii.

11. Google Press Center. (2006). Google press center: Google announces limited test on google labs: Google Spreadsheets. Retrieved from http://googlepress.blogspot.com/2006/06/google-announces-limited-test-on-google_06.html

12. Kaleta, R., & Joosten, T. (2007). Student response systems: A University of Wisconsin System study of slickers. EduCause Center for Applied Research Research Bulletin, 10, 4–6.

13. Kay, R. H., & LeSage, A. (2009). A strategic assessment of audience response systems used in higher education. Australasian Journal of Educational Technology, 25(2), 235–249.

14. Polanyi, M. (1967). The tacit dimension. New York, NY: Anchor Books

15. Zimmerman, B. J. (2002). Becoming a self-regulated learner: An overview. Theory into Practice, 41(2), 64–70.

БОБАХОДЖАЕВА ЛОБАР ГАФУРДЖАНОВНА

**АРАЛАШ ТАЪЛИМНИ
ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ
ДИДАКТИК ЖИҲАТЛАРИ**

Монография

Муҳаррир: Х. Тахиров
Техник муҳаррир: Т. Раҳматуллаев
Мусахҳих: Н. Исмадова
Саҳифаловчи: А. Муҳаммад

ҚАЙДЛАР УЧУН

Нашр. лиц № 2244. 25.08.2020 й.
Босишга рухсат этилди 28.10.2021 й.
Бичими 60x84 1/16. Офсет қоғози. “Times New Roman”
гарнитураси. Ҳисоб-нашр табоғи. 11,25.
Адади 100 дона. Буюртма № 72.

«MALIK PRINT CO» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси.

- 12782 -

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA G'RTA MAXSUS TAILIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTE
YUQORI QISMI

